

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ЖАМФАРМАСИ

Истиқлол йиллари: миллий-диний
қадриятларнинг халққа қайтиши

*Мустақиллик, Наманган ва
миллий-диний қадриятлар
(Наманган, 1 август)*

(Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига
бағишланган илмий-амалий анжуман материалларининг баёни)

ТОШКЕНТ-2001


Истиқлол йиллари: миллий-диний
қадриятларнинг халққа қайтиши

Мустақиллик, Наманган ва миллий-диний қадриятлар
(Наманган, 1 август)

Таҳрир ҳайъати: З. Мунавваров
Н. Жабборов
Ш. Сирожиддинов

Техник муҳаррир: С. Смирнов

ПОДР.



© Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001

26602

Ю 2/594

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Наманган азал-азалдан нафосат, гўзаллик, инсоний ҳалимлик ва бағрикенглик маскани сифатида машҳур бўлиб келгани аини ҳақиқатдир. Балки шунинг учун ҳам наманганликлар гулни алоҳида муҳаббат ва ардоқ билан севадилар: қадим замонлардан бу ерда нишонланиб келинган махсус гул байрамлари Мустақиллик йилларида республикамининг бошқа вилоятларида ҳам оммалашиб, халқимизнинг нозик ҳис-туйғуларига мос ўзига хос қадриятга айланиб бормоқда.

Шунингдек, Наманган том маънодаги соғлом эътиқоднинг мустаҳкам қўрғони сифатида ҳам шуҳрат топгани барчага маълум. Ушбу эътиқоднинг мазмун-моҳиятини фақат тақвонинг кучи эмас, балки, энг аввало, наманганликларнинг илму ирфонга интилиш қудрати белгилаб келган. Нақшбандийликнинг табаррук шайхлари Маҳдуми Аъзам Косоний ва Лутфуллоҳ Чустий, мумтоз файласуф шоирлар Асируддин Ахсикатий, Мулло Бозор Охунд, Бобораҳим Машраб, Абдулазиз Мажзуб Намангоний, Исҳоқхон Ибрат, ўзлгимизу озодлгимизнинг фидойи жарчилари Муҳаммадшариф Сўфизода ва Усмон Носир, энг суюкли кўшиқларимизга қанот бағишлаган замондошларимиз Набиҳон Чустий, Ҳабиба Охунова, Ҳабиб Саъдулла, Камолиддин Раҳимов каби юзлаб, балки минглаб фозил инсонларнинг ушбу саховатли заминда туғилиб, камол топгани фикримизнинг ёрқин исботидир. Худди шунинг учун ҳам Президент Ислам Каримов Наманган халқини таърифлаб, *«...бу замин фарзандларининг шижоати ўзига хосдир. Наманганликларни азалдан омилкор, оқибатли, нияти пок, ўз маънавий ва ислоний қадриятларини юксак эъзозлаб келган эл сифатида биламиз ва катта хурмат қиламиз»*, дея алоҳида таъкидлаган эдилар.

Ҳа, Наманган деганда, азиз-авлиёлар ўтган табаррук замин, жаҳон тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган алломаларни вояга етказган илму ирфон маркази, бетакрор санъатимизу ҳунармандчилигимизни дунёга олиб чиқиб, халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистонга нисбатан алоҳида эҳтиром туйғуларини шакллантираётган ўхшаши йўқ сўлим диёр, пешона тери эвазига топган ҳалол луқма билан фарзандларини буюк аждодларга муносиб ворис қилиб тарбиялаётган, юртимизнинг кўркига кўрк, ҳуснига ҳусн қўшаётган, уни боғу бўстонга

айлантираётган юксак маънавиятли саховатпеша инсонлар Ватани кўз ўнгимизда гавдаланади. Халқимизнинг қону жонига сингиб кетган меҳмондўстлик, самимийлик, очиққўнгиллик, андишалilik, тантилик, меҳнатсеварлик, яратувчанлик, миллий анъаналаримизга содиқлик каби фазилатлар хотирамизда ялт этиб жонланади.

Наманганликлар ҳамиша эътиқоди мустаҳкам халқ бўлиб келган дедик. Ушбу эътиқоднинг беҳадик ва эркин намоён бўлиши учун Истиқлол йилларидагидек кенг йўл ҳеч қачон очилмаган эди десак, асло куболаға қилмаймиз. Мустақилликнинг ҳақиқий қадрини наманганликлар, энг аввало, бир-бири билан уйғунлашиб кетган миллий ва диний қадриятларимизнинг тикланиши орқали сезмоқда, дейиш ҳам бугун бағоят ўринлидир. Чунки мустабид тузум даврида миллий-диний қадриятларимиз нечоғлик таҳқирланганлиги, не-не тазйиқларга учрагани ҳақида сўз кетганда, айниқса, наманганликлар бошига тушган кўргуликларни унутиб бўлмайди. Бу эса, наманганликларни Истиқлолнинг қанчалик улуғ неъмат эканлигини янада чуқурроқ англашга, унинг пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида алоҳида жидду-жаҳд кўрсатиб меҳнат қилишга ундаётганлиги мутлақо табиий ҳолдир. Дарҳақиқат, Мустақиллик наманганликларни ана шундай тазйиқлардан озод этди, ҳақиқий ўзлигини кўз-кўз қилишга кенг имкониятлар яратиб берди.

Бироқ, таассуфлар бўлсинким, яратилган беназир имкониятлардан ўзининг гаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган Жума Ҳожиёв, Тоҳир Йўлдошевга ўхшаш нобакорлар ҳам пайдо бўлди. Юртнинг тақдири ҳал бўлаётган ўта масъулиятли тарихий босқичда унга суянчиқ, қувончига шерик, халқ дардига дармон бўлиш туйғуларидан бегона бундай кимсалар, Наманган аҳлининг оққўнгиллиги ва ишонувчанлигини суистеъмол қилиб, уларни ҳидоят йўлидан чалғитиш ҳамда ўзларининг разил мақсадлари қурбони қилишга ҳам тайёр эканлиги аён бўлди. Бироқ фикри теран, маънавияти юксак, халқи ва Президентига содиқ наманганликлар уларнинг найрангларига учганлари йўқ. Аксинча, бир ёқадан бош чиқариб, Юртбошимиз атрофида жипслашиб, халқимиз тинчлик-осойишталиги, фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Билиб-билмай, адашиб ганимлар домига илиниб қолган айрим юртдошларимиз эса бугун

қилмишларининг носоғлом моҳиятини тўғри идрок этиб, мард Президентимизнинг ҳикмати билан яратилган ҳуқуқий муҳитдан фойдаланиб, Ватан ва оила бағрига қайтмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Наманганнинг мунаввар чеҳрасини таассуб ва нафс балосининг қулига айланган, наслу насаби бетайин кимсаларнинг кичик тўдаси эмас, балки табаррук номлари юқорида зикр этилган, нафақат Марказий Осиёда, балки Шарқу Фарбдаги миллионлаб инсонлар қалбига ўзининг беназир заковати туфайли йўл топа олган ҳақиқий миллатпарвар ва юртпарвар улуг зотлар ҳамда бугун яшил далалару замонавий завод-фабрикаларда астойдил тер тўкиб, зафарлар қучаётган, жонажон Ўзбекистонимиз номини дунёга дoston қилаётган, бугунимиз ва эртаимиз қаҳрамонлари-фидойи ёшлар белгилайди.

Наманган вилоятида камол топаётган, ёш эса-да, ўзининг юксак салоҳияти ва чуқур идрокини баралла намоён этаётган, илғор замонавий технологияларни мукамал эгаллаш билан биргаликда, халқимизнинг энг олий эзгу фазилатларини ўзида мужассамлаштирган ёшларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани ана шу ишончни янада кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, Ватанимизнинг нузли келажаги ва халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашда наманганлик ёшлардан катта умид борлигидан далолат бермоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакат миқёсида ҳам, Наманган вилояти даражасида ҳам келажак ишончли қўлларга топширилмоқда.

Маънавиятимизнинг асл сарчашмалари - миллий ва диний қадриятларимизга бағишланган, илк босқичлари Бухоро, Самарқанд, Хива ва Андижонда бўлиб ўтган, бугун эса гуллар юрти деб тан олинган Наманганда давом этаётган анжуман ҳам халқимизда, айниқса, ёш авлодда миллий гурур, аждодлар меросига ҳурмат, эзгу қадриятларимизга садоқат туйғуларини кучайтиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, деган умиддамиз.

*Проф. Зоҳидулло МУНАВВАРОВ,
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси раиси*

ТОНГ НУРИ

(Имом Бухорий зиёратгоҳида)

Қалбимга ёғилди тонг нури,
Хайратдан унутдим ўзимни.
Туяман илоҳий шуурни,
Тикиб мақбарага кўзимни.

Сукутда ётибди улуғ зот,
Не учун сиғарлар қабрга?
Нидо қил, нидо қил, эй ҳаёт,
Сабр бер энди сен сабрга.

Жаҳонда Ҳазратдай айт ким бор,
Эътиқод баҳсида танҳодир.
Пайғамбар сўзига устувор,
Даҳолар сизинган даҳодир.

Юз минглаб табаррук гуҳарни
Хотирда тутмишлар вожаб.
Саралаб мисоли соф зарни,
Ҳадис деб битмишлар вожаб.

Бил, бунда тош кўнгил эрийди,
Эзгулик ҳовридан дийда нам.
Бад ўйлар бир зумда арийди,
Зулматни қувгандек ёниқ шам.

Атрофга қарайман энтикиб,
Гўёки коинот аҳли жам.
Руҳларин шод этар тиз чўкиб,
Ўзбек ҳам, араб ҳам, аҷам ҳам.

Аллоҳнинг бергани шу эрур,
Шу эрур чин бандам дегани.
Бу ёруғ оламни қўя тур,
Бақода мен ҳамдам дегани.

ФАХРИЁНА

*Даҳбеддаги Маҳдуми Аъзам Косоний
мақбараси пойига Ялангтўш авлодига
мансуб беш подшоҳ дафн этилган*

Эй фахр, хобингдан бош кўтар,
Лочиңдай кўкларда қанот қоқ.
Боқийлик бахтига муяссар
Юрдошим васлига эл муштоқ.

Маҳобат бўй чўзган масжидда,
Ёдини меҳрга ўрарлар.
Қабрига юкинган онларда,
Аллоҳ таолодан мадад сўрарлар.

Руҳи шод бўлганин кўрарлар,
Сўнмагай бу соғинч, бу ҳавас.
Буюкка ўлим йўқ ҳеч қачон,
Дарёнинг қисмати қуришмас.

Баҳр эмгай ҳамиша тирик жон,
Офарин Ялангтўш авлоди,
Гойибдан олисни кўзлабди.
Дунёда бўлса-да хаёли,
Донолар тилида сўзлабди:

-Кўз юмсақ ул зоти шарифнинг,
Оёғи остига қўйингиз.
Вафоси бўлмагай тож-тахтнинг,
Сиз уни илмда туйингиз.

Неча йил, асрлар ўтибдир,
Куррамиз олибди турфа ранг.
Подшоҳлар келибдир, кетибдир,
Босмабди аллома изин чанг.

Таҳсинлар ўқийман мен бугун,
Рости гап, Ялангтўш наслига.
Пирлари пойида ётган-чун,
Эсланиб туради аслида!

Фарҳод ЙЎЛЧИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

МАЪНАВИЯТ – ИЙМОН, КЎНГИЛ ПОКЛИГИ

Яратганинг қудратига беадад ҳамду санолар бўлсинким, у ҳар бир инсон қалбига таваллуд топгандаёқ иймон қўргонини жо қилади. Мазкур қўргон инсонни турли бало-қазолардан асраб, уни юксакликка кўтаради, такомилга етказди, пировардида Ҳақ йўлидан бориб, эл-юрт равнақига хизмат қилишга астойдил бел боғлатади.

Иймон қўргони бут бўлса, ҳеч шубҳасиз, инсон Ҳақ ва ҳидоят йўлидан боради, танлаган йўналишидан асло адашмайди, унинг амалга ошираётган ҳар бир хайрли иши Аллоҳ марҳаматига сазовор бўлади. Қалби, кўзи, юзида ажиб бир нур жилва қилиб туради. Бу нур шундай қудратлики, у инсонга маънавиятнинг мусоффо уммонида эркин сузиш имкониятини беради. Бу уммон эса инсонни поклайди, комиллик чўққисига етақлайди. Инсон фақат эътиқоди ва хайрли ишлари билан иймони бутлигини намоён этади.

Иймон тўғрисида мукамал фикр билдириш осон эмас. Муқаддас Куръони каримнинг ҳар бир калимаси иймонни мустаҳкамлашга йуналтирилган буюк манбадир. Ислом динининг моҳиятини одамлар онгига сингдиришга улкан ҳисса қўшган ватандошларимиз Имом ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Абу Мансур ал-Мотуридий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Маҳдуми Аъзам Косоний ва бошқаларнинг таълимоти ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Арабистон ярим оролида туғилган ислом динининг она заминимизда ривож ва қарор топгани умумэътироф қилинган ҳақиқатдир.

Демак, аждодларимиздан ўрганадиган жиҳатлар бисёр. Улар иймондан ажраб қолишни катта фожеа деб билганлар. Зебузийнатлардан, ҳою-ҳаваслардан, ҳатто мартаба-ю унвонлардан айирса айирсину, аммо иймондан айирмасин, дея Аллоҳга илтижо қилганлар. Хожа Аҳмад Яссавий айтганидек:

Демайменки, мени жондин айирма,
Вале охирда иймондан айирма.

Кўриниб турибдики, иймон жондан ҳам азиз бўлган. Аждодларимиз дунёдан иймонсиз кўз юмиб, дўзах алангасида ёнишдан сақланганлар. Тил билан дилнинг бирлиги, руҳнинг абадийлиги, Ҳаққа ишониш ва унга талпиниш иймондандир. Дунёдаги энг мушкул нарса, деганди мавлоно Жалолиддин Румий, бу ўз руҳини бошқара билишдир. Бу ишни ҳатто дунёни куч билан забт этган кишилар ҳам қила олмасликлари мумкин. Аммо мустаҳкам иймонли кишилар бунга қодир. Улар кўп нарсани биладилар, бу дунёдаги воқеликларни кузатадилар, дунёни тамоман ўзгартиришга имконлари тўла бўлмаса-да, атрофдагилар ҳаётини тартибли ва яхши бўлишини истайдилар. Бунинг аксини қилувчилар эса иймонсизлардир. Мен Ватан, халқ тақдирига бефарқликни, лоқайдлик, қўрқоқликни, кўрнамакликни, ёлгончилик ва лаганбардорликни ҳам иймонсизлик деб биламан. Она табиатга нописандлик, талон-тарожлик иллатлари ҳам иймонсизликдандир. Айниқса, жисмни покловчи оби ҳаётга нисбатан ёмон муносабат ҳам иймонсизлик кўринишидир.

Такаббур одамлар ўз Ватанини оёқ ости қилишга, ҳатто унга қўл кўтаришга тайёр турадилар, улардаги иймон қалъаси нураган бўлади. Динни ниқоб қилиб, турли хунрезликлар қилаётганлар ана шулар сирасига киради.

Мустақиллик туфайли демократик ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуришга киришдик. Табиий равишда маънавиятимиз тўғрисида кўпроқ қайғурадиган бўлдик. Маънавият — миллатимиз тараққиётида тўпланган анъаналар, тафаккуримиз, тасаввуримиз мажмуидир. Маънавият, бу — одамларга наф келтириш, мазмунли ҳаёт кечирини демақдир. Маънавиятни том маънода иймон, кўнгилнинг поклиги десак асло хато қилмаймиз.

Энди ҳамма гап инсоннинг ўз қалби тубидан жой олган гавҳар — иймон кўрғонини асраб-авайлашда, уни янада мустаҳкамлаш ва авлодларга мерос қилиб етказишдадир. Мен ўтмишга тош отиш фикридан мутлақо йироқман. Бироқ мозийни эсламоқ, Абдулла Қодирий таъкидлаганидек, хайрлидир.

Бутун дунёда пролетар диктатурасини ўрнатиб, коммунизм

қуриш васвасаси билан ҳукмрон бўлишга уринган ғоянинг кўз олдимизда барбод бўлишини иймонга қарши олиб борилган шафқатсиз курашнинг адолатли интиҳоси деб биламан. Манфур, шу билан бирга худосиз бу ғоя шоҳни гадо, соҳибни қул қилишга жон-жаҳди билан интилди. Мислсиз курашларда миллион-миллион кишиларнинг ёстиғи қуриди. Аммо бу ғоя сунъий бўлганлиги учун ҳам ҳақиқат юзини кўра олмади. Бироқ у инсониятни тараққиётдан анча орқада қолдирди. Буни ривожланган мамлакатлар билан собиқ иттифоқ республикалари ўртасидаги фарқдан билиш қийин эмас.

Диндорлар қувғин, ватанпарварлар қатағон қилинди. Яна ачинарлиси, мулкка эгалик қилиш ҳисси йўқола борди, боқимандалик кучайди. Бу ғоя кўпгина миллатларга, ҳатто она табиатта катта зиён-заҳмат етказди. Ўша иймонсиз ғоя боис ўтмишимиздан, қадриятларимизу ору номусимиз, охири иймонимиздан ажраб қолишга оз қолди.

Мана ўн йилдирки, мустақилликка эришиб, ўзлимизни англадик, сўқир кўзларимиз очилди, Яратгувчига ҳамду санолар айтиш, очиқ-ойдин тазарруъ қилиш имкониятларига эга бўлдик. Юртдошларимизнинг чет элларга, жумладан, муборак Ҳаж сафарига бемалол бориб келаётгани, минглаб ёшларимизнинг чет элларда ўқиётгани, муқаддас зиёратгоҳлар обод қилинаёгани, халқимиз ва давлатчилигимиз тарихини изчил ўрганишга яратилган имкониятлар — Президентимиз Ислам Каримовнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона ички ва ташқи сиёсатининг тотли мевасидир.

Президентимиз раҳнамолигида ўз тараққиёт йўлимизни белгилаб олдик. Мисли кўрилмаган зафарлар кучдик. Етарли иқтисодий салоҳиятга эгамиз. Экспорт имкониятларимиз кундан-кунга ортиб борапти. Ҳавас қилса арзигулик автомобиллар ишлаб чиқараётган заводимиз бор. Ўтган ўн йил мобайнида турмушимизнинг барча соҳаларида мислсиз даражада ўзгаришлар юз берди. Эндиги мақсад — танланган йўлдан оғишмай бориб, янада юксакроқ даражага кўтарилишдир.

Шу ўринда Паҳлавон Маҳмуднинг фикрларини эслатиб ўтишни жоиз деб топдим. Гуноҳ, бу — жаҳолат, Ҳақни идрок этмаслик - тутқинлик, чинакам озодлик эса маърифатдир.

Мамлакатимизда содир бўлган воқеалар шуни кўрсатадики, юртимизда сақлаб қолинган тинчлик-тотувлик, ижтимоий-сиёсий барқарорлик буюк аждодларимизнинг мардона руҳи бизни қўллаб-қувватланаётганидан, Президентимиз саъй-ҳаракатларининг изчиллиги ва собитқадамлигидандир.

Мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг изчил амалга оширилаётганлиги, бу борада дунёда илгор ўринларга чиқаётганимиз, ёшларнинг ақлан ва жисмонан етукликка интилаётгани миллатимизни кўз-кўз қилишга имконият яратмоқда.

Президентимиз бизни миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиётга оламшумул ҳисса қўшган олиму адибларимизнинг илмий ва бадиий меросини, мафкуравий ва маънавий қарашларини изчил ўрганиш ва ҳаётга татбиқ қилишга тинмай даъват қилмоқда.

Ўтган йил охирида Марғилон ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган Бурҳониддин ал-Марғиноний ва Абу Мансур ал-Мотуридий тўйларида иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим. Ўшанда Президентимиз юбилей иштирокчилари билан қўл бериб, уларни бағрига босиб кўришди. Унинг кўзларида одамларга меҳр-муҳаббат, шукроналик, юз бераётган оламшумул воқеалардан мамнунлик нури жилва қиларди. Маърузаларини бутун вужудимиз билан тингладик. Биз, тантана қатнашчиларида юксак кўтаринкилик руҳи ҳукмрон эди. Қалбимизда гурур ва ифтихор ҳисси жунбушга келганди. Юбилей кунлари кўп нарсаларнинг гувоҳи бўлдик, аждодларимизнинг мероси битмас-туганмас конлигига ишонч ҳосил қилдик.

Аждодларимиз эса бизни амалий ишларга жиддий киришишга алақачон чорлашган ва ҳаётий қонунлар яратишган экан. Бу меросни чуқур ўрганишимиз керак бўлади.

Ўтган ўн йилда асрларга татигулик ютуқларга эришдик. Дунё давлатлари бизни тан олди. Бироқ, бугун тоталитар тузумдан қолган иллатлар борлигидан асло кўз юма олмаймиз. Боқимандалик кайфияти бизни тарк этмаяпти, лоқайдлик, таъмагирлик, ўғрилик, ҳатто порахўрлик иллатлари ҳам, гарчи аҳён-аҳёнда бўлса-да, учраб туради. Бу зиммамизга одамларни иймон-эътиқодга, инсоф-диёнатга, ҳалол-покликка чорлаш

масъулиятини юклайди. Бу мавсумий иш эмас, балки доимий бўлиши зарур.

Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ бешинчи сессиясида ҳам ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётимизнинг энг долзарб масалалари муҳокама этилди. Янги қабул қилинаётган қонунлар ҳаётий эҳтиёжларимиз тақозоси, халқ хоҳиш-иродаси сифатида намоён бўлаётир. Президентимизнинг сессия давомидаги фикр-мулоҳазалари, таклиф-истаклари халқ дилидаги гаплардир. Ҳа, қонунлар мамлакатни ривожлантиришга, одамларни тарбиялашга хизмат қилиши керак. Бу қонунлар, аввало, ижтимоий, иқтисодий, маънавий муаммоларни ҳал қилиш, умумий тараққиётни таъминлашга ҳуқуқий замин бўлади.

Бизда бир тушунча бор — қонунларни яхши билсак, уларни бузишга асло йўл қўймаймиз. Қонунларни билиш яхши, лекин иймон-эътиқодли ҳам бўлишимиз талаб этилади, бусиз қонунларнинг устуворлигини таъминлаш мушкул ишдир. Қонунлар қандай амалга оширилаётгани тўғрисида оммавий ахборот воситаларида тез-тез чиқишлар қилиш керак. Янги аср Ўзбекистон учун янги даврнинг бошланганидан дарак бериб турибди. Янги аср Ўзбекистон асри бўлади, деган башоратлар ҳам қилинмоқда. Бироқ, француз ёзувчиси С.Экзюперининг — келажакни башоратлар эмас, балки амалий ишлар белгилайди, деган фикри биз учун дастур бўлса — адашмаймиз.

Бас, шундай экан, иймон — дил гавҳарини авайламоқчи бўлган ҳар бир инсон ўз Ватанини ҳамиша обод, ўз халқини доимо озод кўриш йўлида бор имкониятларини ишга солиб меҳнат қилиши лозим, Баҳовуддин Нақшбанд таълим берганидек, дилда Худони ардоқлаб, қўли меҳнатда бўлганининг иймон қўрғони мустаҳкам бўлади. Бу йўлдан чекинганлар ўзларининг майда манфаатлари учун ҳеч қандай разолатдан тоймайдиган иймонсиз нокасларга айланадилар.

Жамиятимизни ҳам, ёшларимизни ҳам ана шундай қабиҳларнинг кирдикорларидан асрашимиз, ҳар бир фарзандимиз қалбидаги иймон гавҳарининг асраб авайланишини таъминлашимиз керак.

Хайрулло ХАЛИЛОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг Наманган вилоятидаги вакили*

ТАРИХ — КЕЛАЖАК ШАМЧИРОҒИ

Мустақиллик миллий ва диний маданиятимизни ўрганишга, унга ҳолисона баҳо беришга катта имкониятлар яратмоқда.

Маданий меросимиз, дину диёнат ва ўтмиш қадриятларимизни ҳар томонлама ўрганиш, барпо этилаётган жамиятимизни тўғри йўлдан етаклаш, истиқболимизни оқилона белгилаш ҳозирги даврнинг долзарб вазифаларидир.

Ўзбекистонда қарор топаётган ижтимоий адолат, айниқса, мустақиллик туфайли тарихимиз, маънавий қадриятларимиз, бой маданий ва диний меросимизга бўлган юксак эътибор ҳар қандай ақли расо одамни қувонтиради.

Жаҳон жамоатчилиги таҳсинига сазовор бўлаётган бу хайрли ва савобли ишлар муҳтарам Юртбошимиз И.А.Каримовнинг собитқадамлик билан олиб бораётган сиёсати самарасидир.

Ижтимоий, маънавий ва иқтисодий ҳаётимиздаги катта ўзгаришлар халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли амалга ошмоқда. Ўтаётган ўн йил ичида келажакимизнинг маънавий асосларини белгиловчи қадриятларимизни тикладик.

Саждагоҳ каби муқаддас бўлган бетакрор Ватанимиз равнақда пок ниятли наманганликларнинг алоҳида ўрни ва нуфузли мавқеи бор. Вилоятда миллий-диний қадриятларни тиклаш борасида халқни тўғри йўлдан олиб боришга катта эътибор берилмоқда.

Диёримиздан чиққан минглаб буюк сиймолар қаторида Маҳдуми Аъзам ал-Косоний, Мулло Бозор Охунд, Бобораҳим Машраб, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Усмон Носир каби алломаларнинг Наманган заминида яшаб, ижод қилганликларидан алоҳида ифтихор туйғуларини сезамиз. Бундай улуғ зотларнинг тарихий меросини ўрганиш бизга фақат мустақилликдан кейингина насиб этди.

Мустабид тузум даврида уларнинг меросини ўрганиш у ёқда турсин, ҳаттоки исми шарифларини ҳам тўлиқ билмас эдик, ул зотларнинг муборак қабрларини зиёрат қилиш ҳам насиб этмаган эди. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин, мустақиллик шарофати билан

миллатимиз ва тарихимизнинг буюклигини идрок этмоқдамиз.

Динимиз билан сайқаллашиб кетган миллий анъаналаримизни ўрганишга Юртбошимизнинг оқилона сиёсатлари туфайли жуда катта шароитлар яратилди. «Тарих — келажак авлоднинг шамчироғи», деб бежизга айтилмаган. Шу боисдан, ўз тарихимизни ўрганиш буюк мақсадларга олиб боришига шубҳа йўқдир.

Шўро даврида вилоятда атиги 2 та масжид ва 1 та рус православ черкови фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда 178 та диний ташкилот расман фаолият кўрсатиб, халқимизни иймонли-эътиқодли бўлишига хизмат қилмоқда. Улардан 175 таси масжидлар, 2 таси ноисломий ташкилотлар ва 1 таси Мулла Қирғиз мадрасасидир.

Мулла Қирғиз мадрасаси 1991 йил мустақиллигимизнинг илк давриданок Наманганда ўзининг фаолиятини бошлаган эди. Мадрасада 130 дан зиёд талабалар ҳам диний, ҳам дунёвий билим олмоқдалар. Ушбу мадраса ҳозирги вақтга қадар 200 дан ортиқ малакали, билимли, давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни яхши тушунган имом хатибларни тайёрлаб берди. Улар нафақат Наманган, балки республикамизнинг бошқа вилоятларидаги масжидларда ҳам фаолият кўрсатмоқдалар. Масжидлардаги чаласавод, билими саёз бўлган имомлар улар билан алмаштирилмоқда. Бу йил мадраса ўзининг 10 йиллик тўйини нишонлаш учун тайёргарлик кўрмоқда.

Тарихий манбаларни таҳлил қилганимизда шўро тузумининг етмиш йиллик даврида Наманган вилоятидан атиги 84 нафар фуқаро муборак Ҳаж сафарига борган бўлса, истиқлолимизнинг 10 йиллиги давомида 10 мингдан ортиқ мусулмонлар муборак Ҳаж ва Умра сафарларига бориб, ибодатларини эмин-эркин адо этиб келиш бахтига муяссар бўлдилар. Уларга яратилаётган шароитларни кўриб, хорижий мамлакатлардан келган ҳожилар Ўзбекистон ҳукуматининг ўз фуқароларига кўрсатаётган ғамхўрликларига ҳавас билан боқиб, муҳтарам Юртбошимиз ҳақларига дуолар қилмоқдалар. Бу улуғ неъматларга шукроналар айтиш қалбида имони бор ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Ҳар бир заминнинг ўз тарихи бўлганидек, Наманганнинг ҳам ўзига хос тарихи, маданий мероси ва унга асос солган буюк алломалари, уларнинг қадамжолари бор. Улардан бири Наманган шаҳрининг Курашхона даҳасидаги энг муқаддас зиёратгоҳлардан бири ҳисобланган, қатағон йилларида бузиб, йўқ қилиб юборилган Мулло Бозор Охунд мақбарасидир. Мазкур мақбара 1994 йилда Наманган халқи томонидан қайта тикланиб,

зиёратгоҳга айлантирилди.

Наманган вилояти «Мерос» илмий марказининг изланишлари, қатор тарихий ҳужжатлар, қадимий қўлёзма китоблар ва тазкираларни ўрганиб чиқиш жараёнида Мулло Бозор Охунднинг ҳаёти ва фаолиятига оид муҳим маълумотлар тўплашга муяссар бўлинди. Унинг Наманган ҳудудидан етишиб чиққан илму фан вакилларидан, улуғ донишманд ва мутафаккир, истеъдодли мударрис ва меҳрибон мураббий, илоҳиёт илмининг билимдони ва тасаввуф аҳлининг пири муршидларидан бири бўлгани исботланди. Шунингдек, Мулло Бозор Охунд оташнафас шоир Бобораҳим Машрабнинг устози бўлгани ҳақидаги билимлардан халқимиз бохабар бўлди.

У ХҲ асрнинг биринчи ярмида дунёга келган. Бошланғич таълимни уйда олиб, кейин Намангандаги мадрасалардан бирида ўқиган. Илмга ташналик у кишини Туркистоннинг илму фан маркази бўлган Бухорога олиб келган. Узоқ йиллар мадрасада ўқиш билан бирга донишманд олим Мирзо Баҳодир Бухорийдан таълим олиб, у зотдан иршод хатини-пирнинг ёрлиғини олгач, Бухородан чиқиб, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларига саёҳат қилган.

Қашқарнинг Хўтан, Ёркент ва бошқа шаҳарларида бўлиб, катта нуфузга эга бўлган, асли косонлик Султон Саййид Жалолуддин авлодларидан бўлмиш машҳур Ҳидоятulloҳ Офоқ Хожа билан танишиб, бир неча муддат у кишининг ҳузурларида турган. Сўнг Қашқардан Бухоро, Қўқон ва Наманганга келиб, шу ерда яшаб, Лаббай тоға даҳасидаги мадрасада мударрислик ва масжидда имомлик қилган.

Узоқ йиллар илм таҳсил қилган ва Шарқ оламининг таниқли кишилари билан суҳбатларда бўлган Мулло Бозор Охунд фикҳ, ҳадис, фаройиз, жуғрофия, илми ҳисоб, тарих, адабиёт, руҳшунослик ва бошқа илмларни яхши эгаллаган йирик олим эди. У арабий, форсий ва туркий тилларда равон сўзлаган ва ижод қилган.

1645-1655 йиллар орасида Бобораҳим Машрабга илк сабоқ берган ва унинг шоир бўлиб етишишига катта ҳисса қўшган устоз эди. Машраб устозига юксак ҳурмат бажо келтириб, ғазалларида уни камоли эҳтиром билан тилга олади.

Ул табаррук зот олимликдан ташқари Худога етишган валий сифатида ўз кароматлари ва башоратлари билан шуҳрат топган. Бу ҳақда «Тазкираи Азизон» ва «Тазкираи Роқим», асарларида қимматли маълумотлар қайд этилган.

Мулло Бозор Охунд ижодига мансуб асарлар, афсуски, қатағон

йилларида йўқотиб юборилган. Шунинг учун ҳам биз унинг мукамал асарларига эга эмасмиз. Аммо айрим қўлёзмаларда унинг хикматлари, форс-тожик тилида битилган рубойи ва шеърини парчалари топилмоқда.

Аллома юз йилдан ортиқ умр кўриб, 1730 йилда Наманганда вафот этган. Мустақиллик туфайли ул зотнинг мақбараси зиёратгоҳга айлантирилди. Мулло Бозор Охунднинг ҳамда Наманган заминиде яшаб ижод этган алломаларнинг меросларини ўрганиш, уларнинг асарларини топиш, ҳаёти ва ижодини аниқлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Наманган шаҳрида ташкил этилган «Мерос» илмий марказида тарихий шахслар юзасидан олиб борилган изланишлар натижасида топилган манбаларнинг кўргазмаси ташкил этилди. Унда Наманган вилоятининг энг қадимий шаҳарларидан бўлган Косон, Чуст, Ахсикент ва бошқа ҳудудларда турли даврларда яшаб ўтган олимлар, шоирлар ва илму фан вакиллари ҳақида қимматли маълумотлар қўйилган. Шу жумладан, XIII асрда яшаб ўтган Асириддин Ахсикатий, XV асрда яшаб ўтган Тожддин Ахсикатий, XIX асрда яшаб ўтган Шайхулислом Зокирхон Тўра Зокирий, Фазлий Намангоний ва бошқаларнинг ижодларидан намуналар берилган.

Шунингдек, «Мерос» марказида наманганлик хаттот-котиблар томонидан турли даврларда кўчирилган қўлёзма асарлар ҳам жамланган. Уларнинг орасида ҳамж жиҳатидан улкан Каломи шарифнинг бир нусхаси ҳам сақланади. Бу Каломи шариф 1874 йилда наманганлик хаттотлар томонидан Чустда Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий хонақоҳи учун кўчирилган бўлиб, хат услубига кўра, сулс ва насх аралашма усулида битилган. Афсуслар бўлсинки, хаттотнинг номи кўрсатилмаган. Қуръони каримнинг ушбу қўлёзма нусхаси XIX асрдаги Фарғона водийси хаттотлик санъатининг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Муҳтарам Президентимиз Наманган вилоятининг фаоллари билан бўлган учрашувда *«Наманган деганда мен заҳматқаш, меҳмондўст, иймон-эътиқоди бақувват, юксак маънавий фазилатлари билан ажралиб турадиган одамларни кўз олдимга келтираман. Наманган халқи ўзига хос хусусиятларини, ўз тарихи, анъана ва урф-одатларини, бетақрор шевабини асрлар мобайнида сақлаб келмоқда»*, деган эдилар.

Ишончимиз комилки, нияти пок, қадди мағрур, қалби кенг, меҳри дарё наманганликлар муҳтарам Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсатта камарбаста бўлиб, олий мақсадларга етажаклар.

Абдулла ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси, бошқарма бошлиғи

ТАБАРРУК РУҲ, ДАЪВАТИ

Аждодларимизнинг том маънодаги жонбозлиги, элу юртга фидойилиги, эътиқоду меросига содиқлиги туфайли миллий-диний қадриятларимиз турли тўсиқ ва синовлардан ўтиб, асрлар оша бизгача етиб келди. Мустақиллик эса уларнинг равнақ топиши ва халқимизга қайтишига кенг имконият яратиб берди. Ана шундай аждодларимиздан бири падари бузрукворимиз Исмоил Маҳдумдир (1893-1976)¹. Отамизнинг илк бор нашр юзини кўраётган маърузасини эътиборингизга ҳавола этар эканмиз, кўз ўнгимизда Истиқлол армони билан бу ёруғ дунёдан кўз юмган минглаб ватанпарвар, халқпарвар аждодларимизнинг табаррук сиймоси гавдаланади². Яратгандан уларнинг руҳларини шод этишни сўраб, бизга Истиқлолни ато қилган Оллоҳга шукроналар, Президентимизга тасаннолар айтамыз. Зеро, аждодларимизнинг табаррук руҳи барчамизни Мустақилликнинг қадрига етишга, ўзаро тотув бўлиб, унинг пойдеворини мустақкамлаш учун муносиб ҳисса қўшишга даъват этади.

Исмоил Махдум СОТТИЕВ

Имом ал-Бухорийнинг "ал-Жомъ
ас-Саҳиҳ"и – мусулмонлар ҳаётининг йўлчи юлдузи³

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм

Ҳадисларни чуқур ўрганувчилар ахлоқ, социология, қонуншунослик, сиёсат, иқтисод каби соҳаларда мусулмонлар томонидан асрлар оша ишлаб чиқилган илмий тушунчалар билан тўқнаш келиши табиий ҳолдир. Ҳадисшунос олим ислом маданиятининг Қуръони каримдан кейин бутунлай ана шу илмга

асосланишига заррача шубҳа қилмайди. Гарчи мусулмонлар юнон, эрон, ҳинд маданиятлари дурдоналаридан фойдаланган бўлсалар-да, лекин ислом маданияти, Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар билан ҳамиша чамбарчас боғлиқ бўлган.

Одамлар илми ҳадисга исломнинг муҳим тармоғи сифатида қарашга одатланганлар. Ҳижрийнинг биринчи-бешинчи асрлари давомида ҳадиспунослик алоҳида илм сифатида қайд этилмаган. Уша даврнинг энг катта хатоси ҳам ана шунда эди. Буни тушуниш учун қуйидагиларни билиш керак.

Муҳаммад алайҳиссалом одамларни нафақат ибодатга даъват қилган. Айни вақтда, одамлар орасида одобни тарғиб қилган, уларни яхши хулқ-атворга ўргатган. Пайғамбар одамлар ўртасида бўладиган тижорат ва бошқа ижтимоий алоқаларнинг муайян қоидаларини ишлаб чиққан. Бирон-бир ғайри одатий вазият содир бўлса, кенгаш (ижмоъ) чақирган ва одамларга деспотизм (зулм) – нотўғри йўл эканлигини кўрсатган ҳолда юзага келган ҳолатни муҳокама қилган.

Расулуллоҳ сийратини ҳатто юзаки ўрганиш ҳам ҳадисларнинг диний ва дунёвий ҳаётдаги роли беқиёс катта эканлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, илми ҳадис Пайғамбар ҳаётлигидаёқ кўп соҳаларни қамраб олган бўлса, кейинги асрлардаги иқтидорли уламолар ва мутафаккирлар ҳадисларни ўрганиб, қайта ишлаб, тўлдирганларидан кейин уларнинг нечоғли кенг ёйилганлигини тасаввур қилиш осон. Ушбу илми унинг қаърига чуқур кириб борган инсонгина тўлиқ идрок эта олади.

Ҳадис илми асослари қуйидагилардан таркиб топган: Пайғамбарнинг сўзлари ва ваъзлари, фаолияти, уйқуси, бедорлиги, ҳаракати, сукут сақлаши, бағри кенглиги, интилишлари, дуолари, ибодатлари, сийрати, юришлари, ҳазиллари, диққат-этиборлари, таомлари, ичимликлари, аҳли аёлига муносабатлари, от боқишлари, мусулмонлар ва оташпарастлар (мушриклар)га мактублари, тузган шартномалари ва қарашлари, умуман олганда, ул зот тилга олган ва қилган барча ишлар. Буларнинг ҳаммаси эр ва аёл жинсига мансуб тўрт минг саҳобалар орқали бизгача етиб келган. Нишопур ҳокими ўзининг «Илми ҳадисга кириш» номли асарида шундай ёзади: «Улар (тўрт минг саҳоба) ҳижратгача - Маккада 20 йил, ҳижратдан кейин эса, Мадинада Пайғамбарга ҳамроҳлик қилганлар». Бундан ташқари, яна шарият аҳкомлари ҳам мавжуд

эди, ёд олинган ибодат, мубоҳ ва мункар ҳақида турли саволларни одамлар ундан сўраган. Ҳадислар тўпламлар шаклида жамланганига қадар улар узоқ вақт саҳобалардан тобиъинларга (саҳобаларнинг издошлари) оғиздан-оғизга ўтиб келган.

Уламолар ушбу ҳадислар йиғиндисини «Сунна» деб атайдилар. Ҳадислар ёки Сунна, ҳақли равишда, Қуръондан кейинги иккинчи муқаддас манба ҳисобланади. Чунки унда Аллоҳ таоло томонидан нозил этилган калималар ҳам кўплаб учрайди. Ушбу икки манба орасидаги асосий фарқ шундан иборатки, Қуръон доимо ўзгаришсиз ўқилади, ҳадислар эса ўрганилади, тадқиқ этилади ва бошқарув воситаси сифатида қўлланилади.

Қуръон қандай нозил бўлган бўлса, шундайлигича, бирор-бир ўзгаришсиз ҳолда сақланган, ҳадислар эса илк даврларда ёзиб олинмаган, уларнинг мазмуни ёд олиниб, оғиздан-оғизга ўтиб келган.

Кейинчалик улар китобларга жамланган, айрим шубҳали ўринлари олимлар томонидан қайта кўриб чиқилган ҳамда шу ҳолда Пайғамбардан саҳобалар орқали бизгача етиб келган. Уламолар ҳадисларнинг Қуръони каримга аниқлик киритувчи манба эканлигини яхши англаганлар, шунинг учун уларнинг аслиги, ишончли эканлиги тўғрисидаги савол беқиёс катта аҳамият касб этган.

Ҳадисларни тўплаш бўйича жиддий тадқиқотлар ҳижрий учинчи асрдан бошланган. Китоблар таълиф этилди, ҳадислар маълум бир тизимга келтирилди, уларнинг ровийлари ҳақидаги маълумотлар аниқланди. Айни шу вақтда Имом ал-Бухорий ўзининг машҳур «Ишончли тўплам» («ал-Жомий ас-Саҳиҳ») асарини ёзган. Бу саҳиҳ ҳадисларнинг илк тўплами эди. Саҳиҳ ҳадисларнинг иккинчи тўпламини Имом Муслим яратган. Ушбу икки тўпламдан кейин таълиф этилган ҳадис тўпламларидан яна тўрттаси шуҳрат қозонган. Ушбу олти китоб бутун дунё мусулмонлари томонидан ишончли манбалар сифатида эътироф қилинган. Машҳур Имом Жалолиддин ас-Суъутий бу ҳақда шундай деган: «Ушбу олти тўпламдаги ҳар бир ҳадис ишончли бўлиб, уларни қўрқмасдан қўллаш мумкин».

Шундай қилиб, ҳижрий учинчи аср ҳадис ҳақидаги илмнинг ривожланиш даври бўлган ва бу илмдаги биринчи олим Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийдир. Аллома унғача оғзаки ҳолда етиб келган ҳадисларни жамлаб, тегишли атамаларни ишлаб чиқиб, синовлардан ўтган ва саҳиҳ, яъни ишончли деб

ҳисобланган ҳадисларнигина китобга киритган.

Айни шу даврда ҳадисларга қўшимчалар ва тўқималар, саҳобалар ва замондош муҳаддислар томонидан ноўрин шарҳ ва баёнлар киритишдан сақланиш мақсадида уларни аниқлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Шу билан биргаликда, ҳадисларнинг исноди (ровийлари) ҳам муфассал тадқиқ қилинган. Ҳадислар уч тоифага бўлинган: «саҳиҳ» (ишончли), «ҳасан» (маъқул), «заиф» (ноаниқ). Бухорий ҳадисларнинг ровийларига жуда қатъий талаблар қўйган ва уларга жавоб берган ҳадисларнигина ишончли деб ҳисоблаган. Ҳадисларни танлашдаги унинг қатъийлиги ўз замонасининг энг йирик олими деб саналишига сабаб бўлган.

Имом ал-Бухорий ҳадисларнинг иснодларини аниқлаб, уларни ҳар хил ғализликлар ва қўшимчалардан тозалаб бўлгандан кейингина ўз тўпламини тузишга киришган. Бу иш бошқа олимлар учун ажойиб ўрнак ва ибрат мактаби бўлиши мумкин. У ҳадисларни мужтаҳидларга (калом ва фикҳ илмида юқори даражага эришган олимлар) хос тарзда талқин қилиб, ўқувчиларга фикҳ илмига кенг йўл очиб берган. Шу сабабли, унинг асарлари шунчаки ҳадислар тўпамидан иборат бўлиб қолмай, балки калом илми бўйича ҳам асосий қўлланмага айланган. Олимлар Имом ал-Бухорийнинг фан олдидаги хизматларини тушуниб етгач, унга таҳсинлар айта бошлаганлар.

Имом ал-Бухорий ўзи туғилиб ўсган диёр олимларига маълум бўлган ҳадисларни йиғиб бўлгач, Балх, Марв, Бағдод, Басра, Куфа, Макка, Мадина, Миср, Дамашқ, Қайсария, Аспалан, Хомс каби шаҳарларга ташриф буюриб, у ўлкаларда ҳадислар тўплаган. Унинг илмий саёҳати 16 йил давом этган. Бу вақт ичида у гоҳо қийинчиликларга, гоҳо таҳқирларга дуч келган бўлса-да, уларнинг барини ҳақиқий олимга хос тарзда мардонавор енгган. Шундай қилиб, мусулмон оламининг барча бурчакларида Муҳаммад Пайғамбар ҳақида мавжуд бўлган ҳикматли иборалар жамланган.

Энг қийин иш — саҳиҳ ҳадисларни ажратиб олиш ва уларни маълум бир тизимга келтириш ҳали олдинда эди. Ҳадис ровийларининг таржимаи ҳоли ва тарихини ўрганиш керак эди, уларнинг фазилатларини баҳолаш, бир-бири билан ўзаро учрашган ёки йўқлигини, қандай обрўга эга бўлганлиги, ҳадисларнинг ровийлари сифатида ишонса бўладими ёки йўқлигини аниқлаш лозим эди. Тадқиқотнинг яна бир қийин

жиҳати шунда эдики, турли мамлакатларда маълум ва машҳур бўлган айнан бир ҳадиснинг матнларини бир-бирига қиёслаш лозим эди. Ушбу қийинчиликларга қарамасдан, Имом ал-Бухорий минглаб саҳиҳ ҳадисларни тўплашга муваффақ бўлган эди.

Энди «ишончли ҳадис» нималигини кўриб чиқамиз. Имом ал-Бухорий айнан бир ҳадисни Пайғамбардан эшитган саҳобалар билан ўзигача бўлган ровийлар силсиласининг узилмаган бўлишига алоҳида эътибор берган. Бу демак, саҳоба биринчи ровий билан, у эса, ўз навбатида, кейинги ровий билан ва шу тариқа то Имом ал-Бухорийгача бўлган ровийлар бир-бирлари билан учрашган бўлмоқлари шарт қилиб қўйилган. Уларнинг ҳар бири қуйидаги икки фазилат соҳиби бўлмоғи керак: а) на катта, на кичик гуноҳ қилмаган, маънавий баркамол бўлиши лозим; б) айтилган ҳадиснинг ҳаққонийлиги учун ровийнинг жавобгарлиги. Демак, айтилган ҳадис ўша одам томонидан ё эзиб олинган, ёки бўлмаса ёд олинган бўлиши шарт бўлган.

Имом ал-Бухорий ислом тарихида ҳадисларнинг ҳаққонийлигига ана шундай диққат-эътиборни қаратган биринчи олим эди. Айнан шу йўл орқали у ўша пайтдаги ислом динини йўқ қилишга қаратилган ёвуз ниятли оқимларни бартараф қилишга ҳам беназир ҳисса қўшди. Ушбу кучлар ислом динининг асоси ҳисобланган ҳадисларнинг маъноларини бузиб талқин қилишга, ўзгартиришга ҳаракат қилдилар.

Ҳадисларни тўplash ва сақdash бўйича ишлар Имом ал-Бухорий ва илми ҳадис соҳасида фаолият олиб борган бошқа олимлар билан чекланиб қолгани йўқ. Аксинча, ҳадислар ва уларнинг ровийлари (иснодлари) ҳақидаги илми ҳадис доимо ривожланиб борди.

Абдуллоҳ ибн Муборақ ровийлар ҳақида «иснод динимизнинг асосларидан бири ҳисобланади. Агар иснод бўлмаганда эди, хоҳлаган одам ислом ҳақида хаёлига келганини айтиши мумкин эди», деганда тамомила ҳақ эди. Ҳадисларнинг софлиги ва ҳаққонийлигини сақлаган ҳолда мусулмонлар шундай янги илмий услубни яратдиларки, у ўзининг аниқлиги билан замонавий илмий таҳлил услубидан асло қолишмайди. Ушбу услуб хорижликлардан иқтибос қилиб олинмаган, аксинча, халқимиз илмий тафаккурининг маҳсули бўлган.

Алломанинг бу хизматларини ҳозирги олимлар ҳам эътироф этадилар. Масалан, ҳадислар бўйича етук мутахассис ҳисобланган шарқшунос олим Жейн Бол шундай ёзган эди: «Мусулмонларда

ҳадис ровийларининг занжири бирор-бир жойда узилмаган ва ровийларнинг ўзлари ишончли одамлар бўлгандагина ҳадис ишончли ҳисобланган». Иснод тажрибаси ислом олимларига ҳамма масалаларни чуқур таҳлил қилган ҳолда ечишга ёрдам берди. Адам Мец ўзининг «Ҳижрий IV асрдаги мусулмон ренессанси» номи асарида олимларнинг ҳадис тўплаш ва тўплам тузиш бўйича амалга оширган катта меҳнатини кўрсатиб, шундай ёзган эди: «*Ҳадис йиғувчилар, биринчи навбатда, ровийларнинг шахсини аниқлашга эътиборни қаратдилар, уларнинг барча фазилатларини текширдилар. Шундай қилиб, тарих бўйича жуда кўп китоблар битилган, масалан, ҳижрий III аср тарихи, ал-Бухорийнинг «Катта тарих тўплами», Ибн Сааднинг «Табақот»и ва бошқалар шулар жумласидандир.*

Мусулмонлар бошқача йўл тута олмас ҳам эдилар. Муқаддас китобда шундай ёзилган: «Сенга Қуръонни у билан нозил бўлган шариат аҳкомларини одамларга тушунтириб беришинг учун нозил қилдик» («ан-Наҳл» сураси, 44-оят). Пайғамбар эса бундай деганлар: «Менга Қуръон билан биргаликда унга ўхшаш ҳикматлар нозил этилмаганми?» Қуръони карим эътиқод китоби ҳисобланади, шу билан биргаликда, у шариат аҳкомлари битилган китоб ҳам саналади. Айнан шу жиҳати билан у қолган бошқа барча китоблардан устун туради.

Бироқ шунга қарамай, Қуръоннинг аксарият ҳукмлари қатъий тарзда баён этилмаган, чунки Оллоҳ китобининг асосий вазифаси одамлар қалбида иймонни, эътиқодни қарор топтириш, уларни бузуқлик, гуноҳ ва нотўғри йўллардан сақлашдир. Қуръон одамларга Оллоҳни билишга йўл очади.

Айнан шунинг учун ҳам саҳобалар ва жамики мўминлар уларга Қуръоннинг тўлиқ баён этилмаган оятларини тушунтириб берувчи Суннага эҳтиёж сездилар. Сунна, муайян маънода, Қуръони каримдан кейинги аҳкомлар тўпламидир. Шунинг учун дадил айтиш мумкинки, ҳадислар ҳам дин соҳасида, ҳам бошқа фанлар соҳасида беқиёс катта рол ўйнаган.

Демак, муҳаддислар ҳадислар тўплаш ва тўпламлар тузиш билангина чекланиб қолмаганлар, балки ҳадисларни тушунтириб бериш ва улардан шариат аҳкомларининг асосларини чиқариш билан ҳам шуғулланганлар. Шу нуқтаи назардан Имом ал-Бухорий уларнинг орасида алоҳида ўринга эга. У ўзининг «ал-Жомий ас-Саҳиҳ» асарига энг ишончли ҳадисларни киритган ва уларни фикҳий китобларнинг тузилиши тартибида бобларга

бўлиб чиққан. Материалларни бу тарзда жойлаштириш муайян тизимни юзага келтирганки, у мусулмонларга шариат китобларидан фойдаланишда катта қулайлик яратган. Ушбу китобга кирган ҳадислар ҳам диний, ҳам ижтимоий ҳаётга таалуқли масалаларни қамраб олади.

Ушбу китоб бўйича Имом ал-Бухорий жуда кўп шогирдларига таълим берган. Мавжуд тарихий манбаларда қайд этилишича, унинг ҳузурида ушбу китобдан таълим олган одамларнинг сони 90 минг кишидан ҳам зиёд бўлган.

Агар биз «Ишончли тўплам» («ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ») ва «Одоб дурдоналари» («ал-Адаб ал-Муфрад») тўпламларига киритилган ҳадисларнинг мазмунини жиддий ўйлаб кўрадиган бўлсак, улар энг олий қадриятларни касб этишга чақирилган даъват эканлигига амин бўлаемиз.

Ҳадислар тижорат аҳлини ҳалол бўлишга чақиради, чунки Пайғамбаримиз ҳалол савдо қилувчилар Қиёмат куни энг мўъмин одамлар сирасига киришини уқтирадилар.

Ҳадислар ишчиларни ўз юмушларини олий даражада бажаришга чақиради, зеро, «Аллоҳ бошлаган ишини яхши қилганларни яхши кўради».

Ҳадислар ҳунармандларни, айниқса, улар олдиндан муайян маблағни олиб қўйган бўлсалар, ўз ишларини сидқидилдан бажаришга даъват этади, чунки «Аллоҳ Қиёмат куни олдиндан маблағ олиб қўйган одамдан ўз ишини бажардимми ёки йўқми, албатта, сўрайди».

Ҳадислар ота-оналар, ака-укалар ва опа-сингилларни оиладаги ўз бурчларини, жамиятдаги каби мукамал адо этишга чақиради, чунки «жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз зиммасидаги мажбуриятлар учун масъуддир».

Ҳадислар одамларни ростгўй бўлишга чақиради ёхуд «доимо ростгўй бўлган одамгина Аллоҳ таоло томонидан мўъминлар қаторига киритилади».

Ҳадислар одамларни меҳрибонликка чақиради: «Ер юзидагиларга меҳр-шафқат кўрсатинг, самовий ва арозий оламлар Парвардигори ҳам сизларга шафқат қилади». Қуръони карим ва Сунани шариф булардан бошқа эзгу қадриятларга ҳам даъват этадики, турли аср олимлари уларни шарҳлашга жуда кўп куч сарфлаганлар.

Шубҳа йўқки, Сунна катта ижтимоий аҳамият касб этган. Пайғамбаримиз ҳадиси шарифларида доимо жамият юксалиши

ва унинг равақини белгилаб берувчи омиллар кўрсатилган. Жамиятни инқирозга ёки ҳалокатга олиб келиши мумкин бўлган ҳодисалардан огоҳ этилган.

Шунингдек, Сунна юксак маънавий ва ахлоқий аҳамиятга ҳам моликдир. Сунна – қалбнинг покланиши ва тарбия топиши, олий қадриятлар касб этиши демақдир.

Сунна одамларнинг диний эътиқоди, тили ва рангидан қатъи назар, эзгу ишларда ҳамкорликка ва ўзаро ҳурматга чорлайди.

¹ Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун қаранг: Имом ал-Бухорий сабоқлари журнали, № 1-сон, 2001 йил.

² Мустабид тузум даврида миллий-диний қадриятларимизга бўлган ҳақоратомуз муносабат ўша йиллари Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идорасида муфтий ўринбосари лавозимида ишлаган Исмоил Маҳдумнинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: «Мен гўёки ўткир тивли қилич устида юриб бораётганга ўхшайман. У ёққа ҳам йиқилиб бўлмайди – ҳукмрон сиёсатга қарши бормоқ ўлим билан баробар. Бу ёққа ҳам йиқилиб бўлмайди – Аллоҳнинг қаҳридан қўрқаман».

³ Имом ал-Бухорий таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан ўтказилган халқаро илмий анжуманда ўқилган маърузанинг қисқартмаси (Самарқанд шаҳри, 1974 йил 20-23 август).

Абдуллоҳхон МАЪРУФХЎЖА ЎҒЛИ,
Чуст тумани имом-хатиби,
Неъмат ЖАББОРОВ,
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси

«МАНОҚИБИ МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲ» – ВАТАНИМИЗ ТАРИХИГА ОИД МУҲИМ МАНБА

Мавлоно Лутфуллоҳ ўз замонасида машойихлар ва уламоларга равшанзамин маънидон, суҳбатлари файзосор, жозибали муҳаббатнисор бўлган.

Муҳаммад Муфтий Оҳангароний

Ўзбекистоннинг энг қадимий ва шу қадар гўзал гўшаларидан бири Фарғона водийсининг шимол-шарқида жойлашган Чуст шаҳридир. Унинг тарихи милоддан аввалги даврлар қаърига сингиб кетади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Чуст қароргоҳи бронза асрида, яъни милоддан аввалги IV-I минг йилликларда пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам Чуст Ўзбекистон тарихида алоҳида ўрин тутиб келгани табиий. У Ўзбекистон ва ўзбекларнинг рамзига айланган айрим амалий санъат ва халқ ҳунармандчилиги турлари – дўппидўзлик, пичоқчилик, кулолчилик каби маданиятларнинг йирик марказларидан бири бўлиб келган. Муҳими, шаҳар ушбу хислатларни бутун ҳам сақлаб қола билди.

Чуст гўзал сайилгоҳ ҳамдир. Унинг қоқ марказида Мавлоно бува номи билан шуҳрат қозонган ажиб оромгоҳ-сўлим боғ жойлашган. У ҳар куни зиёратчилар билан лиммо-лим тўлади. Боққа нафақат маҳаллий аҳоли, балки бутун Фарғона водийси, ҳатто республикамизнинг бошқа вилоятларидан ҳам минглаб одамлар келиб турадилар. Бунинг асосий сабаби эса, бу ерда халқимизнинг буюкларидан бири – Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий абадий кўним тошган.

Тўлиқ исми-шарифи Лутфуллоҳ Чустий ибн Фатҳуллоҳ бўлган зоти шариф нақшбандия тариқатининг машҳур пири, Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётига ўз таъсирини ўтказиб турган тарихий шахс бўлган¹. У Чустнинг шимол-ғарбида жойлашган Чодак қишлоғида (Ахсикентдан 10 км. ғарбда) туғилган. Лекин чиқарган қандайдир фатвоси туфайли маҳаллий аҳоли Лутфуллоҳ оиласига ганимлик кўзи билан қарай бошлагани сабаб она юртини тарк этиб, Жусга (ҳозирги Чустга)² кўчиб кетишга мажбур бўлади. Отаси – Фатҳуллоҳга яссавий шайхлар томонидан иршод – ўзгаларни суфийлик тариқатига ўргатиш ҳуқуқини берувчи махсус ҳужжат берилган экан. Ахсикентда мадрасани битиргач, Лутфуллоҳ Чустий Чодакка қайтади. Мавлоно Лутфуллоҳнинг, раҳматуллоҳи алайҳи, отаси Мавлоно Фатҳуллоҳ Чодак қишлоғида ҳижрий 859/1454 йилда туғилиб, 83 йил умр кўрган ва Чодак мазорига дафн этилган. Мавлоно Лутфуллоҳ эса 883/1478 йилда Фарғона диёрининг Чодак қишлоғида туғилиб, 967/1559 йилда 84 ёшларида Чуст шаҳрида вафот этган ва шу ерга дафн қилинган.

Лутфуллоҳ Чустий кунлардан бир кун Хожа Аҳрори Валийни тушларида кўрадилар. Хўжа Аҳрор Валийнинг кўрсатмасига

мувофиқ унинг шогирди Шоҳ Ҳусайн Ахсига (в. 1529 й.) мурид тушади. Бироз вақт ўтгач, яъни 1508 йилда Шоҳ Аҳси Лутфуллоҳни Бухорога – Муҳаммад Қози ҳузурига юборади. Ўша пайтда бу одам корхонайи хожагон (нақшбандия) ишларини бошқарар эди. Шоҳ Ҳусайн 953/1546 йилда Бухорода вафот этган.

«Силсилат-ул-орифин»да келтирилишича, Мавлоно Лутфуллоҳ ўн икки йил пири муршидлари хизматларида бўлгандан кейин ул зот Мавлоно Муҳаммад Қози (р.а.) 911/1505 йилда оламдан ўтган. Муҳаммад Қози вафотидан сўнг 1516 йили Лутфуллоҳ Чустий унинг нуфузли шогирди Маҳдуми Аъзам Косонийни тариқат пешвоси сифатида тан олади. Косонийнинг фармойиши билан Фарғона ва Ташкентдаги нақшбандийлик биродарликлари Лутфуллоҳ ихтиёрига топширилади.

Ўзининг янги пирига ўхшаб, Лутфуллоҳ ҳам тез орада эл ичида обрў-эътибор қозонди ва, кўпинча, ўзаро низоларнинг олдини олиш ҳамда амирлар ва бекларнинг ўзбошимчалиklarини чеклаш учун ўз нуфуздан фойдаланди. Бу ҳолат, ўз навбатида, унинг нуфузини сезиларли даражада оширди. Натижада унга ҳасад кўзи билан қаровчилар пайдо бўла бошлади. Энг ачинарлиси шунда эдики, бундай ҳасадгўйлар Маҳдуми Аъзамнинг шогирдлари орасида ҳам учраб турарди. Бироқ Маҳдуми Аъзам ҳаминша Лутфуллоҳга ён босиб, бундай ҳасадгўйларга ўз вақтида танбех берар эди. Ҳазрат Маҳдуми Аъзам Косоний-Даҳбедий ўз ўғли Исҳоқвалини Лутфуллоҳ Чустийнинг тарбиясига бергани ҳам Мавлононинг беқиёс катта нуфузга эга эканлигидан далолат беради.

Бу ҳақда Лутфуллоҳ Чустий шундай эслайди: *«Маҳдуми калон — ...сизларнинг ораларингиздан Мавлоно Лутфуллоҳни топиб олганман, деб қўлларидagi асосини менга бердилар. Илтифот қилдиларки, эй Мавлоно, бу асо асопирлик эрур, сенга бердим ва сенга топширдим. Қолган ёронлар эса сендан тарбият топсин, деб, яна ёронларга қараб айтдиларки, огоҳ бўлингларки, Мавлоно Лутфуллоҳ сиздиқи замони мост».* Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий умрининг охири дақиқаларига қадар устози Маҳдуми Аъзам Косоний ўғитларига содиқ қолган.

Манбада қайд этилишича, Маҳдуми Аъзам Ҳиндистондан Бобуршоҳ юборган мактуб ва рубойларни ҳам Мавлоно Лутфуллоҳга топширган. Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг шарофати билан Бобуршоҳнинг мазкур рубойлари³ бизгача етиб келган:

Дарвешоним гарчи на аз хешоним,
Лек аз дилу жон мўътақиди эшоним.
Дур аст нагўеки шоҳийи дарвиши,
Шоҳим вале бандаи дарвешоним.

Дар ҳавоий нафси худи мо умр зое кардаим⁴,
Пеши аҳдуллоҳ аз афъоли худ шармандаим.
Як назар бо мухлисони хаста дил фармокимо,
Хожагиро мондаиму хожагиро бандаим.

Андохтанам нест чи аз шабаст ба даст,
Чун нест амал илму чу судаст ба даст.
Дастам багирифти аз ин хурсандам,
Умедвор баста шавам даст ба даст.

Мазмуни:

Улуғлар хизматин роҳи равиш билсак,
Лекин дилу жон бирла эътиқод қилсак.
Ростликда манзурдур азизлар ҳикмати,
Агарчи кибрдан дилни покликка тутсак.

Нафси баднинг хизматида умрлар зое бўлиб,
Ки аҳдуллоҳлар олдида юз пушаймонлик бўлиб,
Ёра бул пок мухлислар агар назарда тутсалар,
Кечиб ҳавои кибрдан уларга банди хизмат бўл.

Кечалар хизматда бўлмас, элтмаса мақсадга қўл,
Суд қилмас илму амал тариқатга бермаса қўл.
Гар инобатга йўл йўқдир ҳавоу нафсда бўлсанг,
Умидим шулки, топширсам пиру иродатга қўл.

Ўзбекча:

Бесабрман ва бесару сомондирман,
Барҳамзададирману паришондирман.
На дин ишини қилдиму на дунёнинг,
Ё раб, нетай ўз ишимга ҳайрондурман.

Маҳдуми Аъзамнинг вафотидан (949/1542 й.) сўнг нақшбандия

биродарлигидаги ихтилофлар янада кучайиб, бора-бора унинг бўлиниб кетишига сабаб сабаб бўлди. Лутфуллоҳ Чустий билан Хўжа Ислоҳ Жўйбарий ўртасида тариқатнинг яхлитлиги учун олиб борилган кескин тортишувлар ҳам бу жараёнга ижобий эмас, аксинча, салбий таъсир кўрсатди.

Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий қаерга борсалар ариқлар очиб қўриқ ерларни ўзлаштирганлар, харобага айланган зиёратгоҳларни таъмирлаб, ислоҳ ва обод қилганлар. Шу ўринда, айниқса, манбада келтирилган қуйидаги ҳикоя алоҳида эътиборга моликдир:

«Ҳожи Шухрат оҳангаронлик бўлиб, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳга (р.а.) муриди хос ва биродари ҳақиқий, халифаи муридони хос эдилар. Оҳангарон атрофида Мавлоно Лутфуллоҳ ҳазратлари томонидан чиқарилган «Баҳри дилкушо» номидagi ариқ бўлиб, экинзор, боғу роғлар униб ўсган. Ушал вақт қондасига биноан, у ерлардан олинган ҳосилнинг ўндан бири Мавлоно Лутфуллоҳ хонақоҳларига эҳсон қилинар экан. Оҳангарон атрофидаги «Барсух» деган жойга ҳам ариқ чиқарилиб, Мавлононинг ўзлари бир қанча вақт мувафтин бўлиб турган эканлар. Шуларнинг истеҳкоми учун ҳожи Шухратга буюрган эканларки, ғариблар, етимлар, ногирон-нотавонларни топиб, уларга олинган даромадлардан уст-бош ва маошига ажратиб беринглар».

Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ўткир нафас пир, соҳиби каромат валийлардан бўлганлар. Манбада ушбу фикрни тасдиқловчи турли ривоятлар келтирилган. Улардан, айниқса, қуйидаги ривоят ибратлидир: «Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ (р.а.) айтадиларки, ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Қози (р.а.) Ахсикентга келиб кўзларидан сув кетадиган касалга мубтало бўлдилар. Унинг муолажасига дори олиб келиш учун бир киши Самарқандга жўнатилди. Симобдан тайёрланган дорини олиб келиш пайтида Ахсикент ҳокими қалбига ниқору душманлик бор экан, у дорини олиб қўйди. Дори олиб келувчи шахс Мавлоно Лутфуллоҳ ва пирлари Мавлоно Муҳаммад Қозиға воқеани баён қилди. Ул зоти баракотларнинг ғайрат ва ғазаблари жўш уриб айтдиларки, биздек афсурдаҳол Жаноб Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ижтиҳоду суннатлари ва ёлғиз Оллоҳга сиғиниб, ғарибу ғурабо умматларига ҳомий бўлган бир фақирнинг дардига даво учун олиб келинган дорини қасддан олиб қўйганлиги ўзингга маълум, эй Парвардигорим, деб илтижода бўлдилар. Ул душманлик қилган

шахс эса икки кечаю уч кундузда жонидан жудо бўлди, яъни Ахсикент ҳокими шикордан келаётиб отдан йиқилиб нобуд бўлди».

Эл орасида нуфузи ошиб борган Лутфуллоҳ Чустийнинг юрт бирлиги, Ватан равнақи йўлидаги масъулияти уни кубровия тариқатининг айрим вакиллариغا хос бўлган рофизийлик гояларини очиқ танқид этишга мажбур қилади.

Давр қанчалик оғир, зиддиятли бўлмасин, Лутфуллоҳ Чустий нақшбандия тариқатининг келгусидаги равнақини ўйлаб, қатор истеъдодли шогирдлар тарбиялашга муваффақ бўлгани айни ҳақиқатдир. Шогирдлар устоз билан фахрланганлар, ул табаррук зот қаерда бўлмасин, хонадонига ташриф буюриб зиёрат қилганлар, суҳбатларини олганлар, мажлисларида бўлиб, ўгитларини олганлар. Кези келганда унинг нуфузли издошларидан мулла Фатҳуллоҳ Бухорийни эслатиб ўтмоқ мақсадга мувофиқ. Маккага кетаётганида у ўз шогирдларини Қрим ва Румда (Кичик Осиё) қолдиргани маълум. У Маккада доимий яшаб қолади ва у ерда нақшбандия-дахбедия тўғарагига асос солади. Унинг аъзолари, жумладан, тинч (хафий) зикрга амал қилганликлари билан ажралиб турганлар. Лутфуллоҳ Чустийнинг издошлари Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги “чекка” ўлкалари — Тошкент, Фарғона ва Ҳисорда XX асрнинг бошларигача фаолият олиб борганлар.

Қўлёзма «Рашаҳот», «Тафсири Қози», «Кашф-ул-маҳжуб», «Таржимат-ул-авориф», «Бўстон», «Нафаҳот-ул-унс», «Суҳбат-ул-арбоб», «Масмуъот», «Маҳбуб-ул-қулуб», «Рисолаи Хожагон», «Мусаммо», «Одоб-ус-соликин», «Равзат-ус-соликин», «Насиҳат-ус-соликин», «Силсилат-ул-орифин», «Силсилат-уз-заҳаб» каби тарихий манбалардаги назмий ва насрий нақл, хикмат ҳамда ривоятларга асосланган.

Асарда Абдулҳолик Ғиждувоний, Ҳазрат Амир Кулол, Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо, Хўжа Аҳрор Валий, Мавлоно Муҳаммад Қози, Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий, Хожа Аловуддин Аттор, Шайх Фаридууддин Аттор, Жалолоддин Румий, Саъдий Шерозий, Абдурахим Қошғарий, Мавлоно Маҳмуд Бухорий, Мавлоно Али Қушчи, Хожа Ҳофиз, Саид Қосим Анвор, Мавлоно Низомуддин Хомуший, Мавлоно Шамсиддин Табризий, Шайх Ибн Фориз, Шайх Муслиҳиддин, Мавлоно Абу Бакр Афсахий, Мавлоно Исмоил Паркатий каби юзлаб азиз-авлиёлар ҳақида қимматли маълумотлар ва уларнинг

ижодларидан намуналар келтирилган.

Лутфуллоҳ Чустийнинг таржимаи ҳолида шогирдларига панд-насихат шаклида ёзилган иккита кичик рисола зикр этилади. Бундан ташқари, Муҳаммад Муфтий Оҳангароний қаламига мансуб яна бир асар борки, у "Маноқиби Мавлоно Лутфуллоҳ"⁵ деган ном билан машҳурдир. Ушбу қимматли асар Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Кобул, Хуросон каби муҳим маданий марказларнинг ХУ-ХУІ асрлардаги тарихига оид нодир манба бўлишига қарамасдан, ҳанузгача илмий истеъмолга киритилмаган. Тарихимизнинг мазкур даврдаги босқичини, айниқса улуғ зотларнинг таржимаи ҳоли ва жой номлари тарихини ёритишда ушбу манбанинг аҳамияти ниҳоятда улкандир⁶.

Лутфуллоҳ Чустий ҳақидаги мазкур асарнинг ўзбек тилига таржимаси, асосан, яқунланган. Ҳозир ушбу таржима бошқа қўлёзма нусхалар билан таққосланиб, тегишли ўзгартиришлар ва изоҳлар билан тўлдирилмоқда. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси Ватанимизнинг ХУ-ХУІ асрлар тарихига оид муҳим манба — "Маноқиби Мавлоно Лутфуллоҳ"ни 2002 йилда китобхонлар эътиборига тақдим этишни режалаштирмоқда.

¹ Бу ҳақда қаранг: Мансур Имомхонов. «Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий». «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журнали № 2-сон, 2000 йил.

² Чустнинг номи қўлёзманинг 3626-бетида **Чуст**, 3726-саҳифасида эса **Жус** шаклида ёзилган.

³ Учаси *форс-тожик, биттаси ўзбек тилига битилган ушбу рубойлар қўлёзманинг 215а-бетида келтирилган. Бу ерда чустлик Абдуллоҳхон ҳожи Маъруфхон ўғилларининг шахсий кутубхоналарида сақланаётган ноёб қўлёзма назарда тутилган.*

⁴ Исмоил Бекжон таржима қилган «Музақкири аҳбоб»да ҳам ушбу тўртлик келтирилган: Бобуршоҳ *«Ҳазрат Махдумий мулло Хожағий Косонийга — сирлари муқаддас бўлсин — бир бўлак олтин қуймасини ниёз тариқасида юбориб, ёнида ўзининг ушбу қитъасини ҳам шоҳид қилгани. Қитъа:*

Дар ҳавоий нафси **гумроҳ** умр зое кардаем,
Пеши аҳдуллоҳ аз **атвори** худ шармандаем.
Як назар **афкан ба сўи мо, ки аз роҳи вафо**,
Хожагайро мондаем, хожагайро бандаем».

Қаранг: Ҳасанхожа Нисорий. «Музақкири аҳбоб». А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 й., 53-бет.

⁵ Мазкур «Маноқиб»нинг 3 та қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган. Улардан бири ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 5785-ашёвий рақам остида, қолган иккитаси эса шахсий жамғармаларда сақланади. Жумладан, улардан бири — марҳум Мулло Бобохожа ибн Умархожа эшон томонидан 1313/1895 йилда кўчирилган қўлёзма чодаклик Аҳмадхожа ибн Бузрукхожа авлодларида, иккинчиси, яъни 1225/1810 йилда кўчирилган бошқа нусха эса чуствлик Абдуллоҳхон хожи Маъруфхон ўғлининг шахсий кутубхоналарида сақланмоқда. Айнан ана шу иккинчи ноёб нусха таржимага асос қилиб олинган.

«Маноқиб» ҳақида унинг муаллифи Муҳаммад Муфтий Оҳангароний куйидаги сатрларни битган: «Мен ким роқим Мавлоно Лутфуллоҳнинг шогирди аввали, хос муриди ҳамда ҳамсуҳбат котиби Муҳаммад Муфтий, бул воқеалардан хабардор бўлганлар ва Мавлоно Лутфуллоҳнинг ўз лафзларидан, бул зотнинг ота-оналари-ю аждодлари, наслу насаблари ҳамда файзосор суҳбатлари, яъни рафтору кароматларини бир оз уламои киборлар, машойихи иъзомлар таважжуҳи хотираларидан маноқибларини баён қилдим...»

⁶ Асарда Гандундон (ҳозирги Пандугон қишлоғи), Зубурқон (ҳозирги Зувутқанд қишлоғи), Кариниён (ҳозирги Карнон қишлоғи), Эскибозор (ҳозирги Мозорикўҳна қишлоғи), Чодак, Санг, Ахсикент, Фатароти Қирққиз, Косон, Сафидбулон каби юзлаб жой номларининг ёзилиши ва уларнинг қисқача тавсифи келтирилган.

*Дилбархон ЗОҲИДОВА,
«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси
Наманган минтақавий филиали директори*

БОЛАЖОНЛИК — ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ГУЛТОЖИ

Дунёда ўзбеклар сингари болажон халқ бўлмаса керак. Ҳали фарзанд дунёга келмасдан бурун унга меҳрибонлик, ғамхўрлик қилишга саъй-ҳаракат бошланади. Фарзанд дунёга келгач, унга энг чиройли исмлар танланади. Келажақда соғлом, бақувват, оқил

ва барно бўлсин дея унга Тоҳиржон, Фарҳоджон, Шириной, Зухраҳон сингари исмлар қўйилади. Фақат бугина эмас, ота-она бутун умрини ана шу фарзандининг бахту саодатига бағишлайди, қиз бўлса, унга сеп йиғади, ўғил бўлса, ватан – уй тиклашга тушади. Бир сўз билан айтганда, ўзидан кейин қоладиган авлодни ҳар жиҳатдан баркамол бўлишини, ҳаётда ўз ўрнини топа олишини орзу қилади. Халқимизнинг бу азалий орзуси мустақилликка эришганимиздан сўнг янада кенгроқ қанот ёзди.

Президентимиз Мустақилликнинг биринчи кунидан бошлабоқ баркамол авлодни тарбиялашга эътиборни қаратди. Дунёда биринчи марта Ўзбекистонда «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Инсон манфаатларига, оилага, хусусан, оналар ва ва болаларга ғамхўрлик кучайтирилди. «*Биз мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тарбиясини энг устувор вазифа деб белгиладик*», – дейди Юртбошимиз.

1993 йилда Президентимиз фармони билан «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг тузилганлиги ҳам бунинг бир исботидир. Жамғарма 7 йил давомида ривожланди ва такомиллашди. Энг муҳими, у Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг соғлом авлодни камол топтиришга йўналтирилган сиёсатини амалга оширишда камарбаста бўлиб келмоқда.

Жамғарманинг биргина Наманган вилоятидаги филиали, унинг шаҳар, туманлардаги таянч пунктлари ҳам ўтган қисқа давр ичида муайян тажриба тўплади, маълум натижаларга ҳам эришди. Айниқса, Президентимиз ташаббуслари билан эълон қилинган «Инсон манфаатлари»; «Оила», «Аёллар», «Соғлом авлод», «Оналар ва болалар» йилларида ишлаб чиқилган дастурларни амалга оширишда ўз ҳиссаларини қўшди. «Соғлом авлод» ҳамда «Она ва бола» давлат дастурларида белгиланган вазифалар фаолиятимизнинг асосий йўналишларига айланди.

Биринчи навбатда, вилоятда, соғлом авлодни камол топтириш учун иқтисодий, ижтимоий ва маънавий муҳит яратилди. Кейинги йилларда «Паҳлавон», «Алпомиш» сингари спорт мажмуалари, жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган теннис кортлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Вилоятнинг энг чекка ҳудудларида ҳам спортни ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Зеро, спорт инсонни соғлом ва бақувват қилади.

Жамғарманинг ҳудудий бўлими ҳам спортни ривожлантириш тадбирларида фаол иштирок этди. Жумладан, у 2000 йил 1 июн — болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни муносабати билан «Соғлом авлод учун» II ўсмирлар спартакиадасини ташкил этди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Вилоятимизда амалга оширилган ижобий ишлардан яна бири — оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилди. «Она ва бола» скрининг маркази очилди. Уни ташкил этиш ва энг замонавий жиҳозлар билан таъминлашда вилоят ҳокимлиги, республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бош-қош бўлишди. Бутун ушбу марказ она ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга ҳамда турли хасталикларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Эътироф этиш лозим бўлган ишлардан яна бири — Чортоқ болалар санаторийсининг ўқув корпуси, муолажа ҳаммомлари тўла таъмирдан чиқарилиб, қайта жиҳозланди. Бу ишлар республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси, республика касаба уюшмалари федерацияси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида амалга оширилди. Даволаш муассасаларини асбоб-ускуналар, ташхис қўйиш воситалари билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Жумладан, «Гинекология ва акушерлик» илмий-тадқиқот институтининг вилоят бўлимига «Намангантекстиль», «Нотўқимачи» акциядорлик жамиятлари ҳомийлигида «Соғлом авлод учун» жамғармаси Наманган минтақавий филиали томонидан 11,5 млн. сўмлик «Ультра товуш воситасида ташхис қўйиш» ашарати олиб берилди. «Она ва бола» дастурига кирган муҳим тадбирлардан яна бири Наманган шаҳрининг Давлатобод туманида болалар хиёбони ва соғломлаштириш маркази бунёд этиляпти. Уни қуришда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси жонбозлик кўрсатмоқда.

Хуллас, жамғарманинг Наманган минтақавий филиали, асосан, учта муҳим йўналиш бўйича иш олиб бормоқда. Биринчидан, ҳукуратимизнинг оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва шакллантириш сиёсатини амалга оширишга ҳисса қўшмоқда. Иккинчидан, аҳолининг кўмакка муҳтож қисмини ҳимоя қилиш, шу тоифадаги oilаларни, фуқароларни инсонпарварлик ёрдами, яъни дори-дармонлар, санитария-гигиена буюмлари,

озикдантирувчи моддаларга бой маҳсулотлар билан таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Фаолиятимизнинг учинчи йўналиши — аҳолига тиббий соҳада услубий ёрдам кўрсатиш, яъни саломатликни муҳофаза этишга бағишланган турли рисоалар, услубий тавсиялар; буклетлар, плакатлар яратиш, семинар ва конференциялар ўтказиш, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар тайёрлаш, матбуот саҳифаларида мақолалар билан чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Охириги йўналишни янада кучайтириш, ташвиқот-тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш, матбуот, радио ва телевидение билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш зиммамиздаги муҳим вазифалар ҳисобланади. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, мақсад аниқ, дастур бор, тажриба тўпланган, олдинда янада салмоқли ва масъулиятли ишлар кутмоқда.

*Одилжон ҚОРИЕВ,
илмий ходим, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик
институту*

ИМОМ ҲИСОМУДДИН АЛ-АХСИКАТИЙ

Мовароуннаҳр минтақасида ўрта асрлардаги маданий юксалиш жаҳон маданияти тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилганлиги эътироф этилган ҳақиқат. Бу даврда юртимизда яшаб ижод этган ва бой илмий мерос қолдирган алломалар кўпчиликни ташкил этади.

Маълумки, ўрта асрларда илм-фан ва маданият тараққиёти бевосита ислом дини билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис ўша даврда ижод этган барча олимларнинг, шу жумладан ислом уламоларининг ҳам илмий фаолияти маънавий ва ҳуқуқий маърифатнинг шаклланиши ҳамда равнақига хизмат қилган.

Маданиятимиз ва маънавиятимиз равнақи йўлида хизмат қилган ана шундай аждодларимиздан бири — имом Ҳисомуддин ал-Ахсикатийдир. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Муҳаммад

ибн Умар Ҳисомуддин ал-Ахсикатий, куняси Абу Абдуллоҳдир. У Ахсикатда таваллуд тошган. Ҷша даврда Ахсикат — Фарғона водийсининг маданий-маърифий маркази бўлган. Унинг туғилган санаси ва болалик йиллари хусусидаги аниқ маълумотлар йўқ. Лекин шунга қарамай, алломанинг бизгача етиб келган асарлари унинг Ахсикатда яшаб, илмда юксак даражаларга етишганидан далолат беради. Шу боис замондошларининг хотираларида у шайх мақомига эга бўлган имом, фикҳ илмининг усул ва фуруъ бобини чуқур билган зот деб таърифланган.

Ҳисомуддин ал-Ахсикатий мусулмон ҳуқуқи соҳасида асарлар битган. У, асосан, фикҳнинг усул ал-фикҳ яъни фикҳ илмининг асосларига оид масалаларни ўрганиш билан шуғулланган. Эҳтимол, шу сабабли ҳам алломанинг бизга маълум бўлган илмий меросининг асосий қисмини айна шу соҳага бағишланган асарлар ташкил этади. Улардан бизга маълум бўлганлари қуйидагилар:

1. «Ал-мухтасар фи усул ал-фикҳ», («Фикҳ илми асослари ҳақида мухтасар асар»);
2. «Мифтоҳ ул-усул» («Фикҳ илми асослари калити»);
3. «Ғоят ут-таҳқиқ» («Изланиш чўққиси»);
4. «Дақойиқ ул-усул ват-табийн» («Баён ва услубнинг нозик жиҳатлари»).

Имом Муҳаммад ал-Ахсикатий Мовароуннаҳр минтақасида илм-маърифат тараққиёти юксакликка кўтарилган бир даврда яшаган. Шунинг учун минтақанинг Абу Мансур ал-Мотурудий, Абу Саҳл ас-Сараҳсий, Абу Муъин ан-Насафий каби машҳур алломалари унинг ижодига катта таъсир кўрсатган.

Ўз навбатида, аллома қатор шогирдларга устозлик қилган. Уларнинг орасидан ислом оламида шухрат қозонган уламолар етишиб чиққан. Жумладан, «Кашф ул-асрор фи усул ал-фикҳ» («Фикҳ асосларига хос сирларнинг кашф этилиши») ва фикҳга оид бошқа кўпгина асарлар муаллифи Муҳаммад ибн Умар ибн Муҳаммад Заҳируддин ал-Навҳабозий (в. XIII аср) ва Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср Абулфазл ал-Бухорий (1218-1294) алломанинг шогирдлари ҳисобланадилар.

Ҳисомуддин ал-Ахсикатий ислом уламолари томонидан учинчи тоифа мужтаҳидлар сирасига киритилган. Зеро, манбаларнинг хабар беришича, аллома ҳофизи Қуръон бўлиши билан бирга калом ва усул ал-фикҳ бобида ниҳоятда чуқур илмга эга бўлган.

Алломанинг мазкур асарлари орасида ислом

ҳуқуқшунослигининг манбалари ҳақидаги фан бўлимиш усул ал-фиқҳга оид «Мунтахаб ал-Ҳисомий» (бу асар баъзи ўринларда «Мухтасар ул-Ҳисомий» деб ҳам юритилади) номли асари ниҳоятда машҳур ҳисобланади. Бу асарнинг ҳажми унчалик катта эмас. Қўлёзма нусхалари 130–150 varaқни ташкил этади холос. Лекин шунга қарамай, тилининг ўта бойлиги ва ёзилиш услубининг ўта қулайлиги учун у энг севиб ўқиладиган асарлардан бири бўлиб келган. Ҳанафий фиқҳнинг асосларини ўрганувчи талабалар бу асарни ўрганганлар ва уни ёд олганлар.

Мазкур асар уламолар томонидан юксак баҳоланган. Масалан, имом Абдулазиз ал-Бухорий (в.1330 й.) шу соҳада битилган асарлар орасида таркибининг мукамаллиги, баён услубининг қулайлиги ва ихчамлиги билан уни бошқалардан устун туришини алоҳида таъкидлаган.

Асарга хос ижобий жиҳатлардан бири — мухтасарлик, шубҳасиз, ўқувчиларга уни ўзлаштиришда бир оз қийинчилик ҳам тудирган. Шу боис унга қатор шарҳлар битилган. Уларнинг орасида Амир Котиб ал-Итқонийнинг (в. 1357 й.) "ат-Табйин", Абдулазиз ал-Бухорийнинг "ат-Таҳқиқ", имом Ҳисомуддин Ҳусайн ибн Али ибн ал-Ҳажжож ас-Сигноқийнинг (в. 1312 й.) "ал-Вофий", Ҳофизуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафийнинг (в. 1311 й.) шарҳлари маълум ва машҳурдир.

Аллома таълиф этган икки асар "Таҳқиқ ул-Ҳисомий" ва "Мухтасар ул-Ҳисомий"нинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланади. Бундан ташқари, "Мухтасар ул-Ҳисомий" асарининг қўлёзма нусхалари Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида, Олмониянинг Берлин шаҳри давлат кутубхонаси хазинасида, Саудия Арабистони "Уммул-Қуро" университети кутубхонасида сақланади. Мазкур асарларга турли муаллифлар томонидан битилган шарҳларнинг нусхалари Сурия, Миср, БАА, Олмония каби мамлакатлардаги қўлёзмалар хазинагоҳида сақланади.

Имом Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар Ҳисомуддин ал-Ахсикатий 1227 йили вафот этган.

Миллатимиз номини асрлар оша жаҳонга танитиб келаётган буюк аждодларимиздан Ҳисомуддин ал-Ахсикатий сон жиҳатидан унча кўп илмий мерос қолдирмаган бўлсада, лекин мусулмон ҳуқуқи асосларига оид асарлари ниҳоятда машҳур бўлиб, кўпгина Шарқ мамлакатларидаги ўқув юртларида ҳозир

ҳам бу соҳадаги энг мўътабар манба сифатида ўрганилмоқда. Жумлаи жаҳонни илму урфон зиёси ила нурафшон айлаган Ҳисомуддин ал-Ахсикатийдек улуғ аждодларимизнинг меросидан баҳраманд бўлмоқдамиз. Бу — истиқлол йилларида миллий-диний қадриятларимизнинг халққа қайтишининг амалий натижаси, ёинки истиқлол шарофати туфайли яратилган имкониятнинг илҳомбахш неъматидир.

*Мусо ТЎЖИХЎЖАЕВ,
ўқитувчи, Наманган давлат университети*

ЕВРОПА МАШРАБШУНОСЛИК МАКТАБИ ЎХУД МАШРАБНИНГ ЯНГИ ҲАЗАЛИ

Ватанимиз тарихи нақадар бой. Бу диёрда таваллуд топган Маҳмуд Кошғарий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби юзлаб, балки минглаб алломалар жаҳон цивилизациясининг тамал тошларини қўйганлар. Кўҳна тарихнинг алоҳида қийматта сазовор жавоҳирлари ҳисобланган мазкур зотларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, айниқса, мустақиллик йилларида юксак даражага кўтарилди. Бу борада изланишлар олиб бораётган устозлар истиқлол яратиб берган имконият туфайли нафақат ватанимиздаги, балки хорижий давлатлардаги турли музейлар, шахсий архивлар ва кутубхоналарда сақланаётган Марказий Осиё тарихи ва адабиёти дурдоналарини ҳам излаб топиб, халқимизга қайтармоқдалар.

Европалик шарқшунослар билан илмий алоқаларимизнинг яхши йўлга қуйилганлиги сабабли ҳамкорликнинг ўзаро фойдали қирралари кашф этилмоқда. Уларнинг қаторида машҳур мадьяр шарқшунос олими Херман Вамберининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид маълумотларни ҳам келтириш мумкин.

Бир қараганда Вамберини сал кам бир ярим асрдан буён танийдиганга ўхшаймиз. Айниқса, унинг Ўзбекистон тарихи ва адабиётига оид асарлари ҳамда Европа тилларига ўтирилган Шарқ

адабиёти намуналари ўлкамизда жуда машҳур. Можористонлик бу "ҳожининг *"Чиғатой тили дарслиғи"* бўйича ҳам кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Бу асар 1868 йилдаёқ Русияда маълум эди. У кейинчалик ўзбек адабиётшунослари томонидан ҳам қайта-қайта таҳлил қилинган ва шарҳланган. *"Чиғатой тили дарслиғи"* нинг биринчи бўлимида ўзбек тили грамматикаси, фонетикаси ва лексикасига оид қоидалар берилган. Китобнинг иккинчи қисми хрестоматиядан иборат бўлиб, унда мумтоз шоирларимизнинг асарлари ҳақида мухтасар маълумотлар, Равнақ, Фузулий, Насимий, Шайдоий ғазалларидан намуналар берилган. Айниқса, ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига алоҳида ўрин ажратилган.

Вамбери бу дарсликка қўлига тасодифан тушиб қолган шоирларнинг асарларидан намуналар киритган эмас, балки узоқ мулоҳаза билан иш юритиб, Туркистоннинг энг машҳур адибларини Европага танитиш истагида бўлган. Шу сабабли унда ҳазрат Машраб Намангонийга ҳам ўрин ажратилгани табиийдир. Дарсликка ҳамюртимизнинг

«Куйди жоним ўртаниб, ул ёр келмайдур ҳануз,

Жон димоққа етти, ул дилдор келмайдур ҳануз»

байти билан бошланган ғазали киритилган. Ғазал жами беш байтдан иборат.

Шеър содда тилда ёзилган, ундан Бобораҳим Машрабга хос содда ва равон услубни тезда пайқаб олиш мумкин. Тадқиқотлар натижасида ушбу ғазалнинг В.Раҳмонов ва Д.Исроилов 1980 йилда нашрга тайёрлаган "Девони Машраб" ва Ж.Юсупов 1990 йилда чоп эттирган "Меҳрибоним қайдасан", устоз профессор И. Абдуллаевнинг "Алифни дилга жо қилмоқни"¹..., ва ниҳоят "Қиссаи Машраб" номли китобларга киритилмаганлигини аниқладик. Бундан унинг ҳозиргача ўзбекистонлик машрабшунослар ва шеърят ихлосмандларига маълум эмаслиги аён бўлади.

Машҳур носирлар ва нозимлар одатда ўз ижодий услубларига эга бўладилар. Бобораҳим Машрабдай етук шоирнинг асарлари машрабшунослар ва матншунослар томонидан осон аниқланади. Унинг халқчил ифода усулида яширин ва ошкора дард яққол сезилиб турадиган асарларини барча шеърят ихлосмандлари севиб ўқийдилар. Худди шу жиҳатлар Херман Вамберининг ҳам қалбини асир этгани шубҳасиз. Шу ўринда қаландар шоирнинг тахаллусига оид қизиқ бир фактни айтиб ўтмоқчимиз. Маълумки,

Бобораҳим мулло Валий ўғлининг тахаллусини Хитой, Афғонистон ва Ўрта Осиёда «Машраб» деб аташган. Араб имлоси қоидаларига кўра «Машраб» сўзининг ёзилишида қисқа унли ҳарфлар тушиб қолади ва шу боис у «Мешреб» деб ўқилиши ҳам мумкин, масалан, Туркияда ҳамюртимизни «Мешреб» деб атайдилар. Бироқ, Х.Вамберининг дарслигида «Мешреф» деган номни ўқиб қуйидаги хулосага келдик:

1. Бобораҳим Машрабнинг девони ёки унинг асарлари киритилган баёзларни Х.Вамбери бевосита Ўрта Осиёдан эмас, балки Эрон, Афғонистон ёки бошқа мамлакат китобхонларидан сотиб олган, чунки бу юртларда дарвеш шоирнинг тахаллусини турлича ёзадилар ва ўқийдилар.

2. «*Чигатой тили дарслиги*»га кўп учрайдиган хатолик ва чалкашликлар каби бу ҳолат ҳам дарслик муаллифининг «янглик-ихтироси» бўлиши мумкин.

Юқоридаги икки фаразими асослаш учун бошқа бир олмон машрабшуноси Мартин Хартманнинг асарларида келтирилган мулоҳазалардан ҳам фойдаландик. Маълумки, И. Хартманн 1902-1903 йилларда Машраб қадамжойлари бўйлаб экспедиция уюштирган ва таассуротларини Германия ва Австрияда чоп этилган турли матбуот нашрларида эълон қилган².

Олмон шарқшуноси «*Машраб — доно телба ва авлиё даҳрий*»³ асарида Машраб номининг турли мамлакатларда ёзилиши ва ўқилиши ҳақида сўз юритган. Бу асар «*Қиссаи Машраб*» ва «*Девони Машраб*» китобларининг қисқартирилган ва умумлаштирилган таржималари бўлиб, унда матн остида Европадаги машрабшунослик ҳақида ҳам мухтасар маълумотлар келтирилган. Европалик машрабшунослар қаторига Игназ Гольдциер ва Йоханнес Аветаранианни ҳам киритиш мумкинки, И. Хартманн бевосита уларнинг маслаҳатлари билан иш юритган.

Бир мақолада ўзининг узоқ тарихи ва анъаналарига эга бўлган Европа машрабшунослик мактаби ва европалик машрабшунослар ҳақида батафсил маълумот бериш қийин. Лекин ҳозиргача тўплаган маълумотларимизга асосланиб, қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, Х.Вамбери — Европадаги биринчи машрабшуносдир.

Айнан Х.Вамберининг хизмати туфайли бизгача етиб келган ва «*Чигатой тили дарслиги*»дан жой олган Машрабнинг мазкур газалига қайтиб шуни таъкидламоқчимизки, у Шарқу Фарбнинг турли хаттотлари томонидан қайта-қайта кўчирилганлиги боис,

турли ўзгаришларга дучор бўлган. Ҳазал ўзи унчалик мўъжаз эмас, кенгроқдир. Ҳаразимишча, тўртинчи байтдан кейин яна байтлар борга ўхшашпти, чунки, юқорида берилган мазмун тўла тугалланмай бешинчи яқунловчи байт бошланган. Асарларни қисқартириб кўчириш ва таржима қилиш усули Х.Вамберининг илк ижодий даврига хос хусусиятдир. *"Ҷиғатой тили дарслиғи"* да А.Навоийнинг дostonлари ҳам қисқартирилган ҳолда таржима қилинган.

Шунингдек, *"Тоҳир ва Зухро"*, *"Юсуф ва Зулайҳа"* дostonлари ҳам қисқартирилган, кейинчалик, орадан 33 йил ўтгач, ёши ва тажрибаси ортагач Вамбери айрим асарлар таржимасига қайтган. Бу ҳақда унинг ўзи *"Аҳмад ва Юсуф"* дostonи таржимасининг сўзбошида батафсилроқ фикр юритган⁴.

Европалик машрабуносларнинг хизмати туфайли бизгача етиб келган бобокалонимизнинг қуйидаги ғазалини унинг ихлосмандлари диққатига ҳавола этиш — миллий-диний қадриятларимизнинг халққа қайтишига давлатимиз томонидан берилаётган эътиборнинг ёрқин намунаси, истиқлол яратган имконият маҳсулидир:

Куйди жоним ўртаниб, ул ёр келмайдур ҳануз,
Жон димоққа етди, ул дилдор келмайдур ҳануз.

Куйди ҳам кул бўлди бағрим, ул сарв қаднинг дастидан
Бунча ҳам бераҳм экан кўнглуки, келмайдур ҳануз.

Зулфини тушда кўрубман тўлғонурман ҳар қачон,
Зулфининг ул торидин кўнгил узумлайдур ҳануз.

Лайли-ю Мажнун менинг ишқимдин олурлар сабоқ,
Дилбарим ошиқлиғим кўзига илмайдур ҳануз.

Машраби девонанинг умри ёвуқ етиму экан,
Шўҳи бепарво менинг фикримни қилмайдур ҳануз⁵.

⁴ «Алифни дилга жо қилмоқни»... проф. И.Абдуллаев тўплаб, нашр эттирган, Наманган, 2000 йил.

⁵ Бу ҳақда қаранг:

а) Мусо Тожихўжаев, «Б.Машраб ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилиши», Тошкент, «Адабиёт кўзгуси», 2000 йил, 5-сон;

б) Мусо Тожихўжаев, «Б.Машрабнинг европалик мухлислари», Тошкент «Адабиёт кўзгуси», 2000 йил, 5-сон.

³ Martin Hartmann, «Meshreb – der weisse Narr und fromme Ketzler», OLZ., 1902, Berlin.

⁴ Hermann Vambery, «Jusuf und Ahmed», «Keleti Szemle», Budapest, 1911.

⁵ Hermann Vambery, «Cagataische Sprachstudien», Leipzig, 1867.

*Рабоҳат НОРМАТОВА,
ўқитувчи, Чуст педагогика билим юрти*

МАШРАБ ИЖОДИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ

Бобораҳим Машраб буюк шоир, адиб ва мутафаккир, тасаввуфнинг йирик намояндаси, Қуръон ва ҳадис илмини чуқур эгаллаган, ислом тарихини мукаммал билган аллома, дунёнинг каттагина қисмини кезиб чиққан жаҳонгашта сайёҳ бўлган. У дунё ҳирсу ҳавоси, айшу ишратларидан воз кечган, нафс балосини енгиб, ўзини ниҳоятда паст, камтар тутиб, девона, қаландар номларини олган, қалби пок, тақводор инсон эди. Машрабнинг бутун умри халқ билан, оддий раият орасида ўтиб, унинг ҳурмат ва эъзозига сазовор бўлган шоҳ, эшон, авлиё даражасига кўтарилган. Халқ уни севган, пурҳикмат ва донолик кўйларда ҳаяжонли оҳангларда тараннум этганлар.

Бобораҳим Машраб ғазаллари ва «Мабдаи нур», «Кимё» номли шеърӣй фалсафӣй-ахлоқӣй асарларида миллий ғоя, Ватанга, халққа муҳаббат асосий ўринда туради. Унинг оддий фуқаро билан ҳамнафас бўлганлиги қуйидаги мисраларда ўз ифодасини топган:

Азалдин ман дили ғамгин халойиқ хайлини севдим,
Шаҳид қонини сипқорган шаҳаншоҳлардин орим бор.

Шоир халқпарварлик ғоясини олға сураётган экан, дили синган мискинлар қўлини ушлаш, уларга мадад бериш минг ҳажи акбар билан баробардир дейди:

Дили афтодан ҳар кимки, қўлга олди, эй дарвиш,
Саҳл билманг мунингдек ишин юз минг ҳажи акбардир.

Ўз жамоасидан, аҳлидан ажралиб, яккаланиб қолганларни душман йўлдан уради, балоларга гирифтор қилади, дейди шоир:

Кимки танҳогирд эрур, қалби қолар,
Марди танҳогирдга душман йўл топар.

Бундан 300 йил олдин ёзилган бу байт гўё ҳозирги кунимизда юртдан жудо бўлиб, душманлар тузоғига илиниб, ўз миллати, халқига қарши жиноий ишлар содир этаётган баъзи хиёнаткор, калтафаҳм ёшлар ҳақида айтилгандай.

Машрабнинг ғазалларида Пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифлари ифода этилганлиги сабабли улар чуқур маъно касб этган:

Тавофи одами дил қил, жаҳонда бир башардин сан,
Агар бир дилни оғритсанг, юзар Каъба бузулмасму?

Халқ билан ҳамнафас, «аҳли дард»лар дардига чора топиш йўллари излаган шоир, ўз шеърлари, нолаю фарёди билан уларга ҳамдард бўлиш, кўз ёшини сепиш орқали уларнинг қалбидаги аланга ўтини ўчиришга тайёр эканлигини билдиради:

Куюб ўтгон мени девона-Машрабни сўраёт бўлсанг,
На ерда аҳли дард топдим, кўзум ёшин сепиб ўтгум.

Шоҳ, амир, мансабдор ва мулкдорлар Шоҳ Машрабнинг ҳақ сўзлиги, донолиги ва жасоратига лол қолиб, унга мансаб ва бойликларни таклиф қилганларида ҳам у Пайғамбаримизнинг «фақирлик — фахримдир», деган ўғитига содиқлигини қуйидагича ифода этган:

Олурға дину дунёнинг матоҳин орзу қилмай,
Қаландарман, жаҳонни сайр этиб қилдим сафар танҳо.
Шаҳи рўйи замину тахту тожни орзу қилмай,
Гадоий фақир бўлдум, сайр этарман баҳру бар танҳо.

Машраб халқига муҳаббатини қуйидаги мисраларда изҳор этган:

Мақоми қурбати автоддин жонинг ҳузур топса,
Ўзинг заҳроба ютгин, халқин комига шакар тут.

Инсонни энг юқори даражада мадҳ этган, унга юксак баҳо берган, унинг учун бу дунёда ҳамма нарсага тайёр бўлган шоир, у дунёда ҳам халқи учун дўзах ўтида куйишга тайёр эканлигини билдиради:

Аё дўзах мани куйдур, халойиқ куймасун ҳаргиз,
Тамуғдин ишқ ўти пурзўр, ани заҳрин ютуб ўтгум.

Ёки:

Элни сазойи қилмагин, якка ўзимни айлагил,
Юрдиму кўрдим ҳамиша дунёда пургуноҳ ўзум.

Халқпарварлик, миллатпарварлик билан бир қаторда она Ватанни севиш, уни ардоқлаш, куйлаш — Машраб ижодининг асосий қирраларидан биридир. «Ман таваллуду ўшаи фарзанди Намангонийман», деб мароқ билан киндик қони тўкилган она шаҳрини тараннум этган шоир, Намангандан чиқиб кетиш, ўзга юртда ҳаёт кечирish ўзи учун қанчалик оғир эканлигини ҳис этиб ёзади:

Намангон шаҳридан кетсам, мени йўқлар кишим борму?
Фариблик шаҳрида ўлсам, мани йўқлар кишим борму?

Инсон ҳаётида ва хулқ-атворида учрайдиган ёлғончилик-каззоблик, ўғирлик, манманлик, мутакаббирлик, шаробхўрлик, порахўрлик, молпарастлик, хасислик, майший бузуклик каби салбий илатлар билан заҳарланганлар онгини поклаш, тозалаш, уларга ҳақиқий миллийликни сингдириш шоир асарларида ўз аксини топган. У йўлдан тойиш, эгри йўлга оғиб кетиш қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида шундай дейди:

Эгрилик кўп қилма, бежо кори бор,
Кимки каж бўлди, йўлида нори бор.

Ўзига зеб-зийнат бериб, нотиклик қилиб юрган, асли ғоясиз,
мафқурасиз нодонларни қаттиқ қоралаган:

Зоҳирнинг нотиқа, ботил лолсан,
Бўлмаса маъни санга, ҳайвонсан.

Учрама аблахга ҳаддин ошар,
Бермагин нодонга панд, жаҳли тошар.

Машрабнинг қуйидаги сатрлари Президентимизнинг
иймонли, эътиқодли авлодни тарбиялаш тўғрисида фикрларига,
айниқса, ҳамоҳангдир:

Иймонни мағзи йўқлар маърифатдин холий келгандур,
Жазоси шул мунидек телба касин хок ёшурмоғ.

Машраб ижодида комил инсон ва тарбия мавзулари алоҳида
ўрин тутади:

Бандалик осон, мусулмонлик қийин,
Бохабар бўлгинки, инсонлик қийин.

Асли билсанг нури жондир тарбият,
Гавҳари ҳафт осмондур тарбият.

Барча тасаввуф аҳли меросида бўлганидек, Машраб ижодида
ҳам нафс тарбиясига катта эътибор берилган, нафсига эрк
берганлар, унинг тузоғига илинганлар қаттиқ қораланган:

Кишини нафси чун олада бўлди,
Дили зулматга тушти, дуда бўлди.
Ёмон ишлар урар андин чу сарбар,
Бўлар шармандаи расвойи маҳшар.

Машраб ҳикматларидан яна бири поклик-ҳалоллик, иймони
ва эътиқодини ислоҳ қилиш, қалбни поклаш ғоясидир:

Қалбан динни тузатсанг, эй фато,
Ҳеч вақти санга келмасдур бало.

Инсон табиатидаги салбий хислатлардан бири — такаббурлик, манманлик ўзбек мумтоз адабиётида қаттиқ қораланган. Афсуски, инсоният бор экан, бу иллат у билан бирга яшаб келмоқда. Молдунё, вақтинча қўлга кирган мансаб айрим одамларни ҳаволантириб юборади, улар атрофидагиларни менсимай қўяди, панд-насихатларга қулоқ солмай, кўзи кўр, қулоғи кар бўлиб қолади. Машраб такаббурликнинг фожиали оқибатларидан халқни огоҳлантириб, Одам фарзандини, айниқса, ёшларни бу қабих иллатдан қутқариш учун жон куйдирган:

Такаббур элига зинҳор салм, алайҳ демай ўткил,
Аларни бошига бу деви малъунни ҳавоси бор.

Эй жигарбандим, агар билсанг яқин,
Зинҳор аҳли такаббур бўлмагин.

Машрабнинг таъкидлашича, ҳамма ёвузликларнинг сабабчиси бўлган манманлик инсонни Оллоҳ нуридан бенасиб ва дўзахга маҳкум қилади:

Ҳама расволиғу худбинлигингдиндур, агар билсанг,
Кимики ўзини кўрди, сира нури Худо кўрмас.

Ким ҳаво қилган билан ҳеч ким ҳавога чиқмади,
Подшоҳи етти иқлим бўлса, ерга жо керак.

Машраб ижодида олға сурилган муҳим ғоялардан яна бири — дилозорликка қарши курашдир. Бу ғоя «дилозордан — Худо безор» деган халқ мақолига ҳамоҳангдир:

Эй биродар, бўлма дил озор кас,
Ўртанурсан оташи дўзахга хас.

Кибрлик, манманлик қанчалик оғир гуноҳ эканини ва бундай балодан қутулиш ҳар бир инсон учун зарур эканлигини таъкидлаган Машраб, ўзини доимо ҳаммадан паст, ожиз, гуноҳқор банд сифатида билганлиги ҳамма замонларга муносиб

инсонийлик дарсидир.

Ҳозирда баъзи калтафаҳм, нодон, динимиз, маданиятимиздан беҳабар айрим ёшларнинг четдан кириб келган, ўз юртида амалга ошмаган мафкура, ғоя, ваҳҳобийлик, «ҳизб-ут-таҳрир» каби гуруҳ ва «партия»ларнинг таъсирига тушиб, мамлакатимиз тараққиётига, ёшлар тарбиясига путур етказишга ҳаракат қилаётгани юракларимизни ўртайтиди. Бундай ёшларни тарбиялаш ва уларнинг онгида миллатга садоқатни улуғловчи эътиқодни шакллантиришда Машрабнинг адабий мероси, аниқса, жозибадор шеърлари ҳозирги кунимизда ҳам, келажакда ҳам йўлчи юлдуз бўлиши айтиш мумкин.

*Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
филология фанлари доктори,
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси*

НАВОИЙШУНОСЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Мустақиллик шарофати билан тафаккуримиз янгича қарашлар билан бойимоқда. Ўтмишдаги алломаларимизнинг ҳаёти, илмий-адабий мероси ҳолис ва чуқур ўрганилмоқда.

Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти ҳақида бугунги кунда кенг жамоатчилик, айтишга, ўзбек китобхони анча мустаҳкам тасаввурга эга. Шу билан бирга, Алишер Навоий таржимаи ҳоли умумий кўринишда тақдим этиб келинганлигини тан олишимиз керак. Унинг катта – кичик тафсилотларини ёритишда изчиллик ҳар доим ҳам етишмайди. Сабаби, охириги ярим аср давомида олимларимиз, асосан, Навоий ижодий меросини юзага чиқариш ва унинг таҳлили билан шуғулланиб келдилар. Зотан, улуғ шоир ижодини тўплаш, танқидий матнларни тайёрлаш, чоп этиш ниҳоят масъулиятли ва мураккаб иш бўлиб, унинг адоси йиллаб меҳнат қилишни тақозо этиши муқаррар эди. Бундан ташқари, унинг ижодини тўлиқ ўрганиб чиқмасдан туриб, улуғ давлат арбоби ҳаётининг нозик, яширин томонларини, серқирра умрининг "майда-чуйда" тафсилотларини, даврий кайфияти

ҳақида тасаввур уйғотадиган лаҳзаларни фақат тарихий манбалардаги қуруқ ва яланғоч маълумотларга суяниб рўёбга чиқариш амри маҳол эди. Бугун Навоий ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама таҳлил этишга барча шароит муҳайё.

Ҳўш, улуғ давлат арбоби ва мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти талқинига қарашлар бугун қандай? Тадқиқотларда унинг ҳаётига оид тафсилотлар тарихий манбалар асосида ёритилган. Шундай бўлса-да, Навоий шахсиятига муносабат масалаларида бир қанча хатоликлар мавжудлиги кўзга ташланади. Манбалардаги баъзи тафсилотлар умумий тасвир фонида улуғ шоир ҳаётининг бошқа даврига татбиқ этиб юборилган. Бу эса, ўз-ўзидан, янги ноаниқлик ва чалкашликларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Бу — биринчи хато. Иккинчи асосий хато охириги йилларда яратилаётган тадқиқотларнинг Навоий таржимаи ҳоли билан боғлиқ ўринларида сўнгги 50 йил мобайнида ўзбек навоийшунослари томонидан топилган ва эълон қилинган кўпгина янги маълумотлар ҳисобга олинмасдан фақат В.Бартольд, Е.Э. Бертельс, Олим Шарафиддинов, С. Айний асарларида олға сурилан асосий фикр ва мазмун давом эттирилди. Учинчи хато шундан иборатки, узоқ йиллар давомида Навоий ижодидаги ишқ масаласи зоҳирий нуқтаи назардан инсоннинг инсонга ишқи сифатида баралла тарғиб этилган бўлса, бугунги кунга келиб, «Навоий фақат илоҳий ишқни куйлаган, унинг ишқи фақат Оллоҳга бўлган ишқдир» тарзидаги чиқишлар пайдо бўлмоқда. Олдинги давр тадқиқотларини инкор этган ҳолда, улуғ шоир ижодиётига бундай ёндашиш Навоий ҳаёти ва ижоди талқинини янада чалкаштириши турган гап. Навоий ҳаёти талқини атрофидаги қарашларга хос бугунги кундаги умумий камчиликлар ана шулардан иборат.

Шуни ҳисобга олиш керакки, тарихчилар катта муддатни бир сатрга жойлашган. Кўп ҳолларда воқеанинг санаси ва ўрни кўрсатилмаганидан ёки сўз узайишидан қочиб ахборот тариқасида икки-уч оғиз гап қистириб кетилган. Кўпинча, қисқа сатрлар бир неча ой ва йилларни ифода этиб, маълум ишора ёки маълумот аниқлик жиҳатидан мавҳумлик касб этган. Шу нуқтаи назардан баъзи манбалардаги халққа маълум фактлар қайта ўрганилганда янги хулосалар бериши табиий. Бир қарашда улар китобхонда сийқаси чиққан мавзуга қайтишдек тасаввур уйғотиши мумкин. Ҳолбуки, ҳавола этилган маълумотга татбиқ этилаётган давр, ҳолат ва ёндашувлар ҳар ўринда ўзгача

эканлигига эътибор берилмайди.

Бугун Навоийнинг ҳақиқий таржимаи ҳолини яратиш учун тўла асос бор. Эндиги вазифа - "майда-чуйда" тафсилотлар сифатида тадқиқотчилар томонидан эътибор берилмай кетган, лекин шоир ҳаётининг мажҳул томонларини очишга хизмат қиладиган жузъий маълумот-ишораларни ўрганиш, Навоийнинг ўзи қолдирган автобиографик қайдлар ва илк манбалардаги маълумотларни диққат билан ўзаро чоғиштириш, шоир таржимаи ҳолини қўшимча тафсилотлар билан бойитишдир. Навоий шеърлари унинг ҳаётининг кечинмаларига изоҳ учун келтирилганда ҳар бир девоннинг яратилиш санаси, ундан олинган шеърнинг бошқа девонларда учрамаслиги ҳисобга олинаши лозим.

*Нематилла ОТАЖОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети*

БОБУР МАҚБАРАСИ ЁХУД ФИРДАВСМОНАНД БОҒ

Ўзбек халқининг ифтихори бўлган улуғ зотлардан бири истеъдодли шоир ва таржимон, иқтидорли тарихнавис олим ва адиб, йирик саркарда ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобурдир. У Амударёдан Ганг дарёсигача чўзилган улкан ҳудудда «Бобурийлар салтанати»ни тузишга муваффақ бўлган. Бобур ижтимоий-сиёсий ишлар билан бир қаторда яратувчанликка йўналтирилган маданий-маърифий ишлар билан ҳам шуғулланган. У Кобул, Ғазна, Қандаҳор, Лоҳур, Деҳли, Агра каби шаҳарларни обод қилиш, боғ-роғлар барпо этиш, сугориш иншоотлари, маданий-маиший бинолар, қасрлар, саройлар, йўллар, карвонсаройлар ва работлар қуришга катта аҳамият берган. Савдо-сотиқни ривожлантириш мақсадида савдогарлардан олинадиган «тамға» солиғини бекор қилган.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур юксак бадийий истеъдод эгаси бўлган. У ўзбек, форс-тожик ва араб тилларидаги бадийий

адабиётнинг энг юксак ютуқларини ўзига сингдирган, айниқса, буюк сўз санъаткори, Алишер Навоий ижодидан баҳраманд бўлган, унинг асарларини чуқур мутолаа қилиб, ўз бадиий тафаккурини чархлаган. Қисқа умр кўрганлигига қарамасдан, бой илмий-адабий мерос қолдирган. Унинг иккита шеърий тўплами, «Мубаййин» рисоласи, «Рисолаи аруз» («Аруз рисоласи»), «Хатти Бобурий» асарлари, жаҳон адабиётининг шоҳ асари бўлган «Бобурнома», шунингдек «Волидия» таржимаси, бизгача етиб келмаган, аммо манбаларда зикр қилинган «Ҳарб иши рисоласи», қофия ва радифга бағишланган асарлари унинг самарали меҳнат қилганлигини, юксак бадиий дид, қобилият ва беназир талантга эга бўлганлигини кўрсатади. У 1527 йилда Рон Санго устидан ғалаба қозонгандан кейин, ўз вужудида чарчоқликни ҳис эта бошлайди. Бу ҳолат, айниқса, Иброҳим Лудийнинг онаси мадика Бейда топшириғи билан ошпазлар томонидаи унинг овқатига заҳар солиб берилгандан кейин кучаяди. У гўшанишинликни ихтиёр қила бошлайди, давлатни идора этиш ишларидан кўнгли совийди. Лекин аркони давлат, амир-умаролар уни бу йўлдан қайтарадилар.

Гулбадан Бегимнинг шаҳодат беришича, ҳазрат подшоҳнинг вафотидан олдинги оилавий ташвишлар орасида Гулранг Бегим билан Эсон Темур Султон ва Гулчеҳра Бегим билан Тўхта Буға Султоннинг тўйлари масаласи ҳам бор эди. Гулбадан Бегим яна Мирзо Ҳиндолни кўриш иштиёқида чопар юборгани, Ҳиндол Мирзо отасининг вафотидан кейин ташриф буюргани ҳақида ёзади. Ҳеч қандай дори-дармон кор қилмаганидан сўнг, Ҳумоюнни Санбалдан чақиртириб келадилар. Отасининг ўлиmidан 4 кун олдин у Аграга етиб келади. Эртаси куни Бобур саройидаги ҳамма амирларни чақиртириб, охириги марта Мирзо Ҳумоюнни ўз меросхўри деб тайинлаб, унга бўйсуниларини, садоқат билан хизмат қилишларини васият қилган. Унинг сўзларини Абулфазл яқунлаб шундай дейди: «Қозию уламолар билан суҳбатда бўлинди. Худого мақбул бўлиш учун Ҳумоюнга сахий ва ҳақиқатиёй бўлишни, мулкни асраб эҳтиёт қилиш, хато ўтса узр сўраб, гуноҳкор бандаларнинг гуноҳидан ўтишгай қимматли маслаҳатлар берилди. Ва у (Бобур), васиятнинг мағзи шуки, «агарда улар жазога мустаҳиқ бўлсалар-да, ҳеч қачон уламоларингга қарши чиқма. Дарҳақиқат, аълоҳазрат жаннат ошиёни ўз фарзандларидан жабр кўрган бўлса ҳам, бирон марта улардан қасд олмаган». Гулбадан Бегим ўзининг

«Хумоюннома»сида ҳазратнинг васиятларини қуйидагича таърифлаган: «Эртаси куни ҳамма амирларни чақириб айтдиларким, кўп йиллардан бери Хумоюн Мирзога подшоҳлигимни топшириб, ўзим Зарафшон боғининг бир бурчагига турсам, деган фикрим бор эди. Худонинг қарами билан ҳамма нарса муяссар бўлди. Лекин мана шу мақсадимни соғ пайтимда қилсам, деган эдим, бўлмади. Касал мени эзиб қўйди. Сизларга васиятим шуки, ҳаммангиз Хумоюнни менинг ўрнимда деб билинглар ва унинг ҳукмронлигини камситманглар. У билан мувофиқ ва ҳамжиҳат бўлинглар. Худодан умидим борки, Хумоюн ҳам одамларга яхшилик билан маъқул бўлади. Яна, Хумоюн, ака-укаларингни, ҳамма қариндош-уруғ ва ўз одамларимизни сенга, сени эса Худого топшираман, дедилар. Тўққиз юз ўлтиз еттинчи йил жумод-ул-аввал ойининг бешинчи кунини - рўзи душанба – вафот тарихларидир». Шундан сўнг Гулбадан Бегим фарзандлар, яқин қариндошлар ва бошқа одамларнинг бошларига қора кун тушганлигини ёзган.

Афсус, надомат бўлғуси у кунга ким, бекарон
афлок қолиб, Сиз кетсангиз,
Юз надомат, афсуслар бўлсинким, у кунини биз
зори ҳайрон, Сиз кетсангиз¹.

Хожа Калон дафн маросимида мазкур марсияни ўқиб йиғлади, деб тарихчи Бадаюни юқоридаги сатрларни келтирган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур жасадини ҳозирги Тоғ Маҳал рўпарасидаги Оромбоғга дафн этишган (у вақтда Боғи Нурафшон дейилган). Хожа Муҳаммад Али Асас подшоҳ ҳазратларининг мазорига мутавалли қилиб тайинланган. Бора-бора ҳофизлар ва қарияларнинг беш вақт намозни жамоат билан ўқиб, хатми Куръон қилиб, ҳазратнинг арвоҳига бағишлаш одат тусига кирган эди. Сикрини (у ҳозир Фатҳпур шаҳри номи билан машҳур) яна беш лак экин ери ортиғи билан онҳазрат мазори учун вақф қилиб берилган. Моҳим Бегим икки ярим йил мобайнида, ҳар кунини икки маҳалдан овқат пишириб, шаҳсан ўзи мазорга келиб ҳазрат шарафига тарқатишга бош-қош бўлган.

Бобурнинг васиятига кўра, унинг жасади Кобулга келтирилиб, ўзи танлаган боғда дафн қилишдиким, қабри устига на бирон бино, на бирон дарахтнинг сояси тушиб турмасди. Ҳеч қандай шайхга ҳам ҳожат йўқ, эди. Заҳириддин Бобур дафъатан Ганг

қирғоғидаги Оромбоғнинг ўртасида муваққат тайёрланган мақбарага дафн этилган².

Ўзининг сўнги оромгоҳи сифатида Бобур томонидан Кобулнинг танланиши бежиз эмас эди. Чунки у Кобулда 1504 йилдан 1526 йилгача 22 йил муттасил ҳукмронлик қилган, биринчи фарзанди Ҳумоюн ҳам шу шаҳарда туғилган, онаси Қутлуғ Нигорхон шу заминга дафн этилган эди. Шаҳарни ободонлаштириш, уни сув билан таъминлаш, боғ-роғлар барпо этишга у катта куч сарфлаган. Бобурнинг кейинги ҳарбий юришлари, Ҳиндистонни эгаллаши учун Кобул таянч қўрғон бўлиб хизмат қилган. Бу шаҳарнинг об-ҳавоси ҳам унга она юртининг об-ҳавосидай ёқар, шунинг учун ҳам у «Бобурнома»да Кобул тарихига катта ўрин берган, айрим шеърларини шаҳар таърифига бағишлаган. Бобур ўғилларига ёзган хатларида Кобулни холиса қилганлигини, ҳеч қайсиси таъна қилмаслигини уқтирган. У Кобулни ўзи учун сақлар эди. Зеро, Кобул унга она шаҳридай азиз ва мўътабар эди.

Кобулга келган ҳар инсон Бобур мақбарасини зиёрат қилади. Шаҳар аҳли Бобур мақбарасини зиёратгоҳ деб билади. Ҳар йили Наврўз байрамида қобулликларнинг кўчат экиш ҳафталиги шу боғдан бошланади. Бобурга шу қадар иззат-эҳтиром кўрсатаётган қобулликларга, унинг мақбарасини супуриб-тозалаб турган боғбонларга балли!

Боғи Бобур — Кобул шаҳрининг бир чеккасида, эски шаҳар билан янги шаҳар ўртасида, Шердарвоза номли тепалик ёнбағрида жойлашган. Боғнинг майдони бир неча гектар бўлиб, атрофи кунгираддор девор билан қуршалган. Кўча томондан кираверишда катта дарвоза бор. Айтишларича, бу дарвоза доимо очиқ туради. Унинг ичида хиёбон, йўлкалар, гулзорлар, мевазорлар, сайхон жойлар, янги қурилган мактабхона ва чойхона бор. Зилол суви шаршара ёнида икки улкан чинор Бобур замонидан гувоҳлик бериб, теварак-атрофга шох тебратиб турибди. Чинорларнинг бири шу қадар йўғонки, ўртасидаги қавагига мингтагача гишт тахлаб қўйилган.

Гулбадан Бегимнинг шаҳодат беришича, Мирзо Комрон 946/1539 йилда Аграга онҳазратнинг қабрини зиёрат қилгани келган. Жавҳарнинг маълумотларига қараганда, жасад Кобулга 952/1544 йилдан аввал кўчирилган.

Тепаликка кенг зинапоядан чиқилади. Чап томонда катта тошқовуз, ўнгда эса Бобурнинг эвараси Шаҳобиддин (Ҳиндистон

подшоси Шоҳ Жаҳон) 1646 йили қурдирган оқ мармар масжид бор.

Шаҳобиддин Балх ва Бадахшонни босиб олгач, ўша йили Кобулда ҳам талай вақт туриб, 40 минг рупия харажат билан шу масжидни қурдирган экан. Айтишларича, Кобулнинг бирдан-бир тош масжиди шу бўлган. Ҳовузни Бобурнинг ўзи эни ва бўйини бирдай қилиб қаздирган. Яқинда уни цементлаб, чўмиладиган жой қилишибди.

Зиналардан яна юқори кўтарилиб, Бобур мақбараси қурилган супага қадам қўясиз. Мақбара томи тўртта устунга ўрнатилган. Сағананинг бош томонига мармар лавҳа қўйилган. Унга Бобур шарафига мадҳиялар ва унинг фаолиятидан дарак берувчи маълумотлар битилган. Лавҳаларни Акбаршоҳнинг ўғли Нуриддин Жаҳонгир 1607 йилда ёздирган экан.

Сағана бошига тик ўрнатилган тош лавҳада қуйидаги сатрларни ўқийсиз:

*Подшоҳим, унинг тахтидан нури Оллоҳ сочилур эди,
Улар Заҳриддин Муҳаммад Бобуршоҳ эди.
Улуғвор ва давлатли ва иқболли ва одил ва диндор,
Сипоҳлари тавфиқли ва файзли ва фотиҳ эди.
Олам жисмин қўлга олди ва равшан бўлиб равон бўлди.*

Лавҳадаги энг охирги — «Гуфтам фердавс доим жон Бобуршоҳ» — сатрдан абжад ҳисобида 937/1530, яъни Бобурнинг вафот йили келиб чиқади.

Мармартошнинг ташқи тарафига бундай ёзилган:

Ҳазрат Фердавсмакон Заҳриддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг нурафшон мақбарасига зиёрат вақтида Розий Абулмузаффар Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир подшоҳи, ҳазрат арши ошён Жалолидин Муҳаммад Акбар подшоҳ Розийнинг ўғли, ниятини бажариб, Жаҳонгирнинг тахтга чиқишига икки йил бўлганда ушбу лавҳани ўрнатмоққа фармон қилди. 1016 ҳижрийга мувофиқдир³.

Мақбара шифтига ҳам ёзувлар битилган.

Мақбаранинг икки ёғида кичикроқ сағаналар бор. Булар Ҳиндол, унинг қизи Руқия Султон Бегим, Ҳумоюннинг ўғли Муҳаммад Ҳаким Мирзо, Шоҳ Жаҳоннинг қариндоши Гавҳарнисо Бегимнинг даҳмаларидир. Ўтган асрнинг 30-йилларида Александр Бернс мақбара ва боғни зиёрат қилгани

борган. Уни меҳр билан ўрганган. Мунши Моҳан Лаъл ҳам у билан бирга бўлиб, ўша жойларнинг гўзаллигини, ёдгорлик устунидаги ўймакорлик безакларини ва мақбаранинг пештоқ, устунларидаги сатрларнинг жозибадорлигини қайд этган. Бу икки зиёратчи сайёҳнинг маълумотларига ҳамда Даниэлнинг боғ ва мақбарага чизган суратларига кўра, ўша пайтларда қабрнинг бош томонида ёнма-ён қўш устун бўлган. Жаноб Ҳайден ҳам XX асрнинг бошларида боғни зиёрат қилиб, мақбарани суратта олган. Унда устунлардан бири аниқ, иккинчиси ўрнида эса чироқдон жойлашгани тасвирланган. Устундаги ёзувларнинг мазмуни қуйидагича: «Подшоҳим, унинг тахтидан нури Оллоҳ сочилур, бу Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ эрди. Бузурглик, мустақиллик, саодатмандлик, ҳаққониятлик, очиққўллик ва қавий шон-шавкат билан биргаликда, унда гуллаб-яшнаш, фаровонлик ва ҳарбий голибликнинг шон-шухрати ҳам мужассам эди. У моддий дунё устидан зафар қозониб, чароғон нур бўлди. Ўзининг ҳар бир зафарига баайни нурга, руҳлар дунёсига қарагандай қарарди. Жаннат эшиги унга очилганида ва Ризвон (Ruzwan — жаннат посбони) ул зот борасинда мендан сўраганида, шундай жавоб берар эдим: «Жаннат — Бобуршоҳнинг боқий маконидур».

Юртбошимиз таъбири билан айтадиган бўлсак, «Одамзод борки, авлод-аждоғи, Ватанининг тарихини билишини истайди». Дарҳақиқат, Мустақиллик бизга ана шу тарихни чуқур ўрганишга, ўзлимизни англашга кенг имконият яратиб берди. Натижада, жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ аждодларимиз фаолияти ва меросининг пинҳон ётган қирралари билан ошно бўлиш шарафига муяссар бўлмоқдамиз.

¹Инглизчаси:

Alas, that time and the changeful heaven should exist without thee:

Alas, and Alas, that time should remain and thou shouldst be gone;

² Бу ҳозир Ром боғ деб аталади ва Жамна дарёсининг чап қирроғидадир. Унинг хоки Аградан Қобулга қачон кўчирилганини аниқлай олмадик, деб ёзади таржимон.

³ Ҳ.Ҳасанов. Сайёҳ олимлар. Тошкент, «Ўзбекистон», 1981 йил, 188-189-бетлар.

Солижон ҚУРБОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент,
Анжион давлат тиллар институти

ШОИР НОСИР БУХОРИЙ АДАБИЙ МЕРОСИНИНГ ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТНИНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Носир Бухорий – форс-тожик адабиётининг XVI аср бошларида яшаб ўтган йирик вакилларида биридир. Ундан бизга жами 10 минг байтдан кўпроқ назмий бой мерос қолган. Носир Бухорийнинг газаллари, «Ҳидоятнома» деган маснавийси унинг ҳар томонлама камол топган ижод соҳиби бўлганлигидан далолат беради. Айниқса, унинг девонида форс-тожик адабиётида мавжуд бўлган қадимги поэзиянинг ҳамма жанрларидан намуналар келтирилган.

Носир Бухорий ҳақида маълумот берувчи манбаларнинг энг қадимгиси – Давлатшоҳ Самарқандийнинг 1486 йилда ёзилган «Тазкират-уш-шуаро» асаридир. Унда муаллиф шундай ёзади: *«Ёқимли қалб эгаси дарвеш Носир Бухорий, унга Оллоҳнинг раҳмати бўлсин, фозил киши эди ва унинг шеърлари ҳақиқийлигидан холи эмас эди. Унинг сўзларидан фақирлик бўйи келарди. У ҳамиша саёҳат қилиб, дарвеш либосига юрарди. Унда дунёвий нарсалардан намат қалпоқ, чопон ва китобдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди»*¹.

Абдураҳмон Жомий ўзининг «Баҳористон»ида Алишер Навоий «Маҳбул-қулуб» асарида², Заҳриддин Муҳаммад Бобур «Мухтасар» рисоласида³ Носир Бухорийни ўша даврнинг машҳур шоирлари қаторида зикр этганлар. С. Айний⁴, Б. Фафуров, Я. Рипка, И. Брагинский каби шарқшунослар эса ўз асарларида Носир Бухорийни Ҳофиз Шерозий билан бир қаторда ҳам тилга олганлар.

Носир Бухорийнинг ижоди форс адабиёти тарихида муносиб мавқега эга бўлишига қарамай, ҳозиргача унинг лирик мероси етарли ўрганилмаган, биронта ҳам жиддий илмий тадқиқот олиб борилмаган.

Мўғулларнинг бир ярим асрлик ҳукмронлиги Мовароуннаҳр халқи бошига жуда оғир кулфатлар солган пайтда Носир кўпчилик замондошлари каби мўғулларнинг истибдоди оқибатида дарвеш жомасини кийиб, сафарга чиқиб кетган. Шунинг учун ҳам у тарихда «дарвеш Носир» номи билан машҳурдир. Ҳақиқатдан ҳам унинг эғнида эски чопон, бошида намаат кулоҳ, қўйнида эски китобдан бошқа бирон нарса бўлмаган. Умрининг кўп қисмини Шерозда ўтказган. У ердан бошқа Шарқ мамлакатларига⁵ (шеърларида Хоразм, Самарқанд, Бағдод, Табриз, Ҳижоз, Миср, Қуддус, Ироқ, Басра, Рай, Шероз, Яман шаҳарларини тилга олади) ҳам саёҳат қилиб, шаҳарма-шаҳар кезиб юрган.

Носир Бухорий ўзидан аввалги Абулқосим Фирдавсий, Анварий, Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Салмон Соважий, Заҳир Фарёбий каби Шарқ классикларининг асарларини ўқиб, ўрганган. Шоирнинг ғазалларида уларнинг руҳи сезилиб туради:

Носир аз гуфтаи Саъдий батариқи тазмин,
Арза дех гарчи сўхан миравад ва тарзи Заҳир (21а).
Носир, Саъдий айтганларидан тазмин тариқасида тақдим эт,
Гарчи сўзларинг Заҳир услубидан келиб чиқаётган бўлса-да.

Носир Бухорийнинг вафот этган йили тўғрисида Шарқ ва Ғарб олимларининг маълумотлари турлича, яъни у тарихий манбаларда 771/1371, 773/1373, 779/1377 йил деб кўрсатилган. Шоир девонини синчиклаб ўрганиш натижасида девондаги Султон Увайсийга бағишланган қасидасида:

Сол бар ҳафтсаду ҳаштоду ду аз ҳижрат буд.
Кин муборак басар омад батариқи эъжоз (42а).
«Йил етти юз саксон икки ҳижрий эди,
Қисқаси бу муборак (йилга) ҳам етиб келдим» — дейди.

Демак, шоир ҳижрий 782, милодий 1380-1381 йилда ҳаёт бўлган. Бундан эса юқоридаги саналар асоссиз эканлиги маълум бўлади.

Изданишлар натижасида Наманган, Душанбе, Техрон, Санкт-Петербург, Тошкент шаҳарларида шоирнинг девонлари, Боку шаҳрида эса «Ҳидоятнома» маснавийси сақланаётганлиги аниқланди. Шу боис, шоир адабий меросининг танқидий матнини

яратиш учун, гарчи идеал даражада бўлмаса-да, имконият вужудга келди.

1. Наманган девони.

Девон қисқа сўз боши билан бошланади: кейин Худо ва пайғамбаримиз шаънига бағишланган мадҳия шеърлар берилган. Сўнг ўша замоннинг машҳур кишиларидан Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад, Хожа Садруддин, Султон Шайх Увайсий ва бошқаларга ёзилган қасидалар, ҳайитлар муносабати билан ёзилган шеърлар, тўртта таржиъбанд, учта мухаммас, иккита маснавий ва ўнта турли қитъалар киритилган, сўнгра 112-варақдан 255-вараққача алифбо тартиби билан шоирнинг 460 ғазали жойлаштирилган. Кейин еттита рубоий берилган. Девон 7000 байтга яқин шеърларни ўз ичига олади. Қўлёзма яхши ҳолатда сақланган, у қалин Хуросон қоғозига настаълиқ хатида битилган. Шеърлар икки қаторга жойлаштирилган бўлиб, атрофи ҳалли ва рангли чизиқлар жадвали билан ўралган. Девон 256 варақдан иборат бўлиб, 858/1454 йили Шерозда – Маҳмуд Котиб деган хаттот томонидан кўчирилган.

Мазкур девонда берилган иккита рубоий:

1. Бо сунбулаш овихтам аз рўйи ниёз (сунбул сочига осиддим, ҳожат юзасидан)

2. Гар ҳамчу ман ўфтодаи ин дом шави (Гар бу домга илинган мен каби бўлсанг) ва : Ҳаргизам нақши ту аз лавҳи дили жон наравад (Сенинг суратинг жону дилим лавҳасидан асло кетмайди) матлаъи билан бошланувчи бир ғазали Носир Бухорий замондоши Ҳофиз Шерозийнинг Техронда 1320 ҳижрий-шамсий, яъни 1941 милодий йили чоп этилган девонида ҳам берилган. Бу рубоийлар Носир Бухорийнинг Боку шаҳрида сақланаётган қўлёзмасида ҳам мавжудлиги аниқланди.

2. Душанбе девони.

Тожикистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик бўлимидаги девон. Бу девонда (Котибий ва) Носирнинг ғазаллари девоннинг ҳошиясига битилган. Девонда ғазаллардан ташқари, 767/1365 йилда ёзилган маснавий (бошланиши йўқ), таржиъбанд берилган. Қўлёзма қалин Хуросон қоғозига настаълиқ хатида кўчирилган. Ҳар бир варақ турли хил безаклар билан безатилган. Уларнинг атрофи ҳалли ва рангли чизиқлар билан чизилиб, жадвал ҳосил қилинган. Қўлёзма қайта ишланиб, муқовалари янгиланган. Девон 850 рамазон/ 1446 йил ноябр-декабр ойларида кўчирилган. Девон 233 варақдан иборат

бўлиб, ундан жами 292 та ғазал жой олган. Бу ғазаллардан 178 таси Наманган девонида мавжуд. 114 таси янги топилган ғазаллар ҳисобланади. Душанбе девони Наманган девонидан 7-8 йил аввал ёзилган.

3. Техрон девони.

У Техрон университетининг марказий кутубхонасида сақланади. Муҳаммад Тақий Дониш Пижухнинг маълумотига кўра, қўлёзмада Носирнинг 3320 га яқин байти мавжуд. Девоннинг охирида келган «Носир агар аз дард банолад ажаби нист» («Носир агар дарддан нолиса ажабланарли эмас») матлаъи билан бошланувчи ғазали Намангандан топилган девоннинг 144а-варағидан жой олган. Қўлёзманинг хати – настаълиқ бўлиб, Европа қоғозига ёзилган. Девон 1304 йили Мирзо ого Муҳаммад Али бин Ҳожи Нажлафтали Ҳамадоний томонидан кўчирилган.

4. Санкт-Петербург девони.

У Санкт-Петербург Фанлар академияси Шарқшунослик бўлимида сақланади.

Мазкур қўлёздадаги шоирнинг 43 та ғазалидан 25 таси Наманган девонида, еттитаси Душанбе девонида борлиги аниқланди. 11 таси янги топилган ғазалдир, қўлёзманинг кўчирилган йили кўрсатилмаган.

5. Тошкент девони.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган девон. Бу қўлёзмада шоирнинг 18 та ғазали мавжуд бўлиб, шундан 13 таси Наманган девонида, учтаси Душанбе девонида, биттаси Санкт-Петербургдаги қўлёзмада берилган. Биттаси эса юқоридаги девонларда учрамайдиган янги ғазалдир. Шоирнинг лирик ғазалларидан ташқари, Боку шаҳридаги Озарбайжон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида «Ҳидоятнома» деб аталувчи маснавийси сақланмоқда. Асар Худо васфига бағишланган иккита шеър билан бошланади. Кейин оламнинг яратилиши, асар таълифининг сабаби, ҳамда Зотнинг маърифатига етишиш тўғрисида ёзилган. 12-варақдан то 28-вараққача шоирнинг маснавийси битилган. Носирнинг 6 та қитъаси, 15 та рубойиси ҳам берилган. Маснавий, қитъа, рубойилар ҳаммаси бўлиб 1200 мисрага яқин. Қўлёзма чиройли ҳуснихат ила ёзилган ва яхши ҳолатда сақланган. Шунинг учун ҳам у 1969 йили Самарқандда очилган Темурийлар даври санъатига оид кўرғазмада намоиш этилган.

Шеърлар чиройли настаълиқ хатида битилган. Улар икки қаторга жойлаштирилган бўлиб, атрофи ҳалли ва рангли чизиқлар билан ўралган. Шероз мактаби анъаларига хос тарзда безалган. Жами 32 варақдан иборат бўлган ушбу қўлёзма 864 сафар/1459 йил декабр ойда ҳаттот Ҳамза Ибн Абу Бакр Тобон томонидан кўчирилган. Лекин маснавийнинг ёзилган йили берилмаган. Бу асарнинг кўчирмасини олиб келиб, Душанбеда сақланаётган тўлиқ бўлмаган маснавий нусхаси билан солиштирган эдик, ўша маснавийнинг айнан ўзгинаси бўлиб чиқди. Бу маснавийнинг ёзилган йили Душанбе девонида кўрсатилган:

«Шуд ин нома бар номи маймуни тамом
Рисоли араб ҳафтсаду шасту ҳафт» (226 б.).

(Бу рисола етти юз олтмиш еттинчи йили, яхшилик билан тамом бўлди).

Шоирнинг бу маснавийси ҳам қадимги қўлёзмалардан бўлиб, Наманган девонидан олти йил кейин кўчирилган.

Асарнинг илмий-танқидий матнини тузишдан аввал асар нусхаларини қиёсий йўл билан чуқур ўрганиб чиқишга тўғри келди. Девоннинг барча нусхаларидаги ғазаллар рақамлаб чиқилди, истифода этилган қўлёзмалар лотин алифбосининг бошланишидаги беш ҳарф билан белгиланди.

Масалан: Наманган қўлёзма нусхаси – «А», Душанбе – «В», Санкт-Петербург – «С», Тошкент – «Д», Боку – «Е».

Муқояса натижалари кутилмаган даражада мураккаб ва хилма-хил: нусхалар орасидаги тафовутлар одатдагича айрим сўз ёки жумлаларгагина алоқадор бўлиб қолмасдан, баъзан бутун-бутун мисра, байтлар, ҳатто ғазалларга ҳам алоқадор бўлиб чиқди. Девон нусхалари солиштириб чиқилганда, қуйидагиларни кўрдик: «А» нусхада 2213 та, «В» нусхада 1858 та, «Е» нусхада 503 та, «С» нусхада 114 тадан кўпроқ тафовут кўзга ташланди.

Масалан, «А» нусхадаги 31-ғазалда 3 байт, 73-ғазалда бир байт тушиб қолган ва ҳоказо. Тушиб қолган байтлар «В» нусхадан олинди ёки аксинча «А» нусха асосида «В» нусха тўлдирилди. «В» нусхадаги 114-ғазалда бир байт, 119-ғазалда 5 байт тушиб қолган. Ушбу байтлар «А» нусхадан олинди. Ғазаллардан тушиб қолган мисралар, радифлар, айрим сўзлар ҳам ана шу тарзда тўлдирилиб борилди. Қиёсий таҳлил жараёнида сўз ва иборалардаги тафовутларни муносибларига қараб тузатдик.

Асар нусхалари орасидаги фарқлар — кўп ва мураккабдир. Жами 5013 дан ортиқ тафовут кўзга ташланади. Матнда 100 дан ортиқ байтлар, 20 дан ортиқ мисралар 150 дан зиёд радиф ва айрим сўзлар тушиб қолган. Қўлёзма нусхаларни қиёсий ўрганиш асарнинг танқидий матнини яратишда «А» нусхасининг асосга олиниши мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Бу қўлёзма — мавжуд нусхаларнинг энг мукаммали ва сифатлироғидир. Бошқа қўлёзмалар эса илмий-танқидий матнни яратишда ёрдамчи манбалар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Истиқлол шарофати ва Яратганнинг инояти билан илгари номларини ҳам билмаган Носир Бухорийдек улуг аждодларимизни кашф этиш, уларнинг табаррук номларини қайта тиклаш ва жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган ноёб меросидаги дурдоналарни ўрганиш, ёинки ўзлигимизни англаш имкониятига эга бўлдик.

¹ Давлатшоҳ Самарқандий. «Тазкират уш-шуаро». Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти, қўлёзма, ашъвий рақами, № 2119, 274-бет.

² Абдурахмон Жомий. «Баҳористон». Конпур, 1903, 106-бет.

³ Алишер Навоий. Асарлар. XIII жилд. Тошкент: «Фан», 1966, 214-бет.

⁴ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Мухтасар». Тошкент: «Фан», 1971, 134-бет.

⁵ И.С. Брагинский. Из истории таджикской и персидской литературы. Москва: «Наука», 1972. 344-345-бетлар.

*Исматуллоҳ АБДУЛЛОҲ,
филология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби*

ПАРТАВ — ҚАТАФОН ҚУРБОНИ

Ўз ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 33 йил илмий иш билан шуғулландим. Бир бинода, кейинчалик ёнма-ён жойлашганимиз учун Тил ва адабиёт

институти олимлари билан ҳамкор ва мулоқотда эдик. 60-йилларда машҳур фолклоршунос олим Ҳоди ака Зарипов билан суҳбатлашиб ўтирган эдик, мендан — «Исматуллоҳ, Партав деган шоирни эшитганмисиз?» — деб сўраб қолдилар. «Йўқ, домла, эшитмаган эканман», дедим. «Партав Наманганда яшаган, кўзи ожиз, туғма фалаж бўлган. Мен уни фалон йили (1935 ёки 1936) кўчада тагига наमत солиб гадойлик қилиб ўтирганда кўрганман — деган эдилар — Наманганга борганимда у билан учрашганман, кейинчалик халқ душмани деб уни отиб ўлдиришди». Шундан кейин Ҳоди ака шоирнинг ўзбек тилидаги бир газалини ёддан айтиб, менга шундай маслаҳат бердилар: «Наманганга борганингизда Партав ихлосмандларини топинг, уларнинг айримлари ҳали ҳаёт. Шоир шеърларини имкон борича ахтаринг ва эълон қилинг». Мен ҳали ёш бўлганим учун, ҳеч бўлмаса, Партавнинг домла айтиб берган газалини ҳам ёзиб олмабман.

Ўша йили таътилни Наманганда ўтказдим. Ҳоди Зарипов маслаҳатлари билан Партав ҳақида маълумот ва унинг ижодий меросини қидира кетдим, кекса зиёлиларни топиб, суҳбатлашдим. Партав билан марҳум шоир Исмоил қори яқин дўст, марҳум Нуриддин Пешқадам деган чойхоначи, Усмон қори Тошмирзаев ва шоир Шўхий ҳам мулоқотда бўлганлигини аниқладим. Шўхий менинг яқин дўстим эди, у кишини шаҳар марказида чойхона олдида учратдим. Афсуски, у руҳий касалликка йўлиққанлиги сабабли мени танимади. Партав мухлисларидан ҳаёт бўлган зиёлилардан биргина Усмон қори ака қолган экан. У билан кўп мулоқотда бўлган эдим. Уйлари шаҳар марказидаги Чорсуда жойлашган эди. Катта умид билан қори аканикига бордим, қучоқлашиб кўришдик, ичкарига таклиф қилдилар. Мақсадимни изҳор этдим. Ерга қараб бир хўрсиндилар-да, сўз қотдилар: «Мен Партав домланинг яқин мухлиси эдим. Уйимга таклиф қилиб, кўп шеърларини ёзиб олгандим. У кўзи ожиз ва фалаж бўлгани учун шеърларини фақат айтиб берарди, биз мухлислар ёзиб олардик. Унинг истеъдоди унча-мунча кишида йўқ эди. У ҳам ўзбек, ҳам тожик тилларида шеър айтарди. Биз ёзиб чарчаб кетардик, бироқ домла айтиб чарчамасдилар. Оллоҳ унга шундай буюк истеъдод ато этган эди.

Кўзи ожиз ва фалаж шоирни «халқ душмани» деб, тиланчилик қилиб ўтирган жойидан олиб кетиб, отиб юборишди. Шеърлари уйимдан чиқиб қолса, мени ҳам йўқ қилиб юборишади деб,

кўрққанимдан, ёзиб олган шоирнинг ҳамма ғазал, мухаммас ва бошқа шеърларини куйдириб юборганман».

Ҳар иккимиз ҳам мустабид тузумнинг 70 дан ошган ногирон шоирни «халқ душмани»га чиқарган ёвуз қилмишларидан ҳайратга тушдик. Ҳафсалам пир бўлди, чунки Партав ижодидан хабардор, мен умид қилган ягона инсон Усмон қори ака эди-да, Оллоҳ у кишини ўз раҳматига олган бўлсин!

Партав бўйича изланишларимни «*ноумид—шайтон*» нақлига риоя қилган ҳолда давом эттириб, баъзи маълумотларни аниқладим.

Партав асли ўратепалик бўлган, Самарқандда ҳам яшаган, қандайдир сабаб билан Наманганга келиб қолган. Октябр тўнтаришидан олдин яхши ҳаёт кечирган, бироқ кейинчалик умри ниҳоятда оғир қийинчиликда кечган. Гоҳида мухлисларининг ёрдами, гоҳида гадойчилик билан тирикчилик қилган, кўпроқ ҳозир шаҳар марказида жойлашган ўйингоҳ олдидаги «Кудунгарлик» деган жойда тиланчилик қилишга мажбур бўлган. У бирон-бир мактаб ёки мадрасада ўқимаган, Оллоҳ унга туғма истеъдод ато этган. Қуръони каримни ёд олган. Шоирнинг уй-жойи, бола-чақаси бўлмаган. У тиланчилик қилиб ўтирганда мухлисларидан бири унга — «*Партав домла, Файзулла Хўжаевга атаб битта шеър ёзинг, мен уни шаҳар партия кўмитаси биринчи котибига етказаман, сизга ёрдам беришаси*» — деб маслаҳат берган. Партав шу заҳотиёқ «*ёзинг!*» деган. Мухлис шеърни ёзиб олиб, котибга етказган. Шеър Файзулла Хўжаевга етган-етмагани номаълум, лекин котиб шоирга жой ажратиб, анча мурувват кўрсатган, ҳатто извошда олиб юрган. Бироқ кейинчалик Партав айнан котибни ҳажв қилиб шеър тўқиган ва мухлисларидан бирига уни шаҳар фирқа кўмитаси олдидаги теракка ёпиштириб қўйишни сўраган. Шундан сўнг шоир қамалган ва бир-икки ойдан сўнг озод этилган. Кўп ўтмай, Файзулла Хўжаев аксилинқилобчи ва «халқ душмани» тамғаси билан отиб ташланган. Партав шеърдан хабардор қандайдир исковуч бу ҳақда ДСБ (ГПУ)га маълумот берган. Шоирни ҳам тиланчилик қилиб ўтирган жойидан олиб кетиб, отиб ташлашган.

Азиз ҳамюртларим, 30-йилларнинг фожеалари шоҳиди сифатида шу сатрларни кўз ёши тўкиб туриб ёзмоқдаман. Қандай ёвуз ва мудҳиш тузумда яшаганмиз. Дунёни кўришдан маҳрум, бирон жойга боролмайдиган, Оллоҳнинг энг бахтсиз бандаси,

бир ногирон шоир «халқ душмани» бўлса-я!

Кейинги ўн йил давомида Партав замондоши ва у билан яқин муносабатда бўлган машҳур шоир Мулло Йўлдош Хилватий ҳаёти ва ижодини ўргана бошладим. Бу шоир ёзиб қолдирган иккита девон ва унинг яқинлари тузган бир шеърый тўплам (баёз) Хилватийнинг ўғли Акмалхон Тўра ҳифзи ҳимоясида сақланиб қолган экан. Бу ноёб ва нодир ёдгорлик нафақат Хилватий, балки унга замондош Муқимий, Фурқат, Ҳожи Муҳйий, Нодим, Партав каби шоирлар ижодини ўрганишда ҳам қимматли манба вазифасини ўтайди.

Хилватий замондошлари тузган баёзнинг 20б-33а-варақларидан Муҳаммад Абдулборий деган йигит вафотига отаси Қози Муҳаммад Ориф номидан Неъматбадал Партав ёзган ўзбекча мухаммас марсия (68-банд) ва тожикча (ҳар банди 9 мисрадан иборат 13 банд) марсия берилган. Бу биз учун шоир ижодидан биринчи намуна эди. Марсиядан Партавнинг асл исми Неъматбадал бўлганини ҳам аниқлаб олдик. Ўзбекча марсия 1350 йил 25 жумод-ус-соний/1931 йил 8 ноябр куни, тожикча марсия эса 1350 йил 25 шаъбон/1932 йил 5 январ куни ёзилган. Ҳар икки марсиядаги шеърлар 457 мисрадан иборат. Хилватий девонини нашрга тайёрлаб бўлганимизда, Наманган университетиغا Тўрақўрғон туманидан бир аёл келиб — «бобомдан қолган китоблар бор, уларни кўриб университетга олинглар» — деди. Ректор бошчилигида профессор Одил Носиров билан бирга Тўрақўрғонга жўнадик. У ерда қўлёзма ва босма китоблар мавжуд экан. Уларни университетга олиб келдик. Айниқса, қўлёзмалардан биттаси диққатимизни жалб қилди. 58 варақдан иборат қўлёзманинг 1б-варағидан қуйидаги ёзувни ўқидим: «Тарихга ғурраи жумод-ул-аввал ойинда 1345 ҳижрийда (милодий декабр, 1926 йил) эрдик, самарқандлик Партав номли шоир ҳазрати тўрамга мурид ва мўътақид эрди, каминага муҳаббат ва истинод пайдо қилиб, камина фақир-ҳақирни тилидан таржимаи аҳволимга ва мани тарафимдан шерикларим ва ёру биродарларга ва раияларга узр ва илтижо ва ризонома ҳамда фарзандларимга ва бошқаларга ризо ва бу нома хусусинда қилган мухаммасни батариқи назмиёт ҳамда субут ва исбот ва улуҳийяти (илоҳиёт) ваҳидийат ва вожиби таолова тилим ва дилим ва қалбим бирла тасдиқ ва иқрор этғонимни ва ҳам вожиб таолони «аласту бираббикум» — «Мен сизнинг

Парвардигорингиз эмасман-ми?» — нидосини эшитиб, «қолу бало» — «ҳа, шундай дегилар» лафзи бирла жавоб ва исбот этганимни баёни». Таржимаи ҳол ёзишни илтимос қилган кишининг номи шеърнинг охириги бандида қози Муҳаммад Ориф деб қайд этилган. Шу қўлёзмани тузган ҳам ўша киши деб тахмин қилиш мумкин. Ўзбек тилида ёзилган 66-банддан иборат (16-136-варақлар) таржимаи ҳол мухаммас қуйидагича яқунланади:

Ҳам ул қози Муҳаммад Орифи комилға бул ашъор,
Дедим уро, кима ўлди баоби равнақи ашъор,
Тўкулди мабдаи файёздин Файзи ҳайи Гаффор,
Мани кўнглимға беҳад айлади ким бунчалик гуфтор,
Билинг, огоҳ бўлинглар, Партавий шоир суҳандонман.

Яна шу тўпламда Партавнинг ҳар банди 9 мисралик Муҳаммад Ориф Маҳдумнинг ўғли Муҳаммад Абдулборий, ундан ўн уч йил кейин вафот этган набираси Уммуннисо Марҳаматхон қизи, сўнгра Насимахон Жўрахон қизи вафоти муносабати билан ёзилган марсия берилган (156-236-варақлар). Унга ёзилган қисқа сўз боши охирида шундай дейилган: «*Ўратепалик Қори Неъматбадал шоирнинг тахаллуси — Партав, ушбу марсияи мухаммасни назмга келтирди*». Бу марсия 26 банд (360 мисрадан) иборат. Мазкур шахслар вафоти муносабати билан тожик тилида ёзилган ҳар банди 9 мисралик 19 банддан иборат марсия ҳам берилган. Булардан ташқари, Муҳаммад Абдулбоқий ўғли Мирзо Умид вафотига бағишланган 22 байтдан (44 мисра) иборат марсия ҳам Партав қаламига мансуб (326-336-варақлар). Шунингдек, ушбу тўпламга Партавнинг қози Муҳаммад Орифнинг келини Назирахоннинг жияни, укаси Толиб Маҳдумнинг ўғли Турсунали ва набираси Зокирахон вафоти муносабати билан ёзилган ҳар банди 8 мисралик 38 банддан иборат марсия ҳам киритилган (516-586-варақлар). Марсияларнинг охирида марҳумларнинг вафоти тарихи абжад ҳисобида, баъзан ҳижрий сана билан берилган ва Партав тахаллуси қўйилган. Партав ёзган ва ҳозирча биз аниқлаган марсияларнинг ҳаммаси юқорида эслатилган таржимаи ҳол қасидаси билан бирга 1246 мисрадан иборат. Улар бадийий пишиқ, ўзбек мумтоз адабиёти услубида ёзилган, уларда кўплаб диний иборалар, Қуръон ва ҳадислардан иқтибослар учрайди. Марсиялардан XIX аср охири ва XX аср биринчи ярми

Наманган адабий муҳити ва тарихий шахслар, зиёлилар ва мансабдорлар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар топиш мумкин. Биз бу марсияларни кўздан кечириш орқали Партавнинг Самарқандда ҳам яшагани, ҳофизи Қуръон-қори бўлгани, Ўратепагий нисбасини олгани, Партав ва Партавий тахаллусларида шеър ёзганини аниқлаш имконига эга бўлдик.

Партав нега бунчалик кўп марсия ёзган, деган саволнинг туғилиши табиий. Шоир жисмоний ожиз, касбу кор билан шуғуллана олмаслиги туфайли фақат шеърлари эвазига ҳомийлардан олган хайр-эҳсон билан кун кечирган.

Нима учун Партав шундай истеъдодли шоир бўлатуриб, умрининг охирида оғир ҳаёт кечирган, ҳатто тиланчилик ҳам қилган? Партавга ҳомийлик қилган мансабдор ва бадавлат шахслар октябр тўнтариши арафаси ва кейинроқ вафот этганлар, қолганлари қулоқ қилинган, сургун бўлган, илм аҳли, дин пешволари қатағон қилинган, қисман хорижга қочиб кетган. Мамлакатда қаҳатчилик ва қимматчилик бошланиб кетган. Биз — кекса авлод 1933 йил қимматчилигини, одамлар супурги уруғи, кунжара еб юрганини кўзимиз билан кўрганмиз. Ожиз ва ногирон, шоирликдан бошқа касби кори бўлмаган, йўқсил ҳолга тушиб қолган Партавнинг эътиқоди октябр тўнтаришига бағишланган мадҳиялар ёзишни маъқул кўрмаган. Шунинг учун у эътиборсиз ва қаровсиз қолиб, тиланчилик қилишга мажбур бўлган, деган мантиқий хулоса чиқади.

Ҳозирча Партав ёзган ғазалларни топиш шарафига муяссар бўлмадик, лекин Тўрақўрғондан топилган тўпلامда шоирнинг замондоши Хилватий ғазалига боғланган бир мухаммаси берилган (446-466-варақлар). Хилватий шеъри ҳам шу тўпلامга киритилган бўлиб (47а-486-варақлар), уни Хилватий қози Муҳаммад Ориф Маҳдумнинг ўғли, ўзининг шогирди Муҳаммад Абдулборий ўқишга қатнамай қўйгани учун койиб ёзган. Шеър 1915 йили битилган (кейинчалик Абдулборий вафотига ҳар икки шоир марсиялар ёзгани юқорида зикр этилди). Хилватийнинг шеъри 21 байт бўлиб, Партав мухаммасидан фақат 5 банд келтирилган, қолган бандларда Хилватий ғазали ёзилиб, мухаммас учун бўш жой қолдирилган. Эҳтимол, Партав уни ёзиб ёки хаттот кўчириб улгурмагандир. Ушбу мухаммасни эътиборингизга ҳавола этар эканмиз, Яратгандан Ҳоди Зариф домланинг ётган жойларини жаннатмакон айлани сўраб қоламиз!

МУҲАММАСИ ПАРТАВ БАР ҲАЗАЛИ ХИЛВАТИЙ, АЛАЙҲИРРАҲМА

Жомеъи фазли камоли ҳунар, Абдулборий,
Келмагай даҳрига писар, Абдулборий,
Муни арзини эшитсанг, агар, Абдулборий,
Кечти неча маҳу шому саҳар, Абдулборий,
Қилмадинг бизни тарафга гузар, Абдулборий.

Оҳ устодни ёдингдан унутдинг, кеттинг,
Ё бўлиб мансаба мағрур, мурода еттинг,
Санга не бўлдики, бирдан бизни ташлаб кеттинг,
Аҳди собиқни маҳв қилиб, фаромуш этдинг,
Мани мискинни дилингдин магар Абдулборий.

Бўлган эрдинг мани саъйим ила даҳрга маншур,
Чунки ман хизматинг ила бўлиб эрдим масрур,
Ул учун Ҳақға қабул ўлдинг, халқға манзур,
На сабабдинки, ўтибдур айёму шуҳур,
Биздин ўлдинг бу қадар безор, Абдулборий.

Барча шогирдларимдин эрдинг хоси басам,
Эрди меҳринг дилу жонимда ҳавойи, ҳавасам,
Сен эдинг бир неча ишларга мани дасти расам,
Даврлар ўтдики, эрдинг ҳамадан ҳамнафасам,
Мани кулбам эди санга мақар, Абдулборий.

Илму таҳсилда сан саъйи ном эт ҳосил,
Ушбу йўлда қадам ур, қуввати тамом эт ҳосил,
Яхшилик пеша қилиб шуҳрати том эт ҳосил,
Ҳимматингни тутуб, улвий мақом эт ҳосил,
Бўлмағил дуну гул булқадар, Абдулборий.

САЙИД СОБИТҲОН ТЎРА НАМАНҒОНИЙ

(1283/1866 - 1346/1928)

XIX асрнинг охири, XX асрнинг биринчи ярмида Наманган шаҳридан етишиб чиққан улуғ олимлардан бири Собитхон тўрадир.

Собитхон тўра ҳақида маълумотлар жуда кам бўлиб, борлари ҳам қониқарли даражада эмас эди. Чунки Собитхон тўра яшаган давр мустамлакачилик сийёсатининг маҳаллий ватанпарвар кучларга ва зиёлиларга қарши кураши авж олган вақтга тўғри келади.

Собитхон тўра дарс берган мадрасада, Фарғона водийсидан ташқари, Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидан келган талабалар ҳам таълим олган. Собитхон тўранинг шогирдлари кўп бўлиб, уларнинг аксарияти болшевиклар инқилоби даврида Ватан мустақиллиги учун курашларда ҳалок бўлган. Қолганлари эса туғилган юртини тарк этиб, ҳижрат қилишга мажбур бўлганлар. Ҳозир кўпгина хорижий мамлакатларда яшаётган ватандошларимиз орасида Собитхон тўра Намангонийдан таълим олган илм аҳллариининг авлодлари ҳам бор. Яқинда менга 1976 йилда Қоҳирада нашр этилган араб тилидаги бир китобни тақдим этишди. Мазкур китоб Собитхон тўранинг энг етук шогирдларидан бири, болшевиклар қатағони натижасида Ватанни тарк этиб, узоқ йиллар Саудия Арабистонида яшаб, ўз илми сабабли катта обрў-эътибор қозонган ва ўша ерда вафот этган Ҳомид Мирзо Намангонийнинг «Фатҳ-ур-рахмоний» номли асари эди.

Ҳомид Мирзо ушбу асарни устози Собитхон тўранинг фатволари асосида ёзган. Шунинг учун китоб ёзиб тугатилгач, уни кўриб чиққан қатор нуфузли араб олимлари, «*бундай улуғ ва саҳиҳ фатволарни берган устозингиз ким?*», — деб савол беришганда, Ҳомид Мирзо уларга жавоб тариқасида ўз китобининг кириш қисмида устози Собитхон тўра ҳақидаги қимматли маълумотларни алоҳида бир мақолада баён этган. У Собитхон тўра ҳақида маълумот берувчи ягона ёзма манба ҳисобланади.

Китобда келтирилган маълумотларга қараганда, Собитхон тўра саййидлардан, яъни пайғамбар авлодларидан бўлган. Шунинг учун ҳам унинг номи олдига саййид ибораси қўшиб Саййид Собитхон тўра тарзида ифода этилган. Унинг тўлиқ номи — Шайх Мавлоно Саййид Собит Алилмаоний ал-Ҳанафий ибн Саййид Файзхон ан-Намангонийдир. У ҳижрий 1283/1866 йилда Наманган шаҳридаги энг таниқли илм аҳлларидан бири бўлган Саййид Файзхон тўра хонадонда таваллуд топган.

Ёшлиқдан бошлаб илму ирфон жўш урган хонадонда ўсиб улғайган ва биринчи ўринда отасидан таълим олган. Сўнг Намангандаги Азизхожа ва Саййидқулибек мадрасаларида ўқиб, Наманган шаҳрининг кўзга кўринган олимларидан, жумладан Ҳазрат Иноятхон Лангарийдан сабоқ олган. Шундан сўнг илмини янада чуқурлаштириш мақсадида Ҳўқанди латифга жўнаган. Қўқон шаҳрида бир неча йил туриб, Мадрасаи Хон мударрисларидан таълим олган. Ўша пайтларда бу мадрасада Фарғона водийсининг энг йирик олимлари дарс беришган. Саййид Собитхон тўра мадрасани аъло тугатиб, она шаҳри Наманганга қайтган. Шундан сўнг у бутун умрини Наманганда дарс ўқиш ва дарс бериш билан ўтказган. XIX асрнинг сўнги йилларидан Наманган депарасидан етишиб чиққан илм аҳллариининг кўпчилиги ундан сабоқ олганлар. Собитхон тўра очиқ чеҳрали, ширин сўз, ҳазил-мутойибали, парҳезкор ва тақводор бўлиб, Худо ва эл-юрт ризоси учун хизмат қилган. Шунинг учун ҳам улғайгач, у орифу биллоҳ бўлиб етишган.

Албатта, бу, биринчи навбатда, отаси Файзхон тўранинг ўз фарзандларига берган таълим-тарбияси самарасидир. Файзхон тўра оиласида ўн ўғил бўлган. Лекин уларнинг тўрттаси оламдан ўтиб кетган, олти нафари қолган. Ака-укаларнинг ҳаммаси ҳам диний, ҳам дунёвий илмлардан яхши хабардор зиёли кишилар бўлганлар. Уларнинг ҳар бири ўзига хос нуфуз ва фазилатларга эга бўлган. Шунинг учун ҳам нафақат Наманган, балки бутун Фарғона водийсининг илм аҳллариининг ҳурматини қозонган. Айниқса, Собитхон тўранинг катта акаси Яҳёхон тўра ўз даврининг воизи, муфассири ва тақводор кишиси бўлган. Унинг қўлида кўп кишилар илму маърифат ўрганганлар. Собитхон тўра доимо акасининг илму фазилатини, ёшининг катталигини ҳурмат қилар, эҳтиром кўрсатар ва муқаддам тутарди.

Яҳёхон тўра вафот этгач, унинг шогирдлари Собитхон тўрага акаси Яҳёхон тўранинг ўрнини эгаллашга, ваъз ила мухлисларга

йўл кўрсатиб, иршод беришга қаттиқ туриб даъват қилганлар. Ночор қолган Собитхон тўра рози бўлиб, акасининг ишини давом эттирган. Ваъз ила элу юртни тўғри йўлга даъват этиб, камолга етган мухлисларга иршод берган. Дарҳақиқат, Собитхон тўра илм бобида улкан муваффақиятга эришган эди. У доимо ўз устида ишлашга вақт топар, мадрасадан қайтиб келиши билан муҳим китобларни варақлар, ёзаётган китобларига қимматли маълумотлар тўплар эди.

Иршод маснадига (даражасига) чиқмасдан аввал у тонг қоронғусидан бошлаб, қуёш чиққунга қадар «Тафсири Жалолайн»ни ўқир эди. Маъруза қилган пайтда эса тингловчилар унинг сўзидан таъсирланиб йиғлаб ўтиришар, ҳатто баъзилари дод-дод, дея бақириб юборишарди. Унинг таъсирли сўзлари тингловчилар қалбини эритиб юборар эди.

У иршод бериш, ҳидоят қилиш мақомига чиққандан кейин ҳар жума кунни бомдод намозидан кейин омма учун махсус йиғин ташкил этиб, маърузалар ўқир эди. Унинг ваъзу насихатларини тинглаш учун шаҳар ва қишлоқлардан келган минглаб одамлар тўпланишарди. Уларнинг орасида олимлар, мударрислар ва бошқа илму ҳунар аҳллари ҳам бўлар эди.

Собитхон тўра илоҳиёт, тасаввуф, тафсир, ҳадис, қонуншунослик, тил ва адабиёт, тарих, жуғрофия, мантиқ, фалсафа, психология, математика ва бошқа илмларидан хабардор бўлиб, бир қанча китоблар ёзган. У, асосан, араб, форс-тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган. Жумладан, «Башорат-ун-нажот фи ишорат- ис-салот» («Намоз ишоратида нажот башорати») асари араб тилида ёзилган бўлиб, тошбосма усулида нашр этилган. «Тажҳиз ул-амвот» («Мурдаларни ювиш») асари ўзбек тилида ёзилган. «Рисолаи китоб-ит-талоқ» («Талоқ китоб»ига бағишланган рисола»), «Кашф-ун-ниқоб ан масъалат-ил-ҳижоб» («Ҳижоб масаласида ниқобнинг очилиши»), «ал-Фатово» («Фатволар» китоби) асарлари араб тилида ёзилган. Мазкур асарлардан ташқари, яна кўплаб рисолалар ва китоблар таълиф этган.

Собитхон тўранинг 1324/1906-07 йилда ёзилган «Тажҳиз-ул-амвот» ва «Рисолаи китоб-ит-талоқ» асарларини наманганлик шоир ва ношир Мулло Обиджон саҳхоф 1325/1907-08 йилда Бухоройи шарифда тошбосма услубида нашр қилдирган.

Собитхон тўра Туркистонни жуда севар, шу боис чоризмнинг мустамлақасига айланиб қолган муқаддас Ватанини озод ва ҳур кўришни орзу қиларди. Шунинг учун ҳам у ўзининг талабаларига,

аҳли аёлига Ватан озодлиги учун ҳаракат қилиш зарурлигини, керак бўлса бунинг учун жон бериш лозимлигини таъкидларди. Болшевиклар инқилоби бошлангач, Собитхон тўра ўз шоғирдари билан мухлисларини уларга қарши курашга, Ватан мустақиллиги учун бирлашиб ҳаракат қилишга даъват этган. Собитхон тўранинг халқ ўртасидаги нуфузини яхши билган болшевиклар унинг ҳузурига махсус одамларини жўнатиб, «*тақсир, бизнинг ишимизга ҳалақит берманг, агар сиздан бирор ножўя ҳаракатлар содир бўлса, у ҳолда сизни қамаб, турли азоблар берамиз*», дея таҳдид солишган. Лекин у бунга асло парво қилмай, Ватан озодлиги йўлидаги даъватларини давом эттирган.

Шўролар Собитхон тўранинг тугаётган йўлини, қилаётган маъруза ва даъватларини ўзлари учун хатарли эканлигини билиб, уни Наманган ревкоми раиси ҳузурига олиб кирганлар.

Ревком раиси Собитхон тўрага бошдан оёқ разм солиб:

— Сиз билан яқиндан танишиш ва, қолаверса, ўртамизда дўстлик ришталари боғланса, деган умид билан сизни бу ерга олдириб келдик. Тақсир, қачонгача бизга қарши даъватлар қиласиз? Бас! Бизни ўз ҳолимизга қўйинг, одамларни бизга қарши қилманг, йўлимизга юв бўлманг. Агар бу йўлдан қайтмасангиз, ғазабимизга учраб, шерикларингиз сингари балою азобларга дучор бўласиз.

Собитхон тўра ревком раисига қуйидагича мардонавор жавоб берган:

— Оллоҳнинг жаннати кенгдир, мен жаннатга киришни истайман. Шунинг учун ўзим билан ноқобил кишилар ўртасида дўстлик бўлишини истайман. Чунки ёшим ўтиб, охира т яқинлашиб қолди, қилган ишларимнинг ҳосилини йиғиш вақти яқинлашиб қолди. Менинг айтадиган сўзим шу, бошқа гапим йўқ, Нима ҳукм чиқарсанглар, чиқараверинглар, мен ўз эътиқодимдан қайтмайман.

Шўро ҳукумати Собитхон тўрани доимо зимдан кузатиб, назорат қилиб турган. Кўрсатилган турли тазйиқларга қарамасдан, бир умр эътиқодига содиқ қолган Собитхон тўра 1346/1928 йилда вафот этган. Унинг Ватанга, эътиқодга содиқлиги барчамизга мангу ибрат бўлиб қолиши лозимлигига ишончимиз комил.

Алихон ХАЛИЛБЕКОВ,
филология фанлари номзоғи, доцент

ХАЛҚ ФАМИ-ЛА ФАМ ЧЕҚИБ

Моддий ва маънавий бойликларга кон Туркистон ўлкасига кўз олайтириб юрган чоризм XIX асрнинг 60-йилларидан ўз мақсадларини амалга оширишга киришади. 1865 йилда чор қўшинлари Тошкентни эгаллади. Кейин Фарғона водийсига ҳужумга ўтди. Водий халқлари, шу жумладан, Наманган аҳолисининг қаршилиги шафқатсизлик билан бостирилди. 1875 йилнинг 30 октябрида рус подшоси Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги ерларни Наманган волости номи остида «*Русиянинг Фарғона мулкига қўшиб олиш тўғрисида*» фармон чиқарди. Фарғона вилояти ҳарбий губернаторлиги ташкил этилди.

Ўлканинг моддий бойликлари билан бирга, маънавий бойликлари - ноёб маданий ёдгорликлар, нодир қўлёзмалар Русияга ташиб кетила бошланди. Халқ ва юртни талон-тарож қилишнинг хилма-хил усул ва воситалари қўланди. Шоир Нодим ёзганидек, «*Экмакка пахта тухмин кўп боғлар бузилди*».

Мустамлакчилик зулми мунтазам кучайиб борди. Маҳаллий аҳолини талаш, хўрлаш, қонунсизлик авж олди. Хилма-хил солиқлар кўпайди. Фуқаро аҳволи оғирлашди.

Чор амалдорларининг ўзбошимчаликларига, жабр-зулмларга қарши халқ туғёнга келди. Ғалаёнлар кучайди. 1893 йилда Наманган уездида маъмурларни жиддий безовта қилган қўзғолон бошланди. 1895 йилдан қўзғолонлар янада кучайди. 1898 йилги Дукчи Эшон қўзғолонида Наманган уездидаги тоғлик аҳолининг аксарияти қатнашди. Халқ қўзғолонлари шафқатсизларча бостирилди.

Фуқаронинг истибодга қарши кайфияти ва қалб туғёнлари бадий адабиётда ҳам ўз изларини қолдирган. Халқ кўшиқларида бу гоҳ фалақдан шикоят, гоҳ зулмга қарши ошкора нафрат тарзида ифодаланган. Кўлбуқон, Қайқи каби қишлоқларда ташкил топган халқ дostonчилиги мактабларининг вакиллари ижро этган асарлар қатига давр фожеалари ва халқ дардларини жо қилганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ўлка адабий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Дўстлик, адабий ҳамкорлик ва ғоявий-эстетик ҳамжиҳатликка асосланган ижодий ҳаёт ўлка

шоирларини бир жойга жамлади, уларни жипслаштирди, бадий тафаккурини янги поғонага кўтарди. Мулла Шамс Шавқий (1805-1889), Эшон Бобохон Нодим (1844-1910), Умрзоқ Ҳайрат (1845-1915), Мулла Йўлдош Хилватий (1858-1921), Исҳоқхон Иброт (1862-1937), Муҳаммадшариф Сўфизода (1869-1937) мазкур ижодий муҳитнинг етакчи намоёндалари эдилар.

Фурқат айтганидек, «ҳамиша мажлис бунёд айлаб, зодаи таъблардин мушоира» қилиш, «бир ғазал-ла татаббуъ кўрсатиб, бир мазмунни ҳар тарзда ифодалаш», «ғазал машқ этиш», «мухаммас боғлаш» каби Қўқондаги синғари адабий машғулотлар¹, ўзаро ижодий ҳамкорлик Наманганда ҳам давом этган. Ҳаммаслақлик туфайли шеърятда муштарак оҳанглар юзага келган. Муқимий деярли ҳар йили Наманганга келиб турар, йиғилишларга қўшимча файз киритарди. Шоирлар мушоираси, адабий-бадий мажлислар созанда ва хонандаларнинг қатнашуви билан зийнатланар, янада шукӯҳли тус оларди.

Шу тариқа, XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Наманган адабий муҳити илгор зиёлилар, маданият ва адабиёт арбобларининг ҳамжиҳатликдаги қизғин ижодий фаолиятининг маҳсули сифатида юзага келган ва тараққий топган. Бу муҳитнинг пешқадам вакиллари лирикани ғоявий ва бадий жиҳатдан юқори даражага кўтарганлар. Уларнинг лирик шеърларида ҳаётийлик ва ҳаққонийлик, ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалалари тараннум этилган. Лирик қаҳрамоннинг тақдирдан, толесизликдан, замонадан шикоятлари халқ дарди-андуҳларини ифодалаб, ижтимоий норозилик, даврни қоралаш руҳини касб этган. Шоир Нодим бу руҳни «замон жабридан тоқатим тоқ ўлуб», «давр жабридин юрак-бағрим тўла қон келмишам» каби оташин сатрларда акс эттирган. Бундай кайфият бошқа шоирлар ижодида ҳам кўзга ташланади.

Бадий адабиётда халқпарварлик кучайган. Мустамлака давридаги оғир аҳвол, меҳнаткаш халқнинг қашшоқлашуви, омма бошидан кечираётган жабр-жафолар, ноҳақликларнинг реалистик тасвири халқчил шоирлар ижодидан кенг ўрин олган. Адабиётда танқидий ва ҳажвий йўналишнинг салмоғи ортиб, етакчи жанрга айланган.

Нодим «Хит қилди», «Эҳтиёж», «Шикояти пахта» каби асарларида халқнинг ночор аҳволини ҳаққоний тасвирлаган. Бу ҳолат, айниқса, унинг «Хит қилди» шеърисидаги қуйидаги мисраларда яққол кўзга ташланади:

Ўтун ҳўл, шамъ тийра, уй совуқ, тўн йўқ, табаҳ кўрпам,

Пулим кам, эҳтиёжим кўп, булар ночор хит қилди².

Асарда чор ҳукуматининг солиқ сиёсати, солиқ ундиришдаги ўзбошимчалик ва зўравонликлар қаттиқ қораланган:

Солибон уй пули, ўлпон, замискаю қоравул пул,
Келибон эрта-кеч истармиш, амлақдор хит қилди³.

«Шикояти пахта» муҳаммасида Нодим камбағал деҳқонлар кулфатини чуқур ҳамдардлик билан қаламга олган:

Бир неча камбағаллар овқатин ўткузолмай,
Қишлоқ маошларини асбобини тузолмай.
Ҳар кимсадан олиб пул, мингдин бирин узолмай,
Пахтага пул кўтариб, вақтида еткузолмай,
Орқасида маҳосил-деҳқончилик товонда⁴.

Шоир Хилватий «Қашшоқ» шеърда «киярга жома тополмас, егани парчаи нон», дея турмуш қийинчиликлари мушкул қисматга дучор қилган фақирларнинг аянчли аҳволини бадий бўёқларда тасвирлаган. Турли-туман солиқлар натижасида қарздорликнинг кучайишидан халқпарвар адиб Ибрат кўнгли изтиробга тўлиб, уни қуйидагича васф этган: «Аксари аҳолининг аҳволи қарз балосига мубталодур»⁵.

Шавқий ва Ибрат эпик асарларида чор мустамлакачилари сиёсатининг моҳиятини фош қилганлар. Нодим, Ҳайрат, Сўфизода ва бошқа шоирлар ҳажв тигини золим ҳукмдорларга, ёвуз ниятли кучларга ва худбин кимсаларга қарши қаратганлар. Нодим «Дар мазаммати замона», «Фалати», «Мақсуди аларни сийму зардур» каби асарларида халқнинг золим ва фирибгарларга нисбатан нафратини ифодалаган. Сўфизода эса, 1893-98 йилларда яратган «Айтинг бў сўзимни», «Даканинг», «Бургалар» каби сатираларида замона иллатларини фош этган.

Даврнинг етук шоирлари ижодида маърифатпарварлик янги поғонага кўтарилган. Улар ўз шеърларида илм-маърифат, дунёвий билимларни жамият ривожига, халқнинг уйғониши, Ватан истиқболи учун зарур восита сифатида тарғиб қилганлар. «Кўнгулни офтоби маърифат бирла мунаввар эт» — дея даъват этади Нодим. «Ёшлик вақтида илм ўргану одобу ҳаё», — деб уқтиради Хилватий. Ибрат: «Илм асоси машаат (ҳаётнинг, тирикликнинг асоси), «маданиятимизнинг аввалги зинасидур», — дея таъкидлайди. «Кириб ваҳдат хумига носаводликни рангланглар», — деб ёзади Сўфизода. Тошкент гимназияси билан

танишган Нодим уни янгича таълим даргоҳи, илму адаб маскани сифатида таъриф у тавсиф қилган.

Ибрат, Сўфизода ва бошқа тараққийпарвар зиёлиларнинг зиё тарқатиш, маърифатли авлодларни тарбиялаб етиштириш йўлидаги жонбозликлари, айниқса, таҳсинга сазовордир. Уларнинг бевосита раҳнамолигида ташкил қилинган янги усулдаги мактабларга иқтидорли болалар жалб этилган.

Ўзбек шеърини янги мавзу ва мазмун билан бойиган. Адабиётда янги жанрлар вужудга келган. Саёҳатнома жанри кенг тарқалган. Муқимий сингари, Нодим, Ҳайрат, Хивлатий каби шоирларнинг ушбу жанрдаги асарларида саёҳат таассуротлари, табиат гўзалликлари ҳамда халқ ҳаётининг ҳақиқий лавҳалари акс эттирилган.

Сўз санъатида сифат ўзгаришлари юзага келган. Халқпарвар ёзувчилар эл орзу-умидларини, эркинлик ғояларини куйлаганлар. Озодлик учун кураш жараёнида миллий уйғониш адабиёти шакллана борган. Бу эса миллатни истиқболга чорлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод қилган илғор фикрли шоирлар, шу жумладан, наманганлик ижодкорлар халқпарварлик, ватанпарварлик, озодлик ғояларини олға суруви асарлари билан ўзбек адабиёти тарихида ёрқин саҳифа очганлар. Бу давр адабиёти сўз санъатининг кейинги тараққиёти учун пухта замин бўлган. Унда вояга етган Ибрат, Сўфизода каби хилқчил зиёлилар XX аср бошларига келиб жаҳид маърифатпарварлиги ва миллий уйғониш адабиётининг йирик вакиллари, истиқлол куйчилари ва фидойилари бўлиб етишганлар. Уларнинг аянчли таржимаи ҳоли ва халқ изтиробини куйланган мероси билан танишар эканмиз шу кунларга етказган Парвардигорга шукроналар ва зиммасига бутун масъулиятни олиб; Мустақилликни эълон қилган Президентимизга тасаннолар айтамыз.

¹ Фурқат бу сўзларни «Туркистон вилоятининг газети», 1891 йил 16-сонда Қўқондаги адабий ўтиришлар хусусида ёзган эди.

² Нодим. Танланган шеърлар. Тошкент. 1964 й., 24-бет.

³ Мазкур тўплам. 26-бет.

⁴ Мазкур тўплам. 21-бет.

⁵ Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона. ЎзРФА Шарқшунослик институти фонди, № 11080-рақам, 28-бет.

Ҳакимжон ХАЛИЛОВ,
Наманган вилояти ҳокимлиги ағлия бошқармасининг
диний ташкилотлар бўйича етакчи маслаҳатчиси

ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

(Қонун ва ижро)

Истиқдол йилларида диннинг жамият тараққиётидаги ҳақиқий мавқеи тан олиниб, муайян даражада унга таянишга асосланган мутлақо янгича ёндашув мазмун-моҳияти ва шаклу шамоийли билан турғунлик йиллардагидан тубдан фарқ қилади. Ўтган ўн йилга бир назар ташлайлик. 1991 йилдаёқ «*Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида*» қонун қабул қилинди. Унда виждон эркинлиги ҳуқуқи, фуқароларнинг динга муносабатидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилиги, динлар ва диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилганлиги, республикамизда диний ташкилотлар, кўнгилли бирлашмалар, диний жамиятлар, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар, диний ўқув юртлари, уларнинг низомлари, низомларни рўйхатта олиш, диний ташкилотлар фаолиятини қандай шароитда тўхтатиш каби масалалар ўз ифодасини топган эди. Шунингдек ушбу Қонун орқали диний ташкилотларнинг мулки ва улардан фойдаланиш, марказий органларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти, диний урф-одатлар ва маросимлар, диний адабиётлар, диний ташкилотларнинг хайрия ва маданий-маърифий фаолияти халқаро алоқалари, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар, фуқароларнинг ижтимоий таъминоти, амалдаги қонунларни бузганлиги учун жавобгарлик каби масалаларнинг ҳуқуқий замини, яъни муайян меъёрлар яратилди.

Диннинг жамиятимиздаги ўрни Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги мақоми билан белгиланади. Конституцияда фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатланган. Ҳар бир инсонга хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки биронта ҳам динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи берилган. Диний қарашларни

мажбуран сингдириш қатъиян ман этилган. Бу ҳолат Конституциянинг 57-моддасида қуйидаги тарзда аниқ ифода этилган: *«Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузлиши ва фаолияти тақиқланади».*

Ҳозир Ўзбекистонда дин ва диний ташкилотлар давлат тараққиётига, осойишталикка, фуқароларни Ватанга фидойилик, Оллоҳга ишонч, иймонли-эътиқодди, ростгўй, покиза, ҳалол, ўз меҳнати эвазига кун кўрадиган, ҳаромдан ҳазар қиладиган, қонунлар асосида иш юритадиган руҳда тарбиялашга кўмаклашадиган ташкилотлар сифатида намоён бўлмоқдалар.

Биз динимизни ҳамда диний ташкилотларнинг қонуний фаолиятларини ҳаётдаги ижтимоий, маданий ва маънавий-руҳий муҳит ранг-баранглигини таъминловчи хилма-хил тарихий қадриятлар силсиласидаги тенг ҳуқуқли бўгин деб ҳисоблаймиз. Шу боис диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлатдан ажратилгани ҳамда уларнинг қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган.

Давлатнинг динга муносабати Президентимизнинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: *«Биз дин бундан буён ҳам аҳолининг энг олий руҳий-ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашшиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз».*

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонун қабул қилинганига 3 йил тўлмоқда. Янги таҳрирдаги Қонун 1991 йилдан кейин тўпланган мустақил Ўзбекистон тажрибасини ўзида мужжасам этган. Бу қонунга риоя этиш ва унинг ижросини таъминлаш — ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Чунки Қонуннинг мақсади — ҳар бир

шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъий назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат.

Вилоятимизда 89 миллат ва элатдан иборат икки миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини чеклаш, уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш ҳоллари рўй бермаган. Юқорида айтганимиздек, вилоятимизда 2 та ноисломий диний ташкилот, яъни «Инжилчи-христиан баптистлар» ибодат уйи ва «Евангел христианларининг «Благая весть» черкови ҳам фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг фаолияти ўзининг марказий бошқарув органлари томонидан мувофиқлаштириб, йўналтириб бориламоқда.

Диний ташкилотларнинг моддий базаси, асосан, хайр-эхсонлардан тушган маблағлардан ташкил топган. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаларини иттифоқлик асосида ташкил этишга эришганлар. Ушбу иттифоқлик, айниқса, аҳоли ўртасида фаоллар ва диний уламолар ҳамкорлигида ташкил этилаётган турли мавзулардаги маданий-маърифий тадбирларда кўринади. Шунингдек, бу ҳамкорлик аҳоли ҳушёрлигини ошириш, диний экстремизм ва терроризмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб бориш, жамият барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда илмий анжуманларда янада фаолроқ намоён бўлмоқда.

Фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар раҳбарларининг дунёвий, ҳуқуқий билим савиясини ошириш, иш юритишда уларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида адлия бошқармаси, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоятдаги вакили ҳамда вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Мулла Қирғиз» мадрасасида ҳафталик малака ошириш ўқишлари ташкил этилди. Ўтган йилнинг август, сентябр, октябр ойларида вилоятдаги барча диний ташкилотларнинг раҳбарлари мазкур курсда таҳсил олдилар. Давомийлиги таъминланган бундай малака ошириш курсларига олимлар, ҳуқуқшунослар ҳамда адлия

бошқармасининг мутахассислари-маслаҳатчилари ҳам жалб этилган. Диний ташкилотларнинг раҳбарлари ва масжидларнинг имом хатибларига янги таҳрирдаги «*Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида*»ги Қонуннинг мазмуни, моҳияти ва вазифаларига бағишланган маърузалар ташкил қилинди.

Диний ташкилотларнинг ходимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани туфайли 2001 йилнинг биринчи чорагида 223 нафар диний ходим қабул қилиниб, уларга тегишли ҳуқуқий ва Устав фаолияти бўйича амалий ёрдамлар ҳамда йўл-йўриқлар берилди. Шунингдек, 2001 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятимиз аҳлига қонуннинг мақсади, моҳияти ва мазмунини тўлақонли тушунтиришга янада аҳамият берилиб, айрим фуқаролар ва диний ташкилотлар томонидан «*Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида*»ги қонуннинг моҳиятини англамаслик ҳолларига барҳам бериш учун оммавий ахборот воситалари, радио, телевидение орқали давра суҳбатлари, маърузалар уюштирилмоқда. Ўқувчи ёшларни, хотин-қизларни ноқонуний диний таълим олиш, диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолиш ҳолларига йўл қўймаслик, айниқса, мактаб ўқувчисига ҳақиқий диний эътиқод ва халқимизнинг урф-одатларига зид қарашларга қарши кураш каби вазифаларни бажара бориб, «Дин ва диний муносабатлар», «Диний эътиқод кафолатлари», «Ақидапарастлик, ваҳҳобийлик ва бошқа ёт оқимларга қарши тарғибот ишларини ташкил этиш», «16 феврал воқеалари: мақсад ва сабоқлар» мавзусида суҳбатлар ўтказилмоқда. Вилоятимизда барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган ишларни мунтазам асосга қўйиш ҳамда аҳоли ҳушёрлигини ошириш, диний экстремизм ва терроризмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб бориш учун туманларда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида, диний ташкилотларда ҳам тушунтириш ишлари олиб бориламоқда.

Адлия бошқармасининг диний ташкилотлар бўлими бундан буюн ҳам бу соҳадаги ишларни изчил давом эттиради.

Дилбар ҲАЙДАРОВА,
«Аёл ва жамият» газетаси бош муҳаррири

СОҒИНЧИМСАН САНАМИМ АЁЛ

Дунё тирикликка дахлдор бўлибдики, Аёл шаънига битилган шеърлар, Она номига айтилган гўзал ташбеҳлар, Ёр сўзига тўқилган газалу дostonлар минг бир турфа шаклда давом этиб келмоқда.

Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, АЁЛ зурриёд давомчиси сифатида эъзозланади. Унга буюк ХИЛҚАТ, қудратли куч соҳиби деб қаралади. Тараққиёт даври эса АЁЛнинг очилмаган салоҳиятларини кашф этди. Унга нафақат ОНА, балки, ақл-заковат эгаси деб қарала бошланди.

Мустақиллик шарофати билан ўтмишнинг қора доғлари ювилди. Энди биз Муқаннадан тортиб, салтанат соҳибаси Бибиҳоним, эрк ва адолат учун белига шамшир боғлаган Қурбонжон Додхоҳу гўзал мисралари билан эл-улусни лол этган Увайсий, Нодирабегим ҳаётини, ижодини мукамал ўрганиш бахтига муяссар бўлдик. Биргина бу эмас, ўзбек аёлининг вафо ва садоқат фариштаси деса бўлади. У шундай удумларга ўрганганки, боши осмонга етганда ҳам ўзини Аёл, умр йўлдошини эса Пирим деб билади.

Яхши кунларда АЁЛ, ОНА, ЁР номига мадҳия айтмоқ улуғлардан қолган меросдир. Ўтганларнинг руҳларини шод этган ҳолда, бугун бутун умрини давлат ва жамият ривожи учун бахшида этган аёллар шарафига тасаннолар айтамыз. Бойси, бугунга келиб, Юртимизда хотин-қизларга бўлган эътибор дунё миқёсида ўрганилмоқда. Муҳтарам Президентимизнинг Фармонлари билан хотин-қизлар масаласи давлат даражасига кўтарилди. Вилоят, туман хотин-қизлар қўмитаси раисларига ҳоким ўринбосари мақоми берилди. Бу ишонч юртимизда АЁЛ, ОНА қадрини, шаънини улуғлаш йўлида қўйилган қутлуғ қадам бўлди.

Мустақиллик эпкинлари наманганлик хотин-қизлар ҳаётида ҳам асрлар силсиласига арзигулик из қолдирди. Вилоятда биринчи «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони АЁЛга, тажрибали

гинеколог Ойшахон Қўчқоровага берилди. Бунинг тимсолида давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этаётган аёллар, хотин-қизлар меҳнати эъзоз топди. Бугун ўз умрини фидойилик йўлига бахшида этган Ҳожирахоним Қирғизбоева, раҳбарлик салоҳияти ила шуҳрат топган Хосиятхон Аҳмедова, самимийлик шоҳсупасида назокатли аёл Дилдорахон Аҳмедова ва яна юзлаб, минглаб аёллар номларини фахр билан айтиш мумкин.

Наманган туманидаги Ғайрат номли ширкат хўжалигини бошқараётган Фаридахон Аҳмедова деҳқончиликда йигитларни ортда қолдириб меҳнат қиляпти. Чустлик тадбиркор аёл Маликахон Усмонова бир неча йиллар давомида фаолияти тўхтаб қолган туманлараро кўзи ожизлар корхонасини қайта ишга туширди. Кўзи ожиз, ногиронлар билан бугунги кунда 30 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Ғирвон қишлоғида яшаётган Раҳимахон Қаҳҳорова хусусий тадбиркорлик бўйича катта мактаб яратди. Чортоқлик Кимёхон Эргашева туманда биринчилардан бўлиб қўшма корхона очди ва ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан дунё бозорида савдо қиляпти.

Фан, таълим, маданият ва ҳатто қишлоқ хўжалигида ҳам кўплаб хотин-қизларимиз фидокорона меҳнат қиляпти. Улар орасида "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" Мўътабархон Қаҳҳорова, профессор Жўраҳон Азимова, олима Дилшода Дадажоновна сингари юзлаб фидойи аёллар борлигидан қувонамиз.

Кейинги беш йилда Наманган нафақат гуллар шаҳри, балки спортчилар масканига ҳам айланди. Айниқса, вилоят хотин-қизлари ўртасида футбол, теннис, қўл тўпи мусобақаларнинг мунтазам ўтказиб борилиши анъанага айланиб қолди. Стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони Севара Қодирова ва Ўрта Осиё ўйинларида голиб деб топилган "Гулбаҳор" қизлар футбол жамоасининг ютуқлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Юртимизда она ва бола саломатлигини сақлаш, ногиронликнинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу борада вилоятимизда мисли кўрилмаган имкониятлар яратилди, кўплаб соғломлаштириш марказлари қурилиб ишга туширилди. Вилоят марказий туғруқхонаси илмий текшириш институтига айлантирилди. Вилоят "Она ва бола скрининг маркази" ишга тушди. Шаҳар ва туман марказларида тез тиббий иншоотлари ишлаб турибди. Қишлоқ врачлик амбулаториялари замон талаблари асосида қайта жиҳозланди.

Наманганда хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, бандлик масаласи ҳал этилмоқда. Чуст туманида дўппичилик, Норинда зардўзлик ривожланмоқда. Ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришда хотин-қизларимиз жонбозлик кўрсатяпти. Янги иш ўринлари яратилмоқда. Косонсой, Поп, Тўрақўрғон туманлари ва Наманган шаҳрида бунёд этилган кўшма-корхоналарда минглаб қиз-жувонларимиз меҳнат қилиб, иззат-икром топмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун Наманганда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги ошмоқда. Бу — юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг умидли дебочаси демакдир.

*Мастура МУҲАММАДИЕВА,
Республика «Оила» йлмий-амалий маркази
Наманган вилоят бўлими директори*

ОИЛА ВА ТАРБИЯ

Юртимизда унутилмас сана — Мустақилликнинг 10 йиллик тантаналари давом этмоқда. Халқимиз бу байрамни барча соҳада кўзга кўринарли ўзгаришлар, мисли кўрилмаган ютуқлар билан кутиб олмақда. Албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Ватанимизнинг истиқболини белгилаш ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида ёшларимизнинг ҳам ҳиссаси катта. Шу билан биргаликда халқимизнинг мустақиллик, тинчлик, бунёдкорлик йўлидаги тараққиёти ёвуз кучларга тинчлик бермаётгани ҳам ҳақиқатдир.

Охириги 2-3 йил ичида республикада содир этилган машғум воқеаларда айрим ёшларнинг иштирак этгани шуни кўрсатадики, кураш ёшларнинг онги, эътиқоди, маънавияти учун бормоқда. Чунки ёшларнинг тўғри йўлдан чалғитиш турли диний ва бошқа ёт оқимлар, экстремистик гуруҳ ва кучлар учун осон туюлади. Ватанимизга тажовузлар халқни, ҳар бир инсонни, фуқарони огоҳликка даъват этмоқда. Ёшларни авайлаш, зарарли кучларнинг таъсиридан асраш нақадар зарур эканлиги ҳар биримизнинг

онгимизга кириб бормоқда. Бу борада фаол тарбиявий ишларни амалга ошириш зарурати давримиз, бугунги ҳаётимиз талаби бўлиб қолмоқда. Демак, бизда шакллана бошлаган ўзига хос миллий мафкуранинг асосини, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Юрт тинчлиги, Ватан ободлиги ва халқ манфаати» ташкил қилиши лозим.

Миллий мафкуранинг шаклланишида оила муҳим ўрин тутати. Оила мафкураси деганда, биз оиланинг мустаҳкам бўлиши, унда соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш, тартибли ва сарийштали оилани юзага келтиришни тушунамиз. Бу ишларни амалга ошириш учун 1998 йили Президентимиз ташаббуслари билан Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил қилинди ва кўп ўтмай Наманганда унинг вилоят бўлими очилди. Шу кунларда вилоят бўлими минтақада оила мафкурасини шакллантиришга гоир бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда, Ўтган қисқа вақт ичида етарли тажриба тўпланди.

Биргина мисол. «Диний ақидапарастлик, унинг моҳиятини тушунасизми?» мавзусида социологик тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот турли ёшдаги эркак ва аёлларни, мансаби, яшаш жойи, маълумоти, диний қарашлари турлича бўлган фуқароларни қамраб олди. Тадқиқотни ўтказишдан мақсад оилаларда, ёшларда, мафкуравий эътиқодни, ақидапарастлик ҳақидаги билимлар даражаси ва турли оқимларга бўлган муносабатларни аниқлашдан иборат эди. Тадқиқот натижалари, таҳлиллар ва олинган хулосалар шуни кўрсатадики, вилоятимиз ёшлари онгида ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу йўналиш бўйича олиб борилган тарбиявий-тарғибот ишлари ёшларни бефарқ қолдирмаган, уларнинг билимларини, эътиқодини янада мустаҳкамлашга, ватанга садоқат, муҳаббат туйғуларини ривожлантиришга хизмат қилган. Олинган хулосалар асосида вилоят «Оила» маркази, хотин-қизлар ва маҳалла қўмиталари томонидан ёшларда ва умуман аҳоли ўртасида мафкуравий иммунитет, соғлом эътиқодни шакллантиришга қаратилган комплекс дастурлар ишлаб чиқилди.

Вилоят ҳокимлиги бўлимимиз томонидан олиб борилаётган тадқиқот натижаларидан кенг фойдаланиб, вилоятда яшовчи оилаларни ижтимоий ҳимоя этишга эътиборни янада кучайтирмоқда. Ҳозир барча оилаларнинг сони аниқланиб, уларнинг турмуши, иқтисодий ва ижтимоий ҳолати таҳлил қилиниб, турли гуруҳларга тасниф этилди. Ҳозирги кунда вилоятимизда 499 минг 100 та оила фаолият кўрсатиб келмоқда,

улардан 39774 таси вилоят ижтимоий таъминот бўлими томонидан рўйхатта олинган ва моддий ёрдам билан таъминланмоқда.

1994 йилдан бошлаб ҳар йили 5 сентябрь куни вилоят бўйлаб «Оила» байрами ўтказилмоқда. Байрам вилоят ҳокимлигида ҳам бўлиб, қабул маросимида энг намунали оила аъзоларига совғалар топширилмоқда.

«Оила» илмий-амалий марказининг вилоят бўлими ўқув муассалалари билан ҳамкорликда олиб борган ишлари шуни кўрсатадики, ёшларни ҳаётга тайёрлаш, уларнинг онгида пухта билим ва эътиқодни шакллантириш, мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, юксак маънавиятли, пок ниятли, комил инсонни тарбиялаш демакдир.

*Акмал ҲУСАИНОВ,
доцент, Наманган давлат университети*

ЎТМИШ МАДАНИЯТИ – ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Истиқдол шарофати билан халқимизнинг тарихи ва маънавий маданиятини ўрганишга, уларни эркин замонга мос ҳолда тиклашга катта эътибор берилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ўтмишни билмай туриб, мустақилликнинг қадрига етиш ёки келажак уфқларини аниқ белгилаш амри маҳол. Зеро, миллий қадриятларимизнинг ҳассос куйчиси Абдулла Қодирий ҳам бежизга «*мозийга қараб иш тутиш – хайрлидур*», дея бу соҳага алоҳида урғу бермаган. Шу нуқтаи назардан тарихимизга назар соладиган бўлсак, маънавий маданиятнинг инсон ҳаётида қанчалик чуқур идизга эга эканлигига гувоҳ бўламиз.

Хўш, маънавият ўзи нима? Бу саволга ҳар ким ўзича жавоб қилади, фикр юритади. Маънавият инсонни ҳайвонот дунёсидан ажратувчи бир бутун яхлит концепция бўлиб, тил, тафаккур, ёзув, ахлоқ-одоб, эътиқод, тасаввур, илм-фан, санъат, урф-одат ва анъана каби қадриятларни, мафқурани ўз ичига олади.

Тафаккур ва онгнинг ривожланиши, меҳнатнинг ижтимоий

тақсимоти одам қиёфасини, унинг ички ва ташқи дунёсини, маънавиятини ўзгартирди. Ибтидоий фикрлаш Ўрта Осиё халқларининг қадимги афсоналарида ўз аксини топган. Уларда тасвирланган илк афсонавий қаҳрамонларнинг кураши, дастлаб, ёвуз кучлар рамзи сифатида аждаҳолар, девлар, жинлар тимсолида ифодаланган бўлса, кейинчалик, улар орқали реал воқеяликка, яъни босқинчилар, зolim ҳокимлар, жамиятдаги адолатсизликларга қарши курашга даъват этилган. Эрамининг II асрига оид сақлар эпосининг айрим намуналари — антик ёзувчи Полиэн асарида халқини ганимлар ҳужумидан сақлаб қолиб, бу йўлда ўз жонидан кечган ватанпарвар, довюрак қаҳрамон тўғрисида, шунингдек, Юнон тарихчиси Геродот асарларидаги афсоналарнинг бирида массагетлар маликаси Тўмариснинг қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилинади. Шундан аёнки, ўтмишда хотин-қизлар ҳар ишда, айниқса, Ватан ҳимоясида эркаклар билан тенг, елкама-елка туриб, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганлар.

Таълим-тарбияда ор-номус, дўстлар ва сафдошларга садоқат, эътиқод ва эзгулик, инсонпарварлик фазилатларининг шакллантирилиши билан ёвузлик ва ахлоқсизликка нисбатан муросасизлик туйғуси мустаҳкамланган. Бу ибратомуз ғоялар аждодларимизнинг ёзма ёдгорлик «*Китоби Жамшид*», «*Эрхубба афсонаси*» каби ўзбек эртаклари, халқ оғзаки ижодиётида, тасвирий ва амалий безак санъати намуналарида ўз ифодасини топганлиги фикримиз далилидир. Албатта, диний ақидалар, одат ва маросимларда ҳамда муқаддас ёзувларда акс эттирилган бундай ғоялар одамларда ўзи истиқомат қилаётган заминни, юртдошларини севишга, зарур бўлса, уларни душмандан ҳимоя қилиш учун жон фидо этишдек юксак ахлоқий хислатларни касб этишига хизмат қилади.

329-327 йилларида Ўрта Осиёга бостириб кирган Александр Македонский, VIII-IX асрларда Қутайба ибн Муслим ал-Бахилий бошчилигидаги араб истилочилари, XIII асрда Чингизхоннинг татар-мўғул қўшинлари аждодларимиз маданиятининг гуллаб-яшнаши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, аксарият тарихий-маданий ёдгорликларни маҳв этилишига олиб келган эди.

Аждодларимизнинг ўтмиш тараққиёти шуни кўрсатмоқдаки, биринчи минг йилликнинг дастлабки асрларида Ўрта Осиё Месопотамия, Миср, Ҳиндистон, Юнон, Рим, Хитой билан бир қаторда, жаҳон тамаддуни бешиklarидан бири бўлган. Қадимги Турон заминида истиқомат қилган бактрияликлар, суғдар,

парфияликлар, хоразмликлар, фарғоналиклар, қолаверса, турклар ўша замонлардаёқ ўзларининг мустақил ёзувларига эга бўлганлар.

Хоразмшоҳлар пойтахти Тупроққалъадан топилган иккинчи минг йилликнинг учинчи асрига оид архив ҳужжатлари, Нисодан топилган ёдгорликлар ва эрамиздан бурунги биринчи асрга мансуб Парфия архиви маълумотлари ўрта осиеликларнинг энг қадим замонлардан саводли бўлганликларини исботлайди.

Илмий изланишлар, қидирувлар сак ва массагетларнинг икки минг йилликдан бир неча асрлар олдинги даврларда ҳам турар-жой қуришда ўзига хос шарқона архитектура услубларга эга бўлганликларини, шаҳарсозлик ривожланганини кўрсатади. Тош даврига оид турар жойлар Тешик гори атрофидан, бронза даврига хос мураккаб архитектура комплекслари Сополлтепадан, илк темир вақтида қурилган тўртбурчак, айланма тарҳли қалъа шаҳарлар Қизилтепа, Бандихонтепа, Кучуктепа, Қўйиқирилган қалъа ва бошқа жойларда бунёд этилганлиги маълум. Биринчи минг йилликнинг II асри сўнги чорагида қадим Туронда жуда кўп шаҳарлар бўлганлиги, уларнинг аҳолиси, турмуш тарзи, урф-одатлари тўғрисида хитойлик тарихчи Сима Цзян ҳам қатор хабарлар беради. Масалан, Паркана (Фарғона) давлати музофотида 70 та катга-кичик шаҳарлар бўлган экан.

Турон халқлари қадимдан тасвирий санъат билан шуғулланиб келганлар. Ҳайкалтарошлар инсонларнинг руҳий ҳолатини ўз асарларида тасвирлашга интиланлар. Айниқса, Қўйиқирилган қалъадан топилган терракота ҳайкалтарошлик асарлари ўша давр руҳини мукамал ифода этганлиги билан эътиборга лойиқдир. Қиздириб пиширилган ҳайкаллар, шунингдек, деворий расмлар хоразмлик санъаткорларнинг юксак маҳорат соҳиби бўлганликларидан далолат беради. Суғда коропластика (лойдан аёллар ҳайкалчасини ясаш) санъати кенг ёйилган. Холчиёндан топилган ҳайкалтарошлик асарлари (баральеф, горельефлар) асосан лойдан тайёрланган ҳайкал ва деворий расмлар, архитектура иншоотларига мослаштириб ишланган.

Ўрта Осиёнинг турли қисмларидан топилган тарихий ёдгорликлар Олд Осиё, Ҳиндистон ва Хитой халқлари моддий ва маънавий маданияти билан уйғунлашиб кетганлигидан далолат беради. Ўзга халқлар маданияти раванқига салмоқли таъсир кўрсатган, шу билан биргаликда ўзлигини сақлай олган ана шундай бой маданий мерос ҳақидаги билимлар, шубсаҳиз, давлатимиз тарақиётига ва истиқдолимизни мустаҳкамлашга муносиб замин бўлиб хизмат қилади.

Маҳмуджон НИШОНОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

ОИЛА – МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Миллий истиқдол мафкурасини халқимизнинг қалби ва онгига сингдиришда жамиятнинг асоси бўлган оила алоҳида ўрин тутати. Инсоннинг маънавий қиёфаси, айниқса, мафкуравий тарбияси оилада шаклланади. Зеро, мустақиллигимиз пойдеворини мустаҳкамлайдиган, мамлакатимиздаги оламшумул аҳамиятта молик ўзгаришларни амалга оширадиган шахс ҳам оилада тарбияланади. Ҳар қандай тарбия, аввало, оиладан бошланади. Ҳар бир оила ўзини-ўзи тарбиялаши лозим. Оиладан маънавий қашшоқ бўлиб чиққан фарзандларни на мактаб, на жамият тарбиялай олади. Оила мустаҳкам, тинч, барқарор ва фаровон бўлсагина, унда тарбияланиб, вояга етаётган фарзанд маънавияти етук, фикри теран, соғлом ва комил инсон бўлиб етишади. Бундай инсонлар яшаётган жамиятда эса барқарорлик вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, маънавий ва руҳий муҳитнинг соғломлиги, ислоҳотлар муваффақияти учун қулай замин яратади.

Шунинг учун оилани мустаҳкамлаш, унинг турмуш даражасини ошириш, оила аъзоларининг соғлигини сақлаш мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим йўналишини ташкил этмоқда. Халқ фаровонлиги, турмуш шароитлари, даражаси ва сифати жамиятнинг бошланғич ижтимоий-демографик гуруҳи бўлган оиланинг яшаш аҳволидан келиб чиқиб белгиланади.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2001 йил – «Оналар ва болалар» йили деб эълон қилинди. Оилага Ўзбекистон Конституциясида ҳам алоҳида эътибор берилган. Асосий Қонуннинг "Оила" деб аталган XIV боби оилавий ҳуқуқларни амалга ошириш ва уни ҳимоя қилишга бағишланган бўлиб, унда оиланинг жамиятда тутган ўрни аниқ-равшан ифодаланган. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, оила мустақиллиги, унинг маънавий-ахлоқий, мафкуравий асоси ҳам

ўз ақсини топган. Мазкур ҳуқуқий меъёрлар юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга асос бўлади.

Оила боланинг ҳаётий билим доираси, мафқураси, маънавияти ва тажрибасини кенгайтириш имкониятига эга, чунки оила ҳаётининг ижтимоийлиги унда тарбияланаётган болаларнинг онги, дунёқараши характериға ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Шунинг учун оила ишларини жамиятнинг мақсад ва интилишларидан ажратиш мумкин эмас. Бизнинг жамиятдаги ёки ишдаги фаоллигимиз оилада акс этиши лозим, фарзандларимиз мафқуравий ва фуқаролик қиёфамизни кўриши ва уни ота-оналик қиёфамиздан ажратмаслиги керак. Мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар бизнинг қалбимиз ва фикримиз орқали болаларимизга етиб келиши зарур. Корхонамизда, жамоамизда содир бўлаётган, бизни қувонтираётган ёки ташвишлантираётган нарса фарзандларимизни ҳам қизиқтириши, хизматларимиздан қувонишлари ва биз билан фахрланишлари лозим.

Қатағон даври, ундан кейинги турғунлик йилларида бизнинг одоб-ахлоқимизга, оила каби энг муқаддас қадриятимизга, инсоний қадр-қимматимизга ҳам дарз кетди. Одамлар ўртасидаги меҳр-шафқат анча заифлашди. Ҳатто ёнма-ён турадиган қўшнилар бир-бирларини танимайдиган бўлиб қолдилар. Ўзимиз ҳам кўпроқ ўзимиз билан овора бўлиб, фарзандларимиз тақдирига бепарво қарадик. Натижада баъзи оилаларда айрим ноқобил фарзандлар, бемехр, ялқов, қайсар бўлиб ўсишди.

Болани тарбиялашда руй берган таназзулни бартараф этиб тўғри йўлга қўйиш учун оилавий тарбия ўтмишда қандай бўлганлигини ва ҳозирги кунда нималарга амал қилаётганини таҳлил этиш жоиз. Ундан чиқадиغان хулосалар, мавжуд салбий ҳолатдан холи бўлиш чоралари келажакка мўлжалланган амалий дастур — миллий истиқлол ғояси йўналишларида ўз ақсини топмоғи лозим. Бунинг учун эса миллий истиқлол ғоясини халқимиз қалбига сингдиришни, аввало, оиладан, унда соғлом муҳит яратишдан, ёшларнинг маънавий дунёсини тарбиялашдан бошлаш керак.

Фарзанд тарбияси билан унинг мурғаклик давриданок, ҳатто дунё юзини кўрмасдан шуғулланиш лозим. Халқимиз қадимдан тарбияни ҳеч қачон бир кишининг иши деб билмаганлар. Эзгулик, яхшилик, одоб-ахлоқни муқаддаслаштириб, ҳар бир кишига ёшлиқдан шу қоидаларга амал қилишни ўргатиб, назорат

этиб турганлар.

Тарбиянинг энг муҳим талабларидан бири — шахсий намуна, оила ибратидир. Ота-она, катталар, қариялар, ака-укалар, қариндош-уруғларнинг оиладаги мавқеи муҳим аҳамиятга эга. Яхши фарзандларни, аввало, яхши оила, яхши ота-оналар тарбиялайди.

Оила, одоб-ахлоқ тушунчаларини кенг маънода англаш мумкин. Бутун мамлакат — бир оила. Жамоа — бир оила. Уларнинг қувонч ва ташвишлари ҳам бир-бирига уйғун бўлади. Уларнинг тотув, ғамхўр ва меҳрибон бўлишлари оиладаги катта ёшлиларнинг намунасига боғлиқ.

Фарзанд ота-онанинг, бутун оиланинг, жамиятнинг бахт-иқболи. Ота-она бола дунёга келган кундан эътиборан унинг яхши одам бўлишини, ахлоқ-одобли, меҳрли, олийжаноб инсон бўлиб етишишини чин дилдан истайди, ният қилади. Донишмандлар айтганидек, ота-онанинг муқаддас бурчи фарзандни дунёга келтирганлиги билан эмас, балки яхши фарзанд тарбиялаганлиги билан белгиланади.

Дунё тараққиётига ўзининг бетакрор обидалари, даҳолари, санъат қошоналари, жаҳонгирлари, муқаддас битиклари билан салмоқли ҳисса қўшган буюк алломалар-улуғ аждодларимиз ҳам илк тарбияни оиладан олганлар. Истиқлол шарофати туфайли ушбу шарқона табаррук қадрият ўз мавқеини тиклаётти. Бу — порлоқ истиқболимизга, улуғ кашфиётлари билан жумлаи жаҳонни лол қолдирадиган, аждодларига муносиб ворис-кадрлар тайёрлашга давлатимиз томонидан яратилаётган мустақкам замин демақдир.

*Фанижон МАҚСУДОВ,
Ўзбекистон ёшларининг «Камолот»
ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши раиси*

БАРКАМОЛ АВЛОД — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Мустақиллигимизнинг ўн йиллигини наманганлик ёшлар ҳам ўзига хос ютуқлар билан қаршиламоқдалар. Гарчи тарих учун

бу давр унча катта бўлмаса-да, аслида, оламшумул воқеаларга, ўзгаришларга бой давр сифатида мозийга кузатилмоқда. Вилоят марказида Амир Темур, «Тинчлик» хиёбонлари, Бобур ва Машраб истироҳат боғлари, тантана ва маросимлар уйи, «Алпомиш», «Паҳлавон», «Динамо», «Дўстлик» спорт-соғломлаштириш мажмуалари, вилоят телемаркази қад ростлаб, Наманган шаҳри чиройига чирой қўшиб турибди. Наманган, Янгиқўрғон, Уйчи туманлари марказларида ҳам йирик спорт ўйингоҳлари ишга тушди. Наманган шаҳри, Чортоқ, Тўрақўрғон, Наманган туманларида эса ҳавас қилса арзигулик «Ёшлар марказлари» фойдаланишга топширилди. Нафақат вилоят, шаҳар, туман марказлари, балки узоқ-яқин қишлоқларда ҳам мўъжазгина спорт-соғломлаштириш мажмуалари қурилиб ишга тушаётгани кишини қувонтиради.

Бироқ шולי курмаксиз бўлмаганидек, истиқлол йилларида айрим ёшларимизнинг четдан келган оқимларнинг таъсирига тушиб, жаҳонга хавф солаётган диний экстремизмнинг хизматкорларига айланиб, ғаразли мақсадларни кўзлаган кучларга қўшилиб қолиш ҳоллари, афсуски, бизнинг вилоятимизда ҳам учрайди.

Вилоятимиз ёшларини турли оқимларга адашиб кириб кетишининг олдини олиш бўйича «Камолот»чилар қатор ишларни амалга оширдилар. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида эликдан ортиқ маънавият, маърифат, фан, маданият соҳасида турли кўрик-танловлар ўтказилди. Улардан энг эса қоларлиси, «Сиз тарихни биласизми?», «Сиз қонунни биласизми?» «Қувноқлар ва зукколар», «Тарихингдир минг асрлар», «Маънавият ходимининг камолот пиллапоялари» каби кўрик-танловларда ёшларнинг барча табақадаги вакиллари қатнашдилар. Анъанага айланган «Ўзбекистон – азиз Ватаним» иншолар танлови, «Алла қўшиқлари ижрочилари» танлови, «Она тилим – жону дилим», «Ёшлар оқшомлари», «Мардлар қўриқлайди Ватанни» мавзусидаги тадбирлар кўпчиликда катта таассурот қолдирмоқда. Айниқса, вилоят ёшлари ўртасида апрел ойида ўтказилган «Соғлом авлод – юрт камоли» шиори остидаги баҳор фестивали, «XXI аср қалдирғочлари» шиори остидаги «Охирги қўнғироқ» фестивали, вилоят ёшларининг «Олтин куз» карнавали

иштирокчиларда ҳам, томошабинларда ҳам катта таассурот қолдирмоқда ва ҳар йили ўтказиладиган анъанавий тадбирга айланмоқда.

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур», деган гап бор. Бу — ҳаёт ҳақиқати. Наманганда бошланган ва эндиликда Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган «Универсиада-2000» тадбири вилоятимиз ёшларининг фаол иштирокида ўтиб, унутилмас дамлар ҳамон хотирада турибди. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган ёшлар наманганлик тенгдошлари амалга ошираётган ишларни кўриб лол қолдилар. Универсиада совриндорлари орасида Наманган ёшлари вакиллари ҳам борлиги биз учун, айниқса, қувончлидир. Орадан кўп ўтмай жорий йилда Жиззаҳда «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, Тошкент шаҳрида эса «Олимпиада умидлари — 2001» спорт мусобақалари ўтказилди. Бу тадбирларда ҳам вилоятимиз ёшлари фаол қатнашдилар.

Ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, улар ўртасида турли қонунбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш бўйича вилоят «Камолот»чилари ўз тенгдошлари ўртасида истиқлол йилларида туркум тадбирларни амалга оширдилар. Фақатгина икки йил мобайнида «Сайлов ва ёшлар» шоу дастурлари деярли барча туман ва Наманган шаҳрида такомиллаштирилди. Натижада, ёшлар вакиллари Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайланди. Ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш ҳам диққат марказига қўйилган. «Эркил юрт эркини бермас», «ўзинги, ўз уйингни асра» каби мавзулардаги тадбирлар ҳам яхши самара бермоқда. Амалга оширилаётган тадбирлар вилоят ҳокимлиги, юқори идоралар томонидан қўллаб-қувватланиб, эътироф этилаётганини алоҳида таъкидламоқчимиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида фаолиятимиз икки марта муҳокама қилиниб, ижобий баҳоланди.

Вилоятимизда 1998-2000 йилларга мўлжалланган ёшлар билан ишлаш ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича чора-тадбирлар Дастури яратилиб, шу бўйича мунтазам анжуманлар, давра суҳбатлари уюштирилди. Буларда вилоятдаги 667 та ўрта мактаб, 54 та ўрта-махсус ўқув юрти ва 3та олий ўқув даргоҳидаги Ҳаракат Бошланғич ташкилотларининг ҳамкорликда иш ташкил

этишлари қўл келди.

Президентимиз Наманганда 1999 йил 17 декабрда сайловчилар вакиллари билан бўлган учрашувда ажойиб бир фикрни айтгандилар: *«Наманган деганда мен заҳматкаш, меҳмондўст, иймон-эътиқоди бақувват, юсак маънавий фазилатлари билан ажралиб турадиган одамларни кўз олдимга келтираман. Наманган халқи ўзига хос хусусиятларини, ўз тарихи, анъана ва урф-одатларини, бетакрор шеvasини асрлар мобайнида сақлаб келмоқда.*

Бу халқ ўзининг меҳнатсеварлиги, огамийлиги, хушмуомаласи, меҳр-оқибати билан кишида ҳавас уйғотади. Наманганликлар, ҳатто, мурғак фарзандини ҳам «Сен» демайди, «Сиз»лаб гапирди. Бу ибратли фазилат кўп-кўп нарсани англади, десак, хато бўлмайди». Биз, ёшлар ана шу юсак баҳога муносиб бўлишга интилоқдамиз.

Ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Бу эса, янги-янги чемпионлар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Нафақат мамлакат, балки халқаро мусобақаларда голибликни қўлга киритган боксчи Темур Сулаймонов, биатлончи Муҳаббат Кандакова, шахматчи Ольга Сон, теннисчи Севара Қодирова, ўзбек кураши доврўғини дунёга танитаётган Аюб Камолов, Бахтиёр Бозоров, Шуҳрат Бозоров, Нуриддин Ғозиев каби наманганлик йигит-қизлар ёшларимизнинг фахрига айланиб қолишди. Шунингдек, Зулфия мукофоти совриндорлари Зулхумор Маҳмудхўжаева, Холида Мирзаакбаровалар эришган натижалар ҳам ёшларга ибрат бўлиб хизмат қилаяпти.

Биз – ёшлар Наманган ва унинг фахри бўлган Маҳдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Усмон Носир каби улуғ зотларнинг муносиб ворислари бўлиб камол топишга интилаяпмиз.

Жорий йил ҳақиқатдан ҳам ёшларимиз учун тарихий воқеаларга бой бўлди. Мамлакатнинг, миллатнинг куч-қудрати бўлмиш ёшларга эътибор тобора кучаймоқда. Юртбошимиз илм-маърифатли, гурурли, жасоратли авлодни тарбиялаб вояга етказиш борасида алоҳида қайғураяптилар. Бир сўз билан айтганда, ёшлар масаласи давлат сиёсатида айланди. Ёшларни

яна ҳам жипслаштириш, эзгу ишларга етаклаш, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракати вужудга келди. Дарҳақиқат, Ватан — ягонадир, Ватан — бигтадир. Ана шу ғоя атрофида яна ҳам жипслашиб, яшаб, меҳнат қилаётган наманганлик ёшлар иқтисодиётни юксалтиришда ўз ўринлари борлиги билан фахрланадилар. Саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам, қўйинг-ки, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида олов қалб ёшларни учратиш мумкин. Биз «Камолот»чилар Юртбошимиз ишончларини ўзимизнинг ташаббускорлигимиз, фидокорлигимиз, тадбиркорлигимиз билан бундан буён ҳам оқлаймиз.

*Абдулазиз АБДУРАҲМОНОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети*

МАДАНИЙ МЕРОСГА ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ЁНДАШУВ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мустақилликка эришган ҳар бир жамият ўтмишга ўз эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ёндашуви табиийдир. Чунки ўзгарган дунё, нарса ва ҳодисалар ҳамма вақт, албатта, ўзгарган тушунчаларни талаб этади.

Илмий-фалсафий ёндашув моҳиятини чуқур англаб етмайдиган ёки буни хаёлига ҳам келтирмайдиган айрим кимсалар мустақилликнинг дастлабки йилларида, баъзан ҳозир ҳам ҳиссиётларга берилиб, маданий меросга муносабатда бир томонламаликка, субъективизмга йўл қўяётганликларининг гувоҳи бўламиз.

Фалсафа тараққиётни икки хил йўл ё доира бўйлаб оддий такрорланишлардан ёки ҳеч қандай тўсиқларсиз, зиддиятларсиз, «орқага қайтишларсиз» фақат тўғри чизиқ бўйлаб олға томон боради, деб ҳисобловчи бир томонлама, механистик қарашларга

қарама-қарши ўлароқ диалектик ёндашувни талаб қилади.

Истиқлол шарофати ила, миллий урф-одат, маданиятимиз, тарихимиз, ғиёлимиз, динимиз, қисқаси ўзлимиз-ўзимизга қайтдик. Мустабид шўролар тузуми давридаги сиёсатда танлаб, узиб-юлиб олиб, кесиб ташлаб, назар-писанд қилмай камситилган, бироқ, хорижда муайян қисми аллақачон ўрганиб бўлинган маданиятимизнинг эндиликда мукамал тадқиқ қилиш имконияти вужудга келди. Бироқ, бунда илмий-фалсафий ёндашувнинг объективлик, умумий боғланиш, умумий тараққиёт, умумий алоқадорлик, ворислик каби асосий қондаларига, яъни тамойилларига риоя қилиш талаб этилади.

Аждодларимиз бизга мерос қилиб қолдириб кетган маданият дурдоналари халқимиз, миллатимиз идизларининг нақадар бақувват, чуқур эканлигини кўрсатади. Насида буюк алломалари бўлган халқ, барибир, вақти келиб, ўз тарихидан ибрат олиб, илҳомланади ҳамда шунга монанд хатти-ҳаракатларни қилишга етарли замин, шижоат ва жасорат топа олади.

Биз ўтмишдан ҳамма нарсани ҳам қабул қила олмаймиз, чунки унинг ҳамма томонлари ҳам ибратли эмас. Ундан кулни эмас, чўғни олмоғимиз керак. Бу эса мутахассис олимлардан энг шимариб астойдил, масъулият билан йиллар давомида игна билан кудуқ қазишдек машаққатли меҳнат қилишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва 1998 йил 1 майда янги таҳрирда қабул қилинган «*Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида*»ги қонун миллий-диний қадриятларга илмий ёндашувнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи бош ҳуқуқий замин ҳисобланади. Ўзбекистон — дунёвий мамлакат, бироқ, бу динийликка мутлақо зид дегани эмас. Шу билан бирга, ҳалоллик, эзгулик, меҳнатсеварлик, адолатни тарғиб этувчи ҳақиқий дин билан, ур-йиқит, одам ўлдириш, талончилик, ҳокимиятта интилиш, аҳolini кофирларга ва мусулмонларга ажратиб, уларнинг орасига адоват уруғини сепувчи дин ниқобидаги экстремизм, бидъат ва хурофотдан фарқ қила билиш, энг муҳими, бизда дин ўз йўлига ва давлат ўз йўлига эканлигини асло унутмаслик керак.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда истиқлолдан сўнг миллий маданий меросимизга муносабат тубдан ўзгарди. Миллий давлатчилигимизни қайтадан тиклаш, халқимизда ўз тақдирига эғалик қилиш ҳиссини тарбиялаш, ўтмишда ота-боболаримиз ким эди, биз киммиз, қадриятларимиз қандай бўлган, буларни кўтариш билан халқимизнинг, эзилган, хиралашган руҳини равшанлаштириш, дунёга танитиш билан тарихий идизларимизга фарзандлик туйғуси билан мурожаат этишни

тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, маданиятнинг моддий ва маънавий томони учун диалектиканинг инкорни инкор қонунидаги ворислик муаммоси тааллуқли бўлиб, унга кўра ривожланиш тўғридан-тўғри олдинги тараққиёт даражасига боғлиқдир. Инсоният олдинги натижалар, қўлга киритилган ютуқларга таянмаганда, маданий тараққиётда янги қадамлар қўйиш амри маҳол бўлувчи эди.

Инсоният тарихий тараққиёт пиллапоясининг бир поғонасидан иккинчи поғонасига, бир иқтисодий-ижтимоий тузумдан бошқасига ўтганда ҳар сафар, ҳар қандай тузум ўз ичида ҳаракатни амалга ошириб бўлгач, ўзининг моддий ва маънавий маданиятини тубдан янгилаб ўтирмайди, балки эришилган олдинги ютуқларга таяниб, ривожланишни олға томон давом эттиради. Зеро, ўроқ, болға, теша, болта, кетмон, олов, кийим-кечак ва ҳоказоларни ҳар сафар қайтадан кашф қилишга ҳеч қандай зарурат йўқ.

Маданиятда, умуман жамият тараққиётида мумтоз меросдан фойдаланиш, ворислик, такрорийлик, маданий меросга қарашдаги икки хил — примитив, анархистик, яъни ўтмиш маданиятини ҳеч қандай танқидсиз тўлалигича қабул қилишга ундовчи ва нигилистик, яъни ўтмиш маданиятини бутунлай инкор қилувчи қарашларни чуқур ўрганиш катта назарий ва сиёсий аҳамиятга эгадир.

Маданий меросни кенг маънода тушуниш ва ҳар бир миллат маънавий қадриятларини умумбашарий мезон асосида тадқиқ этиш, замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда фикр юритиш мустақиллик фалсафасининг зарур талабидир.

Ўтмиш, бу муайян олинган бир халқ, миллат, мамлакатга тааллуқли бўлибгина қолмай, балки у жаҳон халқлари тарихи билан бевосита боғлиқ бўлиши табиийдир. Зеро, Президентимиз И. Каримов таъкидлаганларидек, *«ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, мамлакатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир...»*.

«Кимгадир ворис бўлиш керак бўлса,—Берунийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворис бўламиз». Бироқ, ўтмишга қувониб, ҳадеб ўтмишдаги алломаларнинг номларини такрор-такрор санай бериш билан тараққиёт бўлиб қолмайди. Аждодлар меросига содиқ қолган ҳолда улардан-да кўпроқ, буюкроқ, машҳурроқ, донғи оламга кетган янги авлод алломаларини етиштириш мустақилликнинг энг муҳим вазифасидир.

Олимжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
доцент, Наманган МПИ

ЖАҲОН ТАМАДДУНИНИНГ БЕШИГИ ЁХУД МОВАРОУННАҲРЛИК БУЮК АЛЛОМАЛАР

Мустақиллик миллий маданиятимиз тарихини ўрганишга ва унга ҳолисона илмий ёндашувга катта имконият яратди.

Маданий меросимизни ўрганиш, ўтмиш қадриятларимизни кенг ва ҳар томонлама очиб бериш, янги жамиятимизни тўғри ривожланишини, келажакни оқилона белгилаш ҳозирги давр учун долзарб вазифадир. Бундан 10 йил муқаддам жонажон Ўзбекистонимизда қарор топа бошлаган ижтимоий адолат, айниқса, бой ва кўҳна маданий меросимизни ўрганишга ҳолисона ёндашув бугун ўз самарасини бермоқда. Бу хайрли ва тарихий ишларнинг ҳаммаси Президентимиз Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов собитқадамлик билан олиб бораётган халқчил сиёсатнинг маҳсули бўлиб, у мазмун-моҳияти жиҳатидан юксак аҳамиятга моликдир.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги, Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги, буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланди. Уларнинг шаънига муносиб ёдгорликлар бунёд этилди. Ўзбек тилида нашр этилган Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-Саҳийҳ» тўплами, Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари халқимиз маънавий тафаккурини бойитишга муносиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда ривожланаётган илм-фаннинг қайси бир соҳасини олиб қарамайлик, мовароуннаҳрлик ва хуросонлик олимларнинг хизматлари беқиёсдир. Айниқса, ўрта асрларда яшаган алломаларимизнинг бу борадаги улушлари дунё миқёсида салмоқлидир. Диримиздан етишиб чиққан Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Жоруллоҳ аз-Замахшарий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби юзлаб, минглаб буюк сиймоларимиз билан биз ҳақли

равишда фахрланамиз.

Диний илмлар билан бир қаторда дунёвий илмлар соҳиби бўлган даҳоларимиз яратиб кетган ўлмас асарлар, буюк кашфиётлар жаҳон илм фани ва маданияти равнақига қўшилган улкан ҳисса бўлиши билан бирга, айни вақтда, маълум даражада ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга ҳам хизмат қилган. Шунинг учун Президентимиз 1997 йил 11 ноябр куни «Хоразм Маъмун академия»сини қайтадан ташкил этиш тўғрисида» фармон қабул қилди. Бу мустақиллик йилларида мамлакатнинг илмий салоҳиятини янада юксакроқ поғонага кўтаришга улкан имкониятлар очди.

Аҳмад ал-Фарғоний халифа Ҳорун ар-Рашиднинг Шарқий ерларидаги муовини, ўғли Абдуллоҳнинг (бўлажак Халифа ал-Маъмуннинг) Марвдаги олимлари доирасига кирган. 819 йили ал-Маъмун бутун сарой аъёнлари ва уламолари билан бирга Марвдан Бағдодга кўчади. Улар орасида ал-Фарғоний ҳам бор эди. Ал-Фарғоний 861 йили Қоҳира яқинидаги Равзо оролида «Нилометр»ни, яъни Нил дарёси суви сатҳини белгиловчи асбобни ясаган. Бу билан бутун Мисрдаги мусулмонлардан шариат бўйича олинадиган солиқлар (ер солиғи, дон солиғи, ўсимлик солиғи) миқдорини меъёрлаштириб берган.

Х аср охири-ХІ аср бошларида Бағдоддаги «Байт-ул-ҳикмат»га ўхшаш академияни Хоразмшоҳ Али Ибн Маъмун II Хоразмнинг ўша пайтдаги пойтахти Гурганчда ташкил қилиб, унга шоир ва табиблардан ташқари, ўша даврнинг буюк файласуфи ва олимлари Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, тарихчи Ибн Мискавайҳ, математик Абу Наср Ибн Ироқ ва бошқа олимларни жалб этган.

Беруний дунёда биринчи глобус (диаметри 5 м бўлган) ясаган. 10 ёшидаёқ Қуръони каримни бошдан-оёқ ёд олган Ибн Сино ҳозирги замонавий медицина фанининг асосий қонуниятларини кашф этган. Мусо ал-Хоразмийнинг «ал-Жабр» номли рисоласи нафақат «алгебра» атамасига, балки замонавий алгебра фанига асос солган.

Жаҳон тамаддунига, дунёвий илмлар равнақига салмоқли ҳисса қўшган аждодларимиз Тангри ва борлиқ бир-бирини инкор этувчи эмас, аксинча, улар бир бутун мавжудотни ташкил этади, деб ҳисоблаганлар. Уларнинг таъкидлашича, Тангри ва табиат маълум поғоналар ёрдамида чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу узун ва яхлит занжирнинг бир томонида яратувчи Тангри – зарурий

вужуд, иккинчи чеккасида табиат ётади.

Президентимиз И.А. Каримовнинг фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан Тошкент Ислон университетининг очилиши халқимиз қалбларига қувонч улашди. Зеро, бу — аждодлари маънавий меросидан озукланиб, келажак пойдеворини мустақамлашга қодир баркамол авлод тарбиялаш учун яратилган қулай заминдир.

*Сайфугдин ИБРОҲИМОВ,
аспирант, Тошкент давлат шарқшунослик институти*

ИБН ХУРДОДБЕҲНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

Мустақиллик аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилган маънавий меросимизни, миллий-маънавий қадриятларимизни тиклашга, Ватанимизнинг асл тарихини холисона ўрганишга имкон берди. Президентимиз *«Ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизация бешиklarидан бири ҳисобланган»*¹, деб таъкидлаганларидек, Ўрта Осиё ҳудудидан жаҳон маданиятига салмоқли ҳисса қўшган олимлар етишиб чиққан.

Шу сабабли, юртимиз тарихи ва маданиятига Шарқ ва Ғарб олимларининг қизиқиши кучли бўлган. IX асрда яшаб ижод этган Шарқнинг машҳур олимларидан бири — географ ва саёҳатчи Абулқосим Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбеҳдир. Олимнинг Ўрта Осиёга қилган саёҳати «Китаб-ул-масалик вал-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб») асарида батафсил ёритиб берилган. Китоб Ўрта Осиё маданияти ва тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Убайдуллоҳ ибн Хурдодбеҳнинг ҳаёти ўрта асрлардан бошлаб тарихнависларни қизиқтира бошлаган. Унинг ҳаёти ҳақидаги дастлабки маълумот таниқли араб тарихчиси Ибн ан-Надим томонидан қайд этилган: *«Убайдуллоҳ ибн Хурдодбеҳнинг бобоси зардуштийлик динига эътиқод қилиб келар эди, кейинчалик эса*

у ислом динини қабул қилади»².

Европалик шарқшунос олимлардан Барбье де Мейнар ва А. Фрейманнинг тадқиқотларида Хурдодбеҳ бобосининг этимологияси ҳақида қуйидаги маълумот келтирилган: «Муаллиф бобосининг исми зардуштийлик тақвими бўйича учинчи ойнинг номидир»³. Тахминларга кўра, Абдуллоҳнинг отаси Хурдодбеҳ бобо қабиланинг таниқли вакилларида бўлган. У ўзининг инсонийлиги билан катта обрў-эътиборга эришган. Муаллифнинг отаси Абдуллоҳни Ибн ал-Фақиҳ Аҳмад деб, ал-Идрисий эса Муҳаммад деб атаган, лекин Ибн Хурдодбеҳнинг асарларида унинг номи Абдуллоҳ деб таъкидланган⁴. Ибн Хурдодбеҳнинг отаси Абдуллоҳ жасур ва мард киши бўлиб, 201-203/816-819 йиллар давомида Каспий денгизининг жанубида жойлашган Табаристоннинг ҳукмдори сифатида танилган.

Аббосийлар даврининг энг машҳур араб мусиқачиси ва ҳофизи Иброҳим ал-Мавсимий Исҳоқнинг (707-850) ўғли Исҳоқ ал-Мавсимий эса Ҳорун ар-Рашид саройида яшаган. У сарой аъёнлари орасида машҳур ҳофиз сифатида шухрат қозонган. Айнан шунинг учун ҳам Абдуллоҳ ўғли — Убайдуллоҳ ибн Хурдодбеҳни ҳофизга шогирдликка берган⁵. Ибн Хурдодбеҳнинг мурида ва ашула санъатига иштиёқи билан бўлганлиги сабабли уларни катта қизиқиш билан ўрганган.

Европалик олимлар Барбье де Мейнар ва Де Гуенинг таъкидлашича, Абдулқосим Убайдуллоҳ ибн Хурдодбеҳ 820 йилда туғилган. Ҳожи Халифа унинг насл-насаби Хуросондан бўлганлигини, мағриблик тарихчи Абдулвоҳид ал-Марракуший эса форс эканлигини таъкидлаган⁶.

Убайдуллоҳ Ибн Хурдодбеҳ аждодларининг анъаналарини давом эттириб, етук аллома даражасига етишган. У Жибол вилояти хат-хабарлар етказиб бериш бошқармасининг бошлиғи лавозимига тайинланган⁷. Ал-Фихристий бу мансабни «соҳибул-барид вал-хабар» («хат ва хабар соҳиби»), деб атаган.

Муаррихларнинг таъкидлашича, халифага қарашли бўлган вилоятларнинг «хабар берувчилари» ахборот бошқармасининг ихтиёрида бўлган. Халифа ал-Восиқ бошқаруви даврида (842-847 й.) Убайдуллоҳ ибн Хурдодбеҳ Самаррада (Ироқ) бўлган⁸.

Эҳтимол, у IX асрнинг ўрталарида ўша мансабни эгаллагандир. Афғидан, хат-хабарлар етказиб бериш бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаётган пайтда, у ҳукумат идорасидаги архив материалларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган. Уммавийлар

давридан тортиб то Аббосийларгача сақланиб қолган «саёҳат сафарларини уюштириш лойиҳалари» материаллари ишлаб чиқилгани натижасида катта муваффақиятларга эришилиб, турли давлатларнинг сиёсий, тарихий жараёнларини ўрганиш йўлга қўйилган. Бу ишни, асосан, географ сайёҳлар бажарганлар. Де Гуенинг тадқиқотларига кўра, ал-Муътаид халифалиги даврида Ибн Хурдобех «Йўллар китоби»ни ёзиб тугатган⁹.

Х асрнинг энг машҳур географи ва саёҳатчиси Ибн Ҳавқал шундай дейди: *«Ибн Хурдобех ва Жайҳоний китоблари ҳамиша ёнимда юрар эди, мен уларнинг асарларини кўз қорачигимдай асрар эдим»*¹⁰.

Ибн Хурдобех Шарқда Батлимус ал-Клавдий номи билан машҳур бўлган II асрда (90–168 й.) яшаган Птоломейнинг «ал-Жуғрофия» китобини араб тилига таржима қилган¹¹.

Шарқшунос олим П.Булгаковнинг таъкидлашича, Убайдуллоҳ ибн Хурдобех тахминан 890 йилда вафот этган. Айнан шу йили у 70 ёшга қадам қўйган эди¹². Бу тахминнинг ҳақиқатга яқинлигини эътироф этиш мумкин. Ҳожи Халифанинг «Қашф-уз-зунун» асарида эса Абулқосим ибн Убайдуллоҳ ибн Хурдобехнинг вафоти 300/912 йил деб кўрсатилган¹³. Ҳожи Халифанинг маълумотича, Ибн Хурдобех узоқ умр кўрган ва унинг кўп қисмини Бағдодда ўтказган.

Ибн ан-Надим эса Хурдобех таълиф этган 8 та асарнинг номларини зикр этган¹⁴. Айтиш жоизки, IX аср форс тарихчиси Гардизий ўзининг «Зайн ал-ахбор» («Хабарлар зийнати») китобида ибн Хурдобех ёзган «Китаб ал-ахбар» («Хабарлар китоби») асарининг фанга номаълум жиҳатлари ҳақида қисқача тўхталган¹⁵.

Демак, ибн Хурдобех Шарқнинг етук географ олимларидан бири бўлган. Унинг илмий меросида тарихимиз ва маданиятимиз ҳақида қимматли маълумотлар жамланган. Ибн Хурдобех илмий меросининг янада чуқурроқ ўрганилиши юртимиз тарихининг номаълум қирраларини очишга имкон беради.

¹ Имомназаров М. «Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари». Тошкент, 1996 й., 4-бет.

² Крачковский Н.Ю. «Общие географические труды». IX в.ст.147-148.

³ Булгаков П.Г. «Книга путей и государств» Ибн Хордадбега. П.С. 1958 г.

⁴ Ибн Хордадбех. «Книга путей и стран» пер. с арабского Н.

Велихановой изд. АН АзССР Баку, 1986 г.

⁵ Ибн Хордадбех. «Книга путей и стран» с 15 (Де Гье). Баку: «Элм», 1986 г.

⁶ И.Хордадбех. «Книга путей и стран». С 10. Баку: «Элм», 1986, АН АЗССР.

⁷ Крачковский Н.Ю. «Избранные сочинения», с. 148.

⁸ Ибн Хордадбех. «Книга путей и стран». Баку: «Элм», 1986. АН АЗССР пер. Н.Велихановой.

⁹ Баратольд В. «Работы по исторической географии». Москва, 1965.

¹⁰ Хасанов Х. «Ўрта осиелик географ ва сайёҳлар». Тошкент 1964. АН УзССР.

¹¹ Ибн Хордадбех. «Книга путей и стран». Баку: «Элм», 1986. АН АЗССР пер. Н.Велихановой.

¹² Булгаков. П.Г. «Книга путей и государств» Ибн Хурдодбега. П.С. — 1958 г.

¹³ Б.Абдухалимов. «Кашф аз-зунун» Хаджи Халифы как источник по истории точных наук Мавераннахра и Хорасана. Ташкент, 1994г.

¹⁴ 1. «Китаб ал-адаб ас-симаъий» («Муסיқа маданиятининг ўқуви ҳақида китоб»).

2. «Китобу жамҳарати ансобил Фурс ва ан-навакил» («Форсларнинг шажараси ва уларнинг тўп бўлиб яшайдиган аҳолиси ҳақида китоб»).

3. «Китаб ал-масалик вал-мамалик» («Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб»).

4. «Китаб ат-табах» («Пазандалик ҳақида китоб»).

5. «Китаб ал-лавҳи ва ал-малаҳий» («Кўнгил очиш ва ҳузур-ҳаловат»).

6. «Китаб аш-шароб» («Шароб ҳақида китоб»).

7. «Китаб ал-анваъа» («Самовий юдузларни аниқлайдиган китоб»).

8. «Китаб ан-нудамса ва ал-жуласо» («Суҳбатдош ва ҳамдўстлар ҳақида китоб»).

¹⁵ Ибн Хурдодбех. «Книга путей и стран» пер. Н. Велиханова. Баку: «Элм», 1986. АН АЗССР, с.13-14.

МУҲДАРИЖА

З. МУНАВВАРОВ. Сўз боши ўрнида	3
Э. НОРМАТОВ. Тонг нури. Фахриёна	6
Ф. ЙЎЛЧИЕВ. Маънавият — иймон, кўнгил поклиги	8
Х. ХАЛИЛОВ. Тарих — келажак шамчироғи	13
А. ИСМОИЛОВ. Табаррук руҳ даъвати	17
И. М. СОТТИЕВ Имом ал-Бухорийнинг "ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ"и — мусулмонлар ҳаётининг йўлчи юлдузи	17
А. МАЪРУФХЎЖА ЎҒЛИ, Н. ЖАББОРОВ. "Маноқибни Мавлоно Лутфуллоҳ" — Ватанимиз тарихига оид муҳим манба	24
Д. ЗОҲИДОВА. Болажонлик — қадриятларимиз гултожи	31
О. ҚОРИЕВ. Имом Ҳисомуддин ал-Ахсикатий	34
М. ТОЖИХЎЖАЕВ. Европа машрабшунослик мактаби ёҳуд Машрабнинг янги ғазали	37
Р. НОРМАТОВА. Машраб ижодида миллий ғоя ва миллий мафкура	41
Ш. СИРОЖИДДИНОВ. Навоийшуносликнинг янги босқичи	46
Н. ОТАЖОНОВ. Бобур мақбараси ёҳуд фирдавсмонанд боғ	48
С. ҚУРБОНОВ. Шоир Носир Бухорий адабий меросининг илмий-танқидий матнини яратиш йўлида	54
И. АБДУЛЛОҲ. Партав — қатағон қурбони	59
А. УБАЙДУЛЛОҲ. Саййид Собитхон тўра Намангоний	66
А. ХАЛИЛБЕКОВ. Халқ ғами-ла ғам чекиб	70
Ҳ. ХАЛИЛОВ. Диний ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари	74
Д. ҲАЙДАРОВА. Соғинчимсан санамим аёл	78
М. МУҲАММАДИЕВА. Оила ва тарбия	80
А. ҲУСАИНОВ. Ўтмиш маданияти — тараққиёт пойдевори ..	82
М. НИШОНОВ. Оила — мафкуравий тарбиянинг энг муҳим омили	85
Ғ. МАҚСУДОВ. Баркамол авлод — келажак пойдевори	87
А. АБДУРАҲМОНОВ. Маданий меросга илмий-фалсафий ёндашув тамойиллари	91
О. ЭГАМБЕРДИЕВ. Жаҳон тамаддунининг бешиги ёҳуд мовароуннаҳрлик буюк алломалар	94
С. ИБРОҲИМОВ. Ибн Хурдодбехнинг ҳаёти ва илмий мероси	96